

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ

А. ҚУРОНБЕКОВ

**АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ “ХАМСА”
ДОСТОНЛАРИДА РАМЗ
ВА ТИМСОЛЛАР**


Масъул муҳаррир

Филология фанлари доктори, проф. А.М. Маннонов

Тақризчилар

Филология фанлари доктори, проф. Қ.П. Содиқов

Филология фанлари доктори Эргаш Умаров



Тошкент–2015


Қуронбеков А.

Алишер Навоийнинг “Ҳамса” дostonларидаги рамз ва тимсоллар. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2015. – 228 б.

“Алишер Навоийнинг “Ҳамса” дostonларидаги рамз ва тимсоллар” монографияси “Ф-1-135 Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий-услубий тадқиқи” фундаментал илмий лойиҳа доирасида амалга оширилди. Бу монографияда “Ҳамса” дostonларида энг кўп учрайдиган айрим рамз ва тимсоллар конкорданс асосида луғавий ва мажозий маънолари намуна сифатида талқин қилинган. Монография бўлажак Алишер Навоий асарлари бўйича конкорданс асосида тадқиқот олиб борувчилар учун ва ўқувчиларнинг кенг оmmasига мўлжалланган.

*Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган (2015 йил 27 ноябрдаги
3-сон баённомаси)*

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2015.



МУҚАДДИМА

Алишер Навоийнинг асарлари бўйича тадқиқотлар шоир замонидан бошлаб ўрганиб келинган ва бундан кейин ҳам ҳар бир янги авлод унинг асарларини қайтадан ўзи учун кашф қилса керак. Чунки унинг асарларидаги маънолар олами ер остига кўмилган етти қаватли хазина хоналарига ўхшайди. Бу хоналарнинг ҳар бир қавати эшиклари очилганда кўз ўнгимизда турли дурру-жавоҳирлар, зару-зеварлар, лаълу-ёқутлар намоён бўлади. Бу хазина туркий тилининг ва унинг меросхўри ўзбек тилининг битмас-туганмас бойлиги.

Алишер Навоий тилидаги бу бойликнинг қатламларини бирма-бир очиш учун биринчи навбатда Алишер Навоий асарларининг конкордансини тузиш талаб қилинарди. Бизнинг асримиздан олдин тадқиқотчиларда конкорданс тузиш имконияти чекланган эди. Негаки конкорданс тузиш баъзилар ўйлаганидек жўн вазифа эмас.

Конкорданс тузиш учун аввал асарларнинг танқидий матнини тузиб чиқиш керак. Шунини таъкидлаб айтиш керакки, Навоий асарлари тадқиқотлари бўйича юзлаб асарлар ва минглаб анжуманлар ўтказилгани билан оддий мукаммал асарларининг танқидий матни ҳали ҳануз тузиб чиқилмаган. Тўғри, Алишер Навоий асарларининг мукаммал тўплами нашр қилинди, лекин булар танқидий матн эмас, балки асарларнинг араб алифбосидан кирил ва лотин алифбосига ўгирилган транслитерацияси холос. Бу ўз даври учун ўта катта иш, лекин ҳали тўлиқ танқидий матн тузилди дегани эмас. Фақат “Хамса” дostonларининг баъзилари Порсо

Шамсиев томонидан ҳақиқий танқидий матни тузилиб, араб алифбосида чоп қилинган.

Конкорданс тузиш учун шоир асарларининг ё асл нусхадаги ёзувида, яъни араб алифбоси асосида ёки унинг халқаро лотин ёзувидаги транскрипцияга ўтирилган матнларни тайёрлаш керак бўлур эди. Араб алифбосидаги ёзув ҳозирги замон тадқиқотчиларининг кўпчилиги учун ўқиш ва тушуниш қийин кечгани учун, қолаверса, дунё миқёсида ҳозирги кунда лотин алифбоси энг кенг тарқалган ёзув тури бўлганлиги учун конкорданс тузишга матнни халқаро лотин алифбоси асосидаги транскрипцияга ўтириш маъқул кўринди. Халқаро лотин алифбосидаги конкорданс асосида тадқиқот олиб бориш ҳам ҳозирги ўзбек тадқиқотчилари, ҳам бутун дунё тадқиқотчилари учун бирдек муяссар бўла олади.

Алишер Навоий “Хамса”сининг конкордансини тузишда тадқиқот гуруҳи аъзолари айнан мана шу иккинчи усулни танлашни маъқул топишди. Чунки Алишер Навоий фақат ўзбек халқининг шоири эмас, балки дунё шоири, у қолдирган бой маънавий меросдан бутун олам халқи баҳраманд бўлиши керак. Иккинчидан, нафақат ўзбек тадқиқотчилари, балки бутун дунё тадқиқотчилари бош кўшиб Навоий асарларининг бадиияти, ғоявий олами, тил бойлиги ва энг муҳими, унинг ҳозирги давр олам аҳлига қолдирган маънавий мероси ўрганилса, бундан ҳамма манфаатдор бўлур эди.

Навоий асарларини халқаро лотин алифбоси асосидаги транскрипцияга ўтказиш бу осонликча амалга ошириладиган иш эмас. Бу ишни амалга оширмақчи бўлган тадқиқотчи араб алифбосида ёзилган кўлёмани ўқий олиши, Ўрта аср бадиият

илмидан хабардор бўлиши, араб, форс, ўрта аср туркий тилини мукаммал билиши, Навоий замонидаги қабул қилинган туркий тилининг фонетик ва фонологик тизимидан бохабар бўлиши, тилшуносликнинг илмий асосларини мукаммал эгаллаган тараф билимли илмий тадқиқотчи бўлиши талаб қилинарди. Негаки араб алифбосида, маълумки, қисқа унлилар ёзилмайди. Уларнинг қайси ўринда қайси унлилари тўғри келишини матн бўйича аниқлаш керак.

Буни аниқлаш учун ўша давр тил хусусиятларини мукаммал эгаллаган мутахассис бўлишдан ташқари, аруз илмидан ҳам хабари бўлиши керак. Масалан, “Хамса”нинг “Ҳайрат ул-аброр” достони “сариъи мусаддаси матвий” вазнида, “Фарҳод ва Ширин” достони “ҳазажи мусаддаси мақсур” ва унинг зиҳобларида, “Лайли ва Мажнун” достони “ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф” ва унинг зиҳобларида, “Сабъаи сайёр” достони “хафифи мусаддаси махбуни мақсур” ва “Садди Искандарий” достони “мутақориби мусаммани мақсур” вазнида ёзилган.

Ҳар бир дostonни конкордансга тайёрлашдан олдин матнини вазнга солиб тақтиъ қилиб ўқиш керак. Бундан кўзланган мақсад иккита: биринчидан, ҳар бир сўз таркибидаги унлиларнинг узун қисқалиги аниқланади, иккинчидан, матнни нашрга тайёрловчилар томонидан нотўғри ўқилган ёки маъносини тушунмай нотўғри ёзилган сўзлар аниқланади. Шунини айтиш керакки, дostonларни конкордансга тайёрлаш жараёнида юзлаб бундай сакталиклар аниқланди ва тўғриланди. Дostonлар матнида ҳар бир кўйилган хато бу асарнинг чеҳрасига тушган қора доғ бўлиб, Алишер Навоийдек улуғвор сиймонинг шаънига ҳечам тўғри қелмайди.

Шунингдек, дostonларнинг матнларида луғавий бирликларнинг чегараси аниқ ажратилмаган, натижада ҳозирги кирил алифбосида эълон қилинган матнларда туб сўзлар, ясама сўзлар, қўшма сўзлар, душлетлар, кўмакчи, боғловчи, юкламалар ва ундов сўзларнинг аниқ чегараси йўқ. Масалан: “Ҳайрат ул-аброр” дostonида¹:

Рафраф уза пўя қилиб чун кушод,
Ҳамраҳу рухравға этиб хайрбод.

Бу байтдаги “рухрав” сўзи нотўғри ёзилган, чунки бу форс тилидаги “рахрав”, яъни “йўл юрувчи” сўзи бўлиб, уни “рухрав” шаклида берилса маъно бутунлай ўзгариб “юрувчи рух” маъносини англатади.

Вақти куёшин чу қилиб парда пўш,
Килки қаро абрдек айлаб хуруш².

Бу байтдаги “пардапўш” сўзи “парда” ва “пўш” ярим аффиксидан тузилган ясама сўз бўлиб, қўшилиб ёзилиши керак, чунки “пўш” мустақил сўз сифатида ишлатилмайди, фақат ясама сўзлар таркибида ишлатилади. Уни алоҳида ёзиш маъно сакталигига олиб келса, иккинчидан, дoston сўзшакллариининг ноўрин кўпайишига ва натижада шоир сўз бойлиги ҳақида ноҳолис хулосаларга сабаб бўлади.

Ким олибан боштин аёғига бок,
Қил назар авроқиға боштин-аёқ¹.

¹Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. Т. 1991 й. 47 б.
²Ш.к., 53 б. Бундан кейинги мисоллар шу китобдан олинган.

Бу байтдаги “боштин аёғига” иккита алоҳида сўз шаклида берилган, ҳолбуки худди шу сўз иккинчи сатрда “боштин-аёқ” шаклида қўшма сўз қилиб берилган. Бу нарса нашрга тайёрловчилар наздида сўз шакллари бўйича изчиллик йўқлигини кўрсатади. “Боштин” сўзи мустақил маъно бермайди, шунинг учун алоҳида сўз сифатида ажратиш мумкин эмас.

Арбада кўп бўлди, магар маст мен,
Ёки жунун қайдиға побаст мен².

Бу байтдаги “маст мен” сўзлари матнда алоҳида ёзилган, аслда бу сўзлардаги “мен” кишилиқ олмоши эмас, балки шахс қўшимчаси бўлиб “мастмен”, “побастмен” шаклида қўшилиб ёзилиши керак эди.

Достондаги “ва”, “лек”, “ки”, “ким” боғловчилари ва ундов сўзлар ҳамда бошқа юкламалар алоҳида сўз сифатида қайд этилди. Чунки булар ёрдамчи сўз туркумларига киради ва улар алоҳида тадқиқот объекти бўла олади.

Танни юмоғликқа маҳорат бериб,
Жонға доғи бўйли таҳорат бериб.

Бу байтдаги “бўйли” сўзи нотўғри ёзилган, аслида бу сўз “бу ила” бўлақларидан ташкил топган “бўйла” қўшма сўзи бўлиб, у ҳамма жойда “бўйла” шаклида нотўғри берилган.

Бундай камчиликлар қолган тўртта достонда ҳам кўплаб топилади. Матнни конкордансга тайёрлаш жараёнида бу

¹Ш.к., 55 б.

²Ш.к., 66 б.

камчиликлар Порсо Шамсиев томонидан тузилган танқидий матн асосида, танқидий матни ишланмаган дostonларнинг матни Навоий ҳаётлик даврида кўчирилган машҳур хаттот Абдужамил котиб томонидан тайёрланган нусха асосида тўғриланди.

Табийки, бу конкорданснинг ўзи нима, уни тузишдан кузатилган фойда нима, деган саволлар туғилади. “Конкорданс” лотин тилидан олинган термин бўлиб, луғавий маъноси ““мувофиқлаштириш”, “уйғунлаштириш”, “мослаштириш” бўлиб, термин сифатида муайян бир тил матнларидаги луғавий бирликлар, морфемалар, сўз бирикмалари ёки фразеологизмларни муайян ҳажмдаги матн парчалари асосида ёки бирон бир шоир ва ёзувчининг шеърӣ ва насрий асарлари асосида тузилган сўзлик йиғиндиси ва бу луғавий бирликларнинг қанча марта учраши ва асарнинг қандай синтагматик тизимида келишини ифодалайди”.

Бундай конкорданслар ғарбда ва шарқда ўз даврининг оламшумул мавқега эга бўлган шоир ва ёзувчилари Мавлоно Жалолоддин Румӣ, Ҳофиз Шерозӣ, Шекспир, Гёте, Пушкин, Лермонтов ва бошқалар асарлари асосида ишлаб чиқилган. Шу маънода Алишер Навоий асарлари бўйича Тошкент давлат шарқшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан тузилаётган “Хамса” дostonларининг конкорданси Ўзбекистондаги биринчи тажрибадир.

Конкорданс одатда: а) она тили ва ёки хорижий тилнинг луғат таркибини аниқлаб изоҳли луғатлар тузиш учун; б) чет тилларини ўрганишни енгилаштириш мақсадида; в) муайян адабий ёдгорлик ёки якка муаллифнинг сўз

бойлигини аниқлаш ва изоҳли луғатини тузиш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш учун тузилади.

Муайян бир тилнинг луғат бойлигини аниқлаш учун тузилган конкорданс шу тилдаги бадиий, илмий, ўқув-услубий ва соҳавий матнларни тўлиқ электрон базасини яратиш мақсадида тузилади. Лекин бу ишни амалда бажариш имкони йўқлигини ҳисобга олган ҳолда, шу тилдаги мавжуд ёзма матнлардан мўътабар манбалар танлаб олинади ва электрон базаси яратилади ва унинг асосида конкорданс тузилади.

Конкорданслар кузатилган мақсадга қараб қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

1. Сўзшакллари конкорданси: Конкорданснинг бу тури энг кенг тарқалган шакли бўлиб, бунда шоир ёки ёзувчининг асарида учрайдиган барча сўз туркумлари ва ёрдамчи сўзларнинг морфологик шакли киритилади. Масалан:

Мисрда хожа бор эрди ғани,
Эшики ҳожат аҳлининг ватани¹.

Бу байтдаги сўзшакллари “мисрда”, “хожа”, “бор”, “эрди”, “ғани”, “эшики”, “ҳожат”, “аҳлининг”, “ватани”. Бу байтдаги “мисрда” сўзи ўрин келишигида, “эшики” сўзшакли қаратқич келишигининг қаралмиш шаклида, “аҳлининг” қаратқич келишиги “ватани” қаралмиш шаклида келган. Бош келишикда “Миср”, “эшик”, “аҳл”, “ватан” бўлади.

¹ Алишер Навоий. “Саъбаи сайёр” конкорданси. 2015 й.

Асардаги сўз шаклларини қандай шаклда келса шундай беришдан мақсад, биринчи навбатда асарда қўлланилган сўз шаклларининг миқдорини аниқлаш. Ундан ташқари, ўзбек тилининг грамматикаси, фонетикаси, семантикаси, сўзларнинг шаклий ўзгаришлари, сўз ясалиши ва сўзшаклларининг инвариант ва вариантларини аниқлаш ва бошқа мақсадлар учун бой материал бўлиб хизмат қилади.

2. Содда ва қўшма феъллар конкорданси:

Бу шаклдаги конкорданс тузишдан мақсад, муайян асарда қандай содда феъллар ва қандай қўшма феъллар ва қанча миқдорда ишлатилганлигини аниқлашдан иборат. Одатда шеърӣ матнларда қўшма феъллар ва феълнинг аналитик шакллари гоҳида дистант ҳолатида, гоҳида инверсия ҳолатида қўлланилади. Шунинг учун сўзшакллар конкордансида уларнинг компонентлари алоҳида-алоҳида киритилади ва қайсиниси содда феъл, қайси бири қўшма феъл эканлигини аниқлаб бўлмайди.

“Меҳрибонлик била сўруб они
Айлаб улча риоят имкони.”¹

Бу байтдаги “айлаб риоят” қўшма феъли инверсия ҳолатида келган. Меъриӣ тилда “риоят айлаб” бўлади. Лекин байтда дистант ҳолатида келган. Шунинг учун сўзшакллар конкордансида бу қўшма феъл компонентларини бирлаштириб акс эттириш имкони йўқ. “айлаб” ва “риоят” дистант ҳолатида бўлганлиги учун алоҳида сўзшакл сифатида қайд қилинади. Феълӣ

¹Ш.к.

категориялар бўйича тадқиқот олиб бормоқчи бўлган илмий тадқиқотчи содда ва қўшма феълларни матндан ажратиб алоҳида феълий сўзшакллар конкордансини тузиши зарур.

Асардаги феълларнинг таркиби, феъл вариантлари синонимик ва антонимик қаторлар парадигмаси феълнинг грамматик категориялари ҳамда маҳсулдорлиги ва феълларнинг семантик белгилари, шунингдек, улар таркибидаги ўз қатлам ва ўзлашган қатлам ва бошқа кўп масалаларни ўрганиш учун алоҳида феълий қатордан тузилса мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Фраземалар конкорданси.

Фразеологик бириклар, одатда, доимо бир хил таркибда такрорланади. Аммо шеърий матн, бундан мустасно. Шеърий матнда фразеологизмлар қисқарган, инверсия ва дистант ҳолатида келиши мумкин.

Масалан:

Етти бир кун қазодин икки ғариб,
Бу тараф солибон аларни насиб¹.

Бу байтдаги “насиб солмоқ” фразеологик бирикма бўлиб, матнда инверсия ҳолатида ва дистант шаклда келмоқда. Шунинг учун фразеология бўйича тадқиқот олиб боровчи олим, бундай бирикмаларни матнда белгилаб чиқиб, сўнг алоҳида фраземалар конкордансини тузиш лозим.

Бу фраземалар исмий фраземалар ва феълий фраземалардир. Уларнинг вариантлари, синонимик, антонимик

¹Ш.к.

қаторлари, маъно ўзгаришлари қўлланиш миқдори ва бошқа масалаларни ўрганиш учун тузилади.

4.Эркин сўз бирикмалари конкорданси.

Эркин сўз бирикмалари гап таркибини ташкил қилувчи синтактик бирикмалардан иборат бўлади. Улар мослашув, бошқарув, битишув, кўмакчи ва боғловчи сўз бирикмалар алоҳида тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

Изофий сўз бирикмаси:

Чун бу ишни шоир қилмиш эди

Кўп улуми ғариба билмиш эди.

Бу байтдаги “улуми ғариба” – араб тилидан ўзлашган изофий бирикма.

Мослашув сўз бирикмаси:

Зохир аҳли жаҳон улуми анго

Илму фозил аҳлининг хужуми анго.

Бу байтдаги “Илму фозил аҳлининг хужуми” сўз бирикмасидаги сўз бирликлари ўзаро қаратқич келишигида боғланган.

Битишувли сўз бирикмаси:

Иккиси жисмида неким асвоб,

Бор эди сар-басар йошил мошоб.

Бу байтдаги “йошил мошоб” бирикмаси битишув усулида ўзаро боғланган.

Боғловчили сўз бирикмаси:

Ичи ва тоши сарбасар тасвир,
Жонвор шакли тортилиб бир-бир.

Бу байтдаги “Ичи ва тоши” бир сўз бирикмасини ташкил қилган бўлиб “ва” боғловчиси воситасида боғланган.

Кўмакчили бирикма:

Тўрт юз қул камар базар бори
Лаълу дурдин безаб камар бори.

Бу байтдаги “камар базар” бирикмаси “ба” кўмакчиси билан боғланиб кўмакчили сўз бирикмаси ташкил қилган.

Бу эркин сўз бирикмалари ва уларнинг морфологик, синтактик ва семантик боғланиш ва валентлигини ўрганиш учун бу сўз бирикмаларининг алоҳида конкордансини тузиш мақсадга мувофиқдир.

5. Морфемалар конкорданси.

Бирон асар ёки бир давр тилидаги ўзак морфема, аффиксал морфема ва ёрдамчи сўз морфемаларини ўрганиш учун муайян матндаги сўз шаклларни алоҳида морфемаларга ажратиб, морфемалар конкордансини тузиш маъкул кўринади.

Масалан:

Ким насибинг сенинг пари бўлмиш,
Ки юзи меҳри ховарий бўлмиш.

Бу байтдаги сўз шаклларни қуйидаги сўз ўзаги, аффиксал морфемаларига ажратилади. “Ким, насиб, инг,

сен, инг, пари, бўл, миш, ки, юз, и, меҳр, и, ховар, ий, бўл, миш.” Морфемалар конкорданси ясама, кўшма, редупликатив сўзларнинг таркиби, ясаиш усуллари, сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффиксларининг таркиби, моделлари ва маҳсулдорлиги ва бошқа масалаларни ўрганишга имкон яратади.

Бу конкордансларнинг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, ҳозиргача Алишер Навоий ўзи мерос қолдирган 31 асаарида қанча сўз бирлиги ишлатган, унинг сўз бойлиги жаҳоннинг бошқа буюк шоир ва ёзувчилари билан қиёслаганда ортиқми, камми, унинг сўз бойлигини ҳозирги авлод қанчалик билади, агар ҳозирги авлод шоир ишлатган сўзларни яхши билмаса, у ҳолда тўла англаб етиши учун қандай луғатлар тузиш керак, шоир асарлари бўйича тилшунослик, адабиётшунослик, ижтимоий-фалсафий қарашлари бугунги ёшлар учун мукамал тушунарлими каби саволларга ҳануз қаноатланарли жавоблар йўқ.

Алишер Навоий асарларини таҳлил қилиш учун биринчи навбатда, унинг асарларида ишлатилган сўзларни тўла тушуна олиш керак. Афсуски, ҳозирги авлод учун бу нарса етти сандуқ ичига кўмилган сирлар хазинаси. Шоир тилини тўла тушуниш учун унинг асарларида ишлатилган луғавий бирликларни, рамз ва тимсолларни; Ўрта аср шароитидаги мавжуд ижтимоий-маънавий муҳит, шоирнинг шахсий ҳаётидаги ва ўша давр тарихида кечган сиёсий-иқтисодий жараёнлар, фалсафий ва диний-ирфоний қарашлардан келиб чиқиб, ҳар бир ишлатилган луғат бирлигининг луғавий ва мажозий маънолари асардан олинган мисоллар билан талқин қилинган шоирнинг ўз изоҳли луғатлари тузилиши керак. Фақат мана шундай луғатлар тузилгандан кейин шоирнинг

асарларидаги биз авлодларга қолдирган маънавий меросини, шоирнинг олам ва одамнинг келажаги учун қайғуриб қолдирган фикр ва мушоҳадаларини, инсониятни маънавий таназулдан нажот берувчи фалсафий қарашлари ва башоратларини тўғри англаб етиш ва талқин қилиш мумкин.

Ҳозиргача Навоийнинг маънавий дунёсини талқин қилган тадқиқотлар кўп, лекин уларда Навоий асарларининг юзаки жўн маъносига таяниб, унинг асарларидаги теран ботиний маъноларни назарга олмай ва кўпинча даврнинг ҳоким мафкураси тазйиқида гоҳида бутунлай даҳрий қилиб, гоҳида эса тамомила диний-ирфоний тарзда талқин қилинган тадқиқотлар мавжуд.

Алишер Навоийнинг асарлари, биринчи навбатда, бадиий асар. Бадиий асар, одатда, бирон ҳоким мафкурани баён қилиш учун ёзилмайди, балки шоир ўз дилини ўртаб турган, унинг тинчлигини олиб, хузур-ҳаловатини куйдириб кул қилаётган, инсониятнинг аксариятини бошидаги мудҳиш ҳодиса ва воқеалар, муаммолар ҳамда фалсафий ўй ва хаёлларини қоғозга туширади. Инсониятнинг руҳий оламини, ғам-ташвишини, дарду-аламини илғаб етган ва унинг ифодасини юксак бадиий санъат даражасига етказган шоирларнинг асарларигина мангуликка дахлдор бўлиб қолади.

Алишер Навоийнинг асарларининг ҳозирги кунгача инсоният ўқиб-ўрганиб, унга қизиқиш билдираётганининг сирлари шунда бўлса керак.

Агар баъзи тадқиқотчилар даъво қилганларидек, унинг асарлари бир ёқлама, фақат ирфоний ғояларнигина инъикоси бўлса, улар аллақачон унут бўлган бўлур эди.

Алишер Навоийнинг ижоди унинг ҳаётлик давридаёқ
замонасининг энг илғор шахсиятлари – шоирлар ва тарихчи
олимлар томонидан юксак баҳоланган. Жумладан,
Абдурахмон Жомий “Ҳафт пайкар” достонининг
хотимасида Алишер Навоийнинг “Ҳамса” достонларини
баҳолаб шундай дейди:

Батахсис шерики сарпанжа зад,
Ба шерики сарпанжа аз ганжа зад.
Ба туркий забон нақши омад ажаб,
Ки жодудамонро бувад муҳрлаб.
Зи чарх офаринҳо бар он килк бод,
Ки он нақши матбуъ аз он килк зод.
Бибашпид бар форсий гавхарон,
Ба назми дарий дурри назмоварон.
Ки гар буди он ҳам ба назми дарий,
Намонди мажоли сухангустари.
Ба мизони он назми мўъжазнизом,
Низомий ки буди-ю Хусрав кудом?
Чу у бар забони дигар нукта ронд,
Хирадро ба тамизашон раҳ намонд.
Зиҳи табъи ту устои сухан,
Зи мифтоҳи килкат кушоди сухан.
Суханро ки аз равнақ уфтода буд,
Ба кунжи ҳавон раҳт бинҳода буд.
Ту доди дигар бора ин обрўй,
Кашиди ба жавлонгоҳи гуфтугўй.
Сафоёб аз нури ройи ту шуд,
Навои зи лутфи навои ту шуд.

Мазмуни:

Хусусан, Ганжа шахридан ўз куч-қудратини кўрсатган шерга,

Ўз илик қудратини намоён этган “бешлик”(Хамса).

Туркий тилида ажойиб бир тасвир жилва қилди,

Ким жоду нафаслар тилига муҳр боғланди.

Ўша қаламдан чизилган бу гўзал нақшга –

унинг қаламига самодан офаринлар бўлсин,

форс тилида гавҳарлар нисор айлади,

дарий назмида назм аҳлларининг дурини яратди.

Агар (Хамса) ҳам дарий назмида бўлганида,

Бошқалар сўз айтишга мажоли қолмасди.

Бу мўъжизакор шеърят тарозиси олдида,

Низомий ким эди-ю, Хусрав ҳоли нима кечарди?

У бошқа тилда нукта баён этганидан,

Уларни фарқлашга ақл йўл тополмади.

Эй, сўз устаси, табъингга балли!

Қаламинг калиди билан сўз (асрорини) очдинг.

Равнақ топишдан ортда қолган,

Хорлик кунжига юз тутган сўзга,

Сен қайтадан обрў бердинг,

Уни сўзлашув жавлонгоҳига йўлладинг.

Сенинг майлинг нуридан у сафо топди,

Сенинг лутфинг навоси (бахраси)дан бойиди.

Алишер Навоийнинг асарларидаги беназир сўз санъати Жомийдан ташқари Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” ва бошқа асарларида, Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома”,

“Мухтасар”ида, Зайнуddин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”сида, Содикбек Содикийнинг “Мажмуъ ул-ҳавос” ва бошқа кўшлаб изланувчилар ва адиблар асарларида васф қилинган.

Агар ҳозирги пайтдаги Алишер Навоийнинг асарларини турк, форс, рус, инглиз, француз ва бошқа тилларга таржималарини ва тадқиқотларини жамласа юзлаб жилд китоб бўлган бўлур эди.

Навоий асарларининг тили бўйича бир неча ўнлаб луғатлар тузилган. Лекин бу луғатларнинг биронтаси Навоий асарлари тилининг маънолар тизимини тўла қамраб олмаган. Фақат Навоий асарлари бўйича конкорданс асосида тузилган луғатларгина улардаги мавжуд барча луғат бирликлари, сўз бирикмалари, иборалар ва бошқа бирликларнинг маънолар силсиласини тўла акс эттириши мукин.

Китобхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу китобда “Хамса” дostonларида ишлатилган айрим кўп сонли қўлланган рамзлар (сўз-символлар) ва тимсоллар (образлар) матнда ифодалаган маъносига қараб байтма-байт таҳлил қилинди. Бу қилинган таҳлилдaн мақсад, биринчи навбатда, бадий матндаги ишлатилган сўзларнинг маънолари ҳар доим бир хилда такрорланмаслигини, ҳозиргача нашр этилган луғатлардаги маъноларидан анча фарқли ва хилма-хил эканлигини кўрсатиш бўлса, иккинчидан, Навоий асарларидаги рамз ва тимсолларнинг луғавий, мажозий, ирфоний, ситуатив, экспрессив, тарихий ва бошқа маъно кўринишларини очиб бериш ва шу орқали Навоий асарлари тилидаги луғавий бирликларни тўла тушуниш ва кейинги

адабий ва тилшунослик тадқиқотларига кенг йўл очишдан иборат.

Шу мақсадда бу китобда “Хамса” дostonларидан баъзи бир рамз ва тимсоллар намуна сифатида таҳлилга тортилди. Бу таҳлиллар келажакда Навоий асарлари сўзлигининг барча қўлланган луғавий бирликларини талқин қилиш ва изоҳлашда йўлланма бўлса кутилган мақсадга эришилган бўлур эди, деб умид билдирамиз.

Бу китобни нашрга тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Азиза Нишанбаева, Наргиза Кабировога чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз. Бажарилган таҳлилнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида билдирилган барча холис мулоҳазаларга олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Алишер Навоий асарларини ўрганишда янги босқич

Дунё шеърят мухлисларининг фахри, ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва унинг маънавий ва фалсафий қарашларини ўрганиш ҳамisha, биринчи навбатда ўзбек халқининг, қолаверса, жаҳондаги барча инсониятнинг маданий ва маънавий меросларини асраб-авайлаб, синчковлик билан ўрганиб, шоирнинг авлодларга ўрناк бўладиган яшаш тарзи ва маънавий ўғитларини келажак авлодларга очиб бераётганларнинг диққат марказида бўлган.

Ўтмишда баъзи бир кишилар Навоий асарларини ўрганишни фақат давр талабига мос мафкура майдонига айлантириб қўйгандилар. Навоий адабий-маънавий меросини билиб-билмай, баъзида атайин ўша давр мавжуд мафкурасига мослаб кўрсатдилар. Навоий ижодиётининг асл моҳияти нимада, шу пайтгача қилинган минглаб тадқиқотлар, чоп қилинган китоблардан кейин ҳам “Навоий асарларининг ўрганилмаган соҳаси қолдими” дегувчилар ҳам бор.

Шуни тан олиш керакки, Навоий замонидан бошлаб унинг ижодий мероси ҳамма авлодлар томонидан ўрганилган ва ҳамма авлодлар кўлдан келганча Навоий ижодининг асл моҳиятини, унинг абадиятга дахлдор ғояларини чин дилдан холисанлиқ билан ўрганишга, очиб беришга ҳаракат қилганлар. Лекин ҳозиргача бу иш ҳеч кимга муяссар бўлмаганлигининг сабаби, ҳар бир даврда инсониятнинг талаб-эҳтиёжлари ва дунёқарашлари ўзгариб турган ва ҳар бир авлод Навоий асарларини ўз ижтимоий тузумининг эҳтиёжларидан,

тузумнинг мафкуравий йўлланмаларидан ва шахснинг билим савияси ҳамда иқтидоридан келиб чиқиб Навоий ижодини ўрганган ва унга баҳо берган.

Навоий замонида ва ундан кейинги даврлар, XX асрнинг бошларигача ислом дунёсида диний-ирфоний мафкура мутлақ ҳоким эди. Йигирманчи асрдан йигирма биринчи асрнинг бошларигача даҳрийлик бўғови ҳурфикрликка йўл қўймади. Шунинг натижасида Навоий маънавий меросини ўрганиш замонасозлик чегарасида амалга оширилди. Биз бу билан ҳозиргача қилинган ишларни ва навоийшунос олимларни камситиш ниятимиз йўқ, асосий мақсад шуки, Навоий ижодини, унинг бадиий-ғоявий оламини теран билим билан, холис ният билан, илмий ҳалоллик билан ўрганиш керак демоқчимиз.

Фақат халқимиз мустақил давлатга эга бўлиб, эркин фикрлаш имкониятига эга бўлгандан кейингина унинг ижодини ҳеч қандай мафкуравий тўсиқларсиз бор бутунича ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Аммо ҳозирги ёш авлод Навоий ҳазратларининг нафақат ижтимоий-фалсафий қарашлари, диний-ирфоний ғоялари, инсоният тақдири ҳақидаги ўй-қайғулари, балки *буларнинг ҳаммасини калити бўлмиш унинг асарлари тилини ҳам тўлиқ тушунмайдилар*. Табиийки, Навоийнинг асарларида кўплаб форсча, арабча ўзлашмалар ва ҳозирда муомаладан чиққан туркий сўз ва иборалар учрайди. Ҳозирги авлод учун энг катта тўсиқ мана шу! Ҳозирги авлод тадқиқотчилари Навоий асарлари бўйича тадқиқот олиб боришлари учун ҳам форс, ҳам арабча ва эски ўзбек тилини мукамал билишлари керак. Порсо Шамсиев, А.Ҳайитметов, А.Рустамов каби кекса авлод ана шундай

юксак билимли мутахассислар эди. Улардан сўнг ҳозирги авлод тадқиқотчилари орасида улар савиясидаги ҳар уч тилнинг билимдонлари кам қолди. Мана шу заруратни теран англаган ҳолда, Топкент давлат шарқшунослик институтида 2007 йилда мумтоз филология кафедраси очилиб, араб, форс, қадимги туркий тилларини пухта эгаллаган ёш мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Бизга эътироз билдириб айтишлари мумкин, Навоий асарларининг тилини нега тушунмас экан, Навоийнинг ўз замонидан бошлаб Толий Имоний Ҳиравийнинг “Бадойеъ ул-луғат”и, “Абушқа” луғати (15 аср), Яъқуб Чангийнинг “Келурнома”си, Мирзо Меҳдихоннинг “Санглох”, “Мабоний ул-луғат”и (18 аср), Фатҳ Алихон Қожарнинг “Луғати атрокия”си (19 аср), Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғоти чигатойи ва туркийи усмоний” луғати (19 аср) ва ниҳоят яқин ўтмишда тузилган Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовлар тузган “Алишер Навоий асарлари луғати” (1972), бир гуруҳ олимлар томонидан тузилган тўрт жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (1983-85), Ботирбек Ҳасанов томонидан тузилган “Навоий асарлари учун қисқача луғат” ва энг сўнгги чиққан беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бўлса, Навоий асарларини нима учун тушунмас экан, дейишлари мумкин.

Гап шундаки, бу луғатларнинг ҳаммаси Навоий асарларида ишлатилган сўзлар ва ибораларнинг умум тил тизимидаги ибтидоий онг даражасида оламни англаш сатҳидаги маъноларини ифодалаган. *Алишер Навоийнинг бадиий-фалсафий тафаккури эса оддий инсонлар тафаккуридан, оламни англаш, олам ҳодиса ва воқеалари*

моҳиятини мушоҳада қилиш ва ифодалаш қувватидан бир неча ўн баравар фарқ қилса керак.

Ҳолбуки, Алишер Навоийнинг асарларидаги ишлатилган тил бирликларининг маънолар тизими, луғавий бирликларнинг ҳар бир байт, ҳар бир асар ва умуман асарлар мажмуасидаги маъно эврилишлари ва кўлами ҳеч бир луғатда тўла акс этмайди. Биргина мисол, “олам” сўзи “Ҳайрат ул-аброр”¹ асарида 72 марта учрайди ва ҳар бир байтда ҳар хил маънода ишлатилади. Бундан ҳар байтда янги маънода ишлатилган деган хулоса чиқмаслиги керак, аммо ҳаммасида бир хил маъно ифодалайди деб ҳам бўлмайди.

Мас.: 3-боб 39-байтда (бундан кейин 3/39 шаклида берилди) “олам” сўзи шундай ифодаланган:

Илмиға ҳар зотни хайл айладинг,
Зотиға оламини туфайл айладинг.

Бу байтдаги *олам* сўзи “борлиқ” маъносини ифодалаган, бунинг далили “зотиға” сўзи бўлиб, “илоҳий зот”, яъни бутун борлиқни Оллоҳнинг қудрати билан яратилгани айтилмоқда. Бу сўз бешинчи боб сарлавҳасида шундай бирикмада учрайди: “...исён зулматида аёқдин тушганларга хулосаи олам шафоати дастгирдурур ва ул шафиъ шафоат қилғонларға холиқи олам ва одам шафоатпазир”². Бу матнда “олам” сўзи алоҳида маъно ифодаламайди, балки “хулосаи олам”, “холиқи олам” шаклидаги бирикмаларда маъно

¹Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони коркорданси. Тузувчилар: А. Қуронбеков ва бошқалар. Т. 2012 й. 29 б.

²Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7 ж. 256.

ҳосил қилади. “Хулосаи олам” – “Ислом дунёсининг пайғамбари”, яъни “охирги пайғамбар” маъносини ифодаламоқда, “холиқи олам” эса “Яратган Оллоҳ таоло” маъно бирлигини ифодалаб келган.

5/45 Ким ани оламға шафиъ айлаунг,
Сўзунгга лутфунгни мутеъ айлаунг¹.

Бу байтда “олам” сўзи “инсоният” маъносини касб этган, чунки бу байт ислом пайғамбарининг меърожга чиқиш ҳодисасига ишора бўлиб, бу ўринда пайғамбарнинг Оллоҳдан барча гуноҳкор бандаларининг гуноҳидан ўтишини сўраб, шафеъ, яъни “ён босувчи”, “ҳимоячи”си бўлганлиги ҳақида гап кетяпти.

Саккизинчи бобнинг сарлавҳасида “олам” сўзи куйидаги матнда учрайди: “... андин сўнгра нубувват меваси бергани... икки олам аҳлининг сояи раҳматиға киргани”². Бу ўриндаги “икки олам” бирикмасидаги “олам” турлича тушунилиши мумкин. Лекин “илоҳий дунё аҳли”, “башарият аҳли” тушунчаси кўпроқ ҳақиқатга яқиндир. Яъни пайғамбар (а)нинг ҳам илоҳий дунё аҳли ҳам инсоният аҳли олдидаги хурмат-эътиборга сазоворлиги назарда тутилмоқда. Биз бу ерда “олам” сўзининг “Ҳайрат ул-аброр”да ишлатилган ҳамма 72 вариантини таҳлил ва талқин қилиш фикридан йироқмиз, бу таҳлилни фақат намуна сифатида келтирдик. Агар бундай тадқиқот амалга оширилса, “Ҳайрат ул-аброр” асаридаги олам сўзи ишлатилган ҳамма матнлардаги маънолари очилган бўлур

¹Ш.к. 29 б.

²Ш.к. 35 б.

эди. Бу ишни амалга ошириш алоҳида илмий тадқиқот мавзусидир.

Бу мисолни келтиришдан мақсад, ҳали биронга Навоий асарлари сўз бойлигини мана шу тарзда, ҳар бир луғавий birlikнинг умум луғавий ва кўчма маъноларини бирма-бир рўйхатга олиб, талқин қилинган луғатлар йўқ демоқчимиз. Масалан, тўрт жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да “олам” сўзининг қуйидаги маъно тизими акс эттирилган:

Олам – дунё, жаҳон; Ундан кейин “олам”нинг турли бирикмаларидаги *олам аро, олам аҳли/эли, олам зарроти, олам-олам, олам тани, олам тарки, олам фисқи, олам шоҳи, олам юзи, олам қайюми, олами пуршарар, олами фоний, олами қудсий, оламга мотам айла, оламни тийра қил, оламдин кўз юм, оламга раҳи сур, оламга сийм соч, оламдан ўт, оламдин илик торт¹* каби бирикмалари талқин қилинган. Лекин биз юқорида келтирган “олам” сўзининг маъно birlikлари учрамайди. Бу нарса Навоий асарлари луғат бойлигининг тўлиқ рўйхатга олинмаганидан дарак беради.

Навоий асарлари луғат бойлигини фақат электрон воситалар орқали тўлиқ рўйхатга олиш мумкин, қўлда бу ишни амалга ошириб бўлмайди. Сабаби, қўл меҳнати билан рўйхатга олинганда субъектив омиллар: тузувчининг билим савияси ва илмий ҳалоллиги катта роль ўйнайди. Компьютер эса, худди ойнага ўхшаш холис, матнда нима бўлса бор бутунича юзага чиқаради. *Компьютерда тузилган конкордансинг афзаллиги мана шунда! Компьютер Навоий*

¹Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати.Т., Фан 1983й. 513-514 б.

асарлари сўзлигининг биронта ҳарфини қолдирмай тўлалигича жамлаб беради, бундай тўлиқ сўзлик асосида тузилган конкорданс эса Навоийшуносликда инқилобий ўзгариш яратилиш учун, таъбир жоиз бўлса, тадқиқотчилар Навоий асарларининг очилмаган сирларини қайтадан кашф қилиши учун таянч нуқтаси вазифасини бажаради.

Ҳозиргача тузилган луғатчилар ихтиёрида на бундай имконият, на кувват мавжуд эмас эди, чунки бундай қомусий луғат тузиш учун Навоий ижодий меросини тапшиқ қилган 31 дан ортиқ асарларидаги барча сўз шакллари ва уларнинг қанча марта ишлатилганини ва ҳар бирининг қандай матнларда учрашини бирма-бир рўйхатга олиш, яъни конкорданс тузиш ва ундан ҳам мушқули ҳар бир сўз учраган матнни тадқиқ қилиб, ундаги ишлатилган рамзий, мажозий, тарихий, диний-ирфоний ва асотирий ва бошқа маъноларини талқин қилиш савиясига эга бўлган юксак малакали тилчи олимлар ва мутахассислар керак бўлар эди. Бу ишни кўлда ёзиб карточка тузиш учун бир кишимас бир неча ўн кишининг ҳам умри етмаса керак. Чунки биргина “Ҳайрат ул-аброр” асарининг ўзида 4050 байт мавжуд, ҳар бир байтда ўртача 10-15 сўз учрайди, демак ҳар бир байтдаги учраган сўзларни тўла рўйхатга олиш учун ҳар бир сўзшакли ва байтнинг тўла матни ёзилган 10-15 карточка тўлдириш керак бўлар эди. Бу дегани битта “Ҳайрат ул-аброр”ни рўйхатлаб чиқиш учун камида 50-60 минг карточка тузиш керак бўлур эди. Энди Навоий асарларининг мукамал тўпламини рўйхатлаб чиқиш учун қанча карточка ва унга қанча вақт ва меҳнат ва ишчи кучи керак бўлишини шундан қиёслаб билаверинг.

Юқорида айтилганлардан хулоса шуки, “Алишер Навоий асарларининг мукаммал қомусий луғати”ни яратиш керак, фақат мана шундай қомусий луғат мавжуд бўлгандагина Навоий ижодини теран англаш имконияти вужудга келади. Фикримизча, бундай қомусий луғат Навоий маънавий-адабий меросини ўрганишда туб ўзгариш ясайди.

Бундай қомусий луғат яратиш учун биринчи галда, Навоий асарларининг тўла матнини халқаро лотин транскрипциясига ўтказиб, маълумот базасини яратиш керак. Ҳозирда Навоий асарларининг лотин алифбосида киритилган йиғирма жилдлик асарларининг тўла матни мавжуд, лекин бу ўзбек тили имловий қоидаларига мўлжалланган лотин алифбоси бўлиб, халқаро транскрипция талабларига жавоб бермайди. Бу алифбода Навоий асарларидаги араб тилидан ўзлашган ва форс тилидан ўзлашган сўзларда араб алифбосида мавжуд “т, с ,з, ж, ҳ, айн ва ҳамза” каби ҳарфларнинг вариантлари акс этмаган бўлиб, бу вариантлар транскрипцияда акс эттирилмаса маъно бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳозирги лотин алифбосида яратилган шоир асарларининг матнларини араб алифбосида тайёрланган танқидий матни асосида қайтадан транскрипция тизimini яратиш керак. Афсуски, ҳозиргача Навоий асарларидан фақат “Ҳайрат ул-аброр” билан “Фарҳод ва Ширин”нинг араб алифбосидаги танқидий матни бор, қолган асарларининг танқидий матни кирил алифбосида бўлиб, кирил алифбосида араб алифбосидаги юқорида кўрсатилган фарқли ҳарфлари ажратиб кўрсатилмаган. Бу Навоий асарларининг араб алифбосида тузилган танқидий матнини ёки ҳеч бўлмаганда шоир ҳаётлик даврида кўчирилган Абдужамил котибнинг

кўлёзма нусхаларини факсимиле тарзида зудлик билан нашрдан чиқаришни талаб этади.

Халқаро лотин алифбосида яратилган Навоий асарларининг тўла матнини тайёрлаш зарурати шу билан изоҳланадики, биринчидан ҳозирги авлод лотин алифбосида ўқийди, иккинчидан, шоир асарларидаги сўз ва ибораларнинг аслиятдаги хусусиятларини тўла тасаввур қилади ва энг муҳими *Навоий асарларини халқаро миқёсда ўрганилишига замин яратилади.*

Иккинчи навбатда, мана шу халқаро лотин транскрипция тизимига асосланган *конкорданс* яратилади. “Конкорданс” сўзи лотинча “татбиқ, мослаштириш” маъносини англатиб, термин сифатида “бирон-бир матндаги сўз ва ибораларнинг статистик миқдори, сўзларнинг чегараси ва ўрни аниқланган йиғма сўзлик” тушунчасини беради.

Бундай ақл бовар қилмайдиган улкан ишни амалга оширишнинг энди замони келди. 21-аср ахборот технологиясининг инқилобий даврига кирди. Ҳозирги даврда электрон технологияси воситасида бу ишларни анча тез ва сифатли бажариш имконияти вужудга келди. Бу ишни амалга ошириш учун шоир ижодига мансуб ҳар бир асарни халқаро лотин транскрипциясига ўтказиш, тайёрланган маттни компьютерга киритиш, ундан сўнг конкорданс яратишга мўлжалланган дастур яратиш керак.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида бир гуруҳ олимлар давлат фундаментал гранти асосида 2012 йилда иш бошлаб, Алишер Навоийнинг “Хамса” асарининг биринчи достони – “Ҳайрат ул-аброр” достонинг конкордансини

тайёрлаб нашрдан чиқаришди¹. “Ҳайрат ул-аброр” достони бўйича конкорданс тузиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, достоннинг А.Ҳайитметов ва И.Ҳаққулов томонидан тузилган танқидий матнида² ва ундан кейинги нашр этилган Алишер Навоийнинг ўн жилдлик мукамал асарлари тўплами³да ҳам ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Бу камчиликлар, асосан асар матнидаги унли ва ундош фонемаларнинг транслитерациясида ягона тизим ишлаб чиқилмаганлиги ва арабий ва форсий ўзлашмаларни тўғри талқин қилинмаганида сезилади. Мас., “олмоқ” феълидаги “а” унлиси матндаги турли ўринларда турли шаклларда *алмақ, олмақ, олмоқ* ва ҳ.к. шаклларда учрайди. 1/16 байтдаги:

“Бо”си ибодин урар аввал сало

“ё” ки дегайло не бўлур жуз бало⁴.

Бу байтда нашрга тайёрловчиларнинг араб тилидаги баъзи сўзларни тўғри талқин қилолмагани маълум бўлиб қолган. Навоий ҳазратлари араб тилидаги “Бисмиллоҳи раҳмони раҳим” иборасини шарҳлаб, бу иборадаги “би исми” бирикмасидаги “би” кўмакчиси, ўзбек тилидаги “билан” кўмакчиси воситасида сўз ўйини санъатини қўллаган, бунинг далили иккинчи мисрадаги “ло” инкор

¹ Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони конкорданси. Тузувчилар ф.ф.д., проф. Куронбеков А. ва бошқалар. Т. 2012 й.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. П. Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар А. Ҳайитметов, И. Ҳаққулов. 7 том, Т. 1991 й.

³ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Т, 2011 й., 6 ж.

⁴ Ш. к. 12 б.

юкламаси бўлиб, араб тилида “йўқ, эмас” маъносини ифодалайди. Яъни шоир, агар “бисмиллоҳи” сўзи бошидаги “бо” ҳарфининг ўрнига “ло” инкор юкламаси келганда “оллоҳнинг исмисиз”, деган маъно берарди, оллоҳнинг исми билан бошланмаган ҳар бир иш балоларга сабаб бўлган бўлур эди, деган фикрни баён қилган. Танқидий матнда эса, “ё” ҳарфи кўштирноқ ичига олинган ва “ло” инкор юкламаси эса “дегай” сўзи билан қўшиб ёзилган, натижада шоир айтмоқчи бўлган ва уни чиройли бадий санъатлар билан безаган фикр бутунлай маҳв бўлиб кетган. Ўзбек адабий тилида “дегайло” деган сўз йўқ. Ундан ташқари, матндаги кўшлаб ёрдамчи сўзлар, боғловчилар, ясама сўзлар, қўшма сўзлар ва бошқа имловий қоидалар матнда нотўғри ёзилган.

Навоий асарларининг танқидий матнини тузишда йўл қўйилган бундай камчиликлар, уларни тайёрлашда адабиёт-шунос-матншунос мутахассисларгина эмас, балки тилшунослар, араб ва форс тилини биладиган мутахассислар ҳам қатнашиши керакмикин, деган фикрни хаёлга келтиради.

Хулоса қилиб шунни таъкидлаш керакки, Алишер Навоийнинг адабий-маънавий меросини ўрганишда туб ўзгариш яшаш учун шоирнинг тўла асарлар тўплами асосида, халқаро транскрипциядаги маълумотлар базасини ва ҳар бир асарининг алоҳида конкордансини яратиш – бу замон талаби. Бу ишларни амалга ошириш учун мамлакатда “Навоийшунослик маркази”ни ташқил қилиш керак. Бу марказга мамлакатимиздаги миллий меросимизни қадрлайдиган барча билимдон, жонкуяр мутахассисларни бирлаштириш керак. Бу марказ, биринчи навбатда, Навоийнинг қомусий луғатини яратиши ва нашр этиши

керак. Бундан кузатиладиган мақсад Алишер Навоий Ҳазратларининг бизга қолдирган бой бадий-маънавий меросини халқимизга яна қайтариш, Навоий асарларининг ҳақиқий моҳиятини дунё аҳлига очиб бериш ва шунингдек, жаҳондаги барча Навоийнинг ижодий меросига қизиқувчи барча тадқиқотчиларга Навоий асарларини тўғри англаб етишга ва, энг муҳими, уни тўғри талқин қилишларига замин яратишдир.

“Ҳайрат ул-аброр”да “ишқ”

Рамзий тушунча тилшунослик илмий тилида “концепт” дейилади. “Концепт” термини лотинча *conceptus* – “тушунча” маъносини ифодалайди. Концепт термини математик мантик термини бўлиб, Копенгаген тилшунослик мактаби намояндалари томонидан тилшунослик фанига татбиқ қилинган.

Концепт – инсон онгидаги маданий қатламнинг йиғиндиси. Шунга кўра “ишқ” концепти “Ҳайрат ул-аброр”¹ да шоир замонидаги “ишқ” тушунчаси билан боғлиқ бир қатор маданий ва маънавий ҳис-туйғулари ифодаси билан ягона ассоциатив майдон ҳосил қилган. *Ассоциация – лот. Association* – қўшилши сўзидан олинган бўлиб психологияда бир тасаввурнинг иккинчиси билан боғлиқлиги ва бири иккинчисини туғдириш ҳодисасини англатади.

Классик поэзия ассоциатив таффакурнинг юксак намунаси бўлиб, ундаги муайян рамзий истилоҳлар шоирнинг олам ва одам ҳақидаги тасаввурларини ва улар билан боғлиқ ички кечинмаларини, инсон ақлини лол қолдирадиган даражада, ноёб мажозий ўхшатишлар ва талқинларда ифодалайди. Шоирнинг биргина рамзий сўзи билан боғлиқ ассоциатив майдонни таҳлил қилиш билан унинг тафаккур кудратини ва ранго-ранг тасвир маҳоратини аниқлашимиз мумкин.

Шу мақсадда Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”² достонидаги “ишқ” рамзий тушунчасининг бу туйғу мансуб

¹Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”достони конкорданси. Т. 2012й.

²Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7 т. Т. 1991 й.

бўлган шахслар, бу шахсларнинг номлари, феъл-атвори, ташқи қиёфаси маънавий ва ахлоқий хусусиятлари билан боғлиқ мажозий ифодалари таҳлил қилинади.

“Ҳайрат ул-аброр” асари бу ишқий дoston эмас, аксинча кўпроқ ахлоқий-фалсафий асар, табиийки, унда “ишқ” мавзуси бошқа кўпгина мавзулар сирасидан бири сифатида қаралган, шунга қарамай бу дostonда ишқ мавзуси билан боғлиқ 220 дан ортиқ сўз шакллари топамиз.

“Ишқ” мавзусида биринчи кўзга ташланадиган нарса “ишқ” рамзий ифодасининг турли мутародиф бирликларидир: *57/13 ишқ-муҳаббат, 38/29 муҳаббат, 55/9 севмоқ, 55/13 раҳм этиб севмоқ, 55/7 жон-у кўнгиш риштасини пайванд этмоқ, 38/78 жони жонондан мамлу (тўла), 39/5 вола, ҳусн писанд айламоқ.* Дostonдаги бу бирликлар шахснинг кучли эмоционал ҳолатини ифодалайди. Шунингдек, ишқ ҳисси қаратилган шахсга нисбатан: *55/13 раҳм этмоқ, 54/1 меҳр айламоқ, 55/12 шафқат қилмоқ* бирликлари мавжуд бўлиб, асраб-авайлаш ҳиссини ифодалаган. *52/27 ҳавас, 52/33 кўнгиш истаги* бирликлари шахснинг ўз кўнгиш қўйган шахсга нисбатан ўткинчи, сустроқ ҳиссиётини ифодалайди. Бу дostonда кўнгиш қўйган шахснинг ўз маҳбубига нисбатан салбий муносабатини ифодаловчи биргина бирлик: *55/11 рашк* сўзи мавжуд.

Дostonда “ишқ” ҳиссини ҳаракатга келтирувчи омиллар куйидаги бирликларда ифодаланади: *38/0 ҳусн анвари, 20/16 бўстон 62/2 хат-у хол, 46/50 ҳусн-у латофат, 39/13 лутф-у малоҳат, 38/12 ҳусн-у жамол, 38/118 нозуклик, 39/27 ҳусни ҳақиқий.* Бу бирликлар “ишқ” ҳиссини кўзғовчи умумий хусусиятга эга сўз бирликларидир. Булардан ташқари, ишқ

ҳиссини кўзғовчи маҳбубнинг бир қатор ташқи қиёфа аъзолари келтирилади:

Маҳбубнинг чеҳраси: 57/2 ораз, *Хўтан гулзори*, 57/3 *суврати чин*, *чеҳраи анвор*, 38/6 *гулранг*, 38/95 *рухсор*, 38/97 *гулнор*, 39/6 *бадри мунир*, 38/15 *савсан-у гул*, 54/12 *об-у тоб*. Ёрнинг чеҳраси гул-у гулзорга, ой ёруғлигига, Чин (моний) расм санъатига ташбих қилинган.

Ёрнинг кўзи шундай ифодаланган: 48/26 *наргиси шаҳло*, 38/10 *наргиси фаттон*, 38/106 *пурфусун*. Кўз *наргис гулига* ва *афсунгарга* ташбих қилинган.

Ёрнинг сочи шундай тасвирланади: 57/3 *мушки Хўтан*, *зулфи муанбар*, 57/5 *турраси зуннори*, 57/6 *зулфининг ошуфтаси*, 48/22 *сунбул*. Яъни хушбўй ҳид таратувчи, диндан чиқарувчи (зуннор) ҳамда қора рангдаги гулга ташбих қилинади.

Ёрнинг қоши: 38/99 *муанбар ҳилол*, 38/101 *қошида гириҳ*, яъни янги чиққан ой ва чўчиб тушган кимса ҳолатига ташбих қилинади.

Ёрнинг лаби: 48/26 *гунча*, 38/10 *гунчаи хандон*, 38/107 *бақо чаимасига* ташбих қилинади.

Ёрнинг қадди-қомати: 48/25 *сарв*, 38/65 *тани гулфом*, 38/116 *сарви сапидор*, 38/118 *нозук*, 52/35 *паридек* каби бирликларда ифодаланган.

Маҳбубнинг мўйлаби: 38/11 *сабзаи хуррам*, *сабзада шабнам (тер)*, 38/108 *хатти* ҳаёт аҳли, 54/76 *хат сабзаси* каби мажозий ифодаларда тасвирланади.

Шунингдек, маҳбубнинг *холи* 48/23, энгаги: 38/109 *забгаби дилхоҳлар* тилга олинади.

Маҳбубнинг кийимлари ҳам ошиқнинг ҳиссиётини жунбушга келтирувчи манба: 38/111 *хуллаи гулранг*, *хилъати*

гул, 38/114 гулдек этак санчиб, 54/0 мулавван хулла, 38/116 дасторида гул бирикмаларида ифодаланади.

Махбубнинг бу ташқи хусусиятлари классик поэзия билан таниш бўлмаган кишиларда янглиш тасаввур пайдо қилиши мумкин. Шунини айтиш керакки, классик поэзияда тасвирланаётган ёр, махбубнинг ташқи қиёфасига қараб унинг жинсини аниқлаш қийин. Аммо ёрнинг чеҳрасини безаб турган хат сабзаси (мўйлаб)га келсак, бу ирфоний маънога эга, яъни инсон Оллоҳ томонидан яратилган энг гўзал мавжудот, Оллоҳ таоло ўз хуснига ошиқ бўлиб ўзига ўхшаган мавжудотни инсон қиёфасида яратган деган ақида ётади. Шунинг учун Оллоҳ яратган ҳар бир жонзот, хоҳ у эр бўлсин, хоҳ аёл, инсон ишқига сазовор деган тушунча ётади.

“Ишқ” ҳисси табиат ва жамиятдаги турли ҳодиса ва хусусиятларга ўхшатилади:

“Ишқ”ни ҳалокатли оловга ўхшатилиши: 2/17 *ишқ ўти*, 38/0 *лола*, *тутун*, *учқун*, *барқ*, *ламъа (чарақлаш)*, *ашиъа (нур)*, *дуд*, *шарар (учқун)*, 38/40 *шуълакаш*, 38/54 *эритмоқ*, 39/22 *пок куйдурмоқ*, 39/22 *ишқ ўти ҳалок қилмоқ*, 38/53 *жсон ўртамак*, 12/28, *ўт кўраси*, 38/47 *базм фурузанда*, 38/58 *жаҳон ўртамак*, 38/76 *отаишфишон*;

“Ишқ”нинг ёқимли шабадага ўхшатилиши: 2/17 *ишқ ели*;

“Ишқ”нинг ёруғлик манбаига ташбиҳи: 38/46 *қуёш нури*, 38/0 *ҳусн анвори*;

“Ишқ”ни баҳор ёмғирига ўхшатиш: 39/2 *абри гуҳарбор*;

“Ишқ”ни жангчига ўхшатиш: 39/30 *ишқ қилса ҳалок*, 38/25 *ишқ қилгоч ҳужум*;

“Ишқ”ни қимматли ашёларга ўхшатиш: 38/46 *ганж*, *дур*;

- “Ишқ”ни тириклик манбаига ўхшатиш: 38/43 жон;
- “Ишқ”ни сирли ҳодисага ўхшатиш: 39/2 асрори ишқ;
- “Ишқ”ни йўлга ўхшатиш: 57/28 ишқ тариқи;
- “Ишқ”ни тузоққа ўхшатиш: 48/32 ишқ каманди.

Юқорида келтирилган “ишқ”нинг сифатларидан маълум бўладики, бир томондан ишқ ижобий, инсонни кўнглини кўтарадиган ҳис деб қаралса, иккинчи томондан, инсонни қийноққа соладиган салбий ҳодиса деб баҳоланади. Бу ўринда салбийлик зоҳирий тушунча. Аслида гап ирфоний ишқ ҳақида кетганда, ошиқ “ишқ”нинг барча дарду азобларини, қийноқларини, унинг оловда куйдиришини ўзига кўрсатилган илоҳий иноят деб билади ва уни жон дили билан зиммасига олади.

Достонда “ишқ” ҳиссини ўзида мужассам этган шахс “ишқ аҳли”нинг сифатлари куйидаги мутародиф сўз ва ибораларда акс этган:

- а) “ишқ” аҳлининг номлари: 3/8 ишқ эли, 36/34 меҳр эли, 52/0 муҳаббаткаш;
- б) “ишқ аҳли” ҳайвонот оламига ташбиҳ этилади: 3/8 булбул, 38/56 тил, 38/14 булбули ишқ, 39/0 парвона;
- в) “ишқ аҳли” ақл-хушдан айрилган кимсаларга ташбиҳ қилинади: 54/46 мажнун, 38/85 ўзлигидан фориз, 38/85 маст, 39/3 мухаммарсиришт, (майхўр табиатли) 7/25 девона, 38/123 ошуфта;
- г) “ишқ аҳли” жафокаш: 17/30 ишқида саргашта, 33/1 нотавон, 38/20 хуруш чекмак, куймак, 38/52 оҳ чекмоқ, 38/60 яқо чок этмоқ, 38/72 тани зор, 38/74 қади хам, 38/79 жониди жонон гами, 54/46 ранжу сариз юз, 57/12 дарднок, 57/16 заиф, асири таъаб, 57/22 аҳли жафо, 54/46 ошиқи маҳзун, 52/0 жонфидо, 62/142 гамнок;

д) “ишқ аҳли” жангу-жадал аҳлига ташбиҳ қилинади: 53/27 ишқида жиҳод қилмоқ, 39/30 ўлумдин не бок, 38/84 ишқда мағлуб, 57/16 ҳариф;

е) “ишқ аҳли” вафо-садоқат намунаси: 36/35 лутфу-вафо, 36/50 ёри вафодор, 36/110 кони вафо, жаҳони вафо, 57/13 содиқ;

ж) “ишқ аҳли” нинг маънавий қиёфаси поклик: 38/69 тили, кўзи, кўнгли пок, 39/21 ишқда ҳар шоибадан пок, ишқда пок киши, 39/29 мумкин эмас ишқда жуз поклик;

з) “ишқ аҳли” нинг ахлоқий хусусиятлари: 38/14 дoston-саро, 52/42 хушхулқ, 52/119 раънолик;

и) “ишқ аҳли” нинг мақоми юксаклик: 38/22 тугёни камол, 38/70 ўзлигидан пок (ўзини унутган), 38/85 ўзлигидин фориғу маст, 57/31 ошиқи озодаваш, 62/115 пояси рафеъ;

к) “ишқ аҳли” алдоқчи: 387/18 изҳори фиреб, 38/45 ошиқи қаллош, 48/38 шоҳидпараст, 54/123 айшу-ноз, 38/24 яғмойи ишқ.

Юқорида келтирилган ишқ аҳлининг сифатларидан маълум бўладики, ишқ аҳли юксак ҳис-туйғу эгаси, жафокаш, ўз ёрига вафодор, пок инсон. Шунинг учун инсонлар орасида мартабаси улуғ. Лекин уларнинг орасида сохта ишқ эгалари ҳам учраб туради. Достонда ошиқ кимсанинг на жинси ва на унинг қадди-қомати, ва на гўзаллиги ҳақида билдирилган таъриф учрамайди.

“Ҳайрат ул-аброр”да ишқ ҳис-туйғуси қаратилган шахснинг ташқи қиёфаси ва феъл ва ахлоқий-маънавий хусусиятлари ўта батафсил таърифланади: 55/8 расшон қуёш, 57/0 мушкин гизол, 57/1 нозанин, 57/8 нозанин, гулрух, 57/23 заррин гизол, 57/25 шахр ошуби, 57/41 санами чин, 48/38 шоҳиди раъно, 62/12 зебоузор, 48/21 гули навхоста,

54/0 райоҳини нозпарвард, 33/0 наргис кўзлук, 33/6 дилбари мунис, 33/7 суманбар, 36/38 гули тозарўй, 36/69 гуҳари бебаҳо, 36/74 паричеҳра, 36/113 эсонон, 38/3 ҳури айн, 38/5 моҳи навкоста, 38/16 гули оташин, 38/29 бут, 38/33 санам, 38/61 малак, 38/80 ёр, 38/95 рокиб қуёш, 39/0 ҳусн шамъи, 39/17 шоҳиди раъно, гулруҳи зебо, 54/19 тифли суманбўй, шоҳиди гулрўй, 54/11 ҳури беҳишт, 54/19 тифли баҳор, 54/20 гулруҳи душиза, 54/63 гули навбова (янги тугилган), 54/68 шўбадабоз, 55/20 маҳбуб.

Юқорида келтирилган таърифлар маҳбубнинг чехраси, кўзи, гўзаллигини батафсил акс эттиради.

Ишқ матлаби бўлган маҳбубнинг феъл-атвори:

а) *ижобий жиҳати*: 48/19 машшоталиқ, 3/13 ишва, 38/23 дилписанд, 39/16 ҳабби набот, оби ҳаёт, 54/10 ишва-ю ноз, 55/8 пардаи исмат;

б) *салбий жиҳати*: 57/4 гамзаи бебок, 57/5 гамзаси тар-рори, 57/15 маст, 48/19 макр, 26/58 айш-у тараб, 3/20 уш-шоқсўз, 39/13 жон офати, жаҳон офати, 57/6 ҳусн олуфтаси, 36/74 вафосиз, 38/13 дилфиреб, 38/34 бодаи исён, 38/61 талбис, 38/62 ботини фисқ, 38/64 жонтамаъ, 38/95 ҳусн-малоҳат майидин сархуш, 38/99 ақлни девона қилувчи, 38/118 ақлни куйдирувчи, 38/122 девонавор ўлтирувчи, 38/121 дев нижоди, 38/122 қотили чобуксавор.

Ишқ матлаби бўлган шахс феъл-атворининг таърифидан кўринадики, у асосан салбий хусусиятга эга бўлган шахс.

Маҳбубнинг ҳуснига ҳусн қўшадиган воситалар: 3/8 ҳусн ўти, 38/104 ноз ила боқши, 48/24 меъжар (чачвон). 48/22 гоза (упа-элик), 48/23 ол айламоқ (қилил ранг бермоқ), 48/24 вусма қўйши, 60/0 оройши, 38/6 гулгунлуқ, 38/19 жилва, 38/95 май ўти, 38/97 ҳусн.

“Ҳайрат ул-аброр” достонидаги “ишқ” рамзий тушунчаси билан боғлиқ ҳис-туйғуларни ифодаловчи сўзларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бу сўз ва ибораларнинг деярли 90 фоизи мажозий сўз бирликларини ташкил қилади.

Бу ерда ишлатилган мажозий сўз ва ибораларнинг аксарияти шоирнинг ихтиролари. Бу ихтиролар шоирнинг сўз бойлиги қанчалик кенглигини, унинг шоирлик маҳоратининг қанчалик юксаклигини кўрсаткичидир. Мана шу тарзда шоир асаридаги ассоциатив майдонни ўрганиш асар матнида ишлатилган сўз ва ибораларнинг луғавий, эмотив, коннотатив ва сакрал (ирфоний) маъноларини тўғри ва теран талқин қилишга ёрдам беради.

“Ҳайрат ул-аброр” да “инсон”

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонининг матни асосида қилинган конкорданс¹ бўйича “Инсон” концептига оид луғавий бирликлар сони 1699 луғат бирлиги эканлиги аниқланди. Бу луғат бирликлари луғавий мавзу гуруҳларига ажратилганда 21 луғавий мавзу гуруҳларини ташкил қилиши маълум бўлди. Бу луғавий мавзу гуруҳлари ўзининг ишлатилиш мезонига қараб қуйидаги тартибда жойлашди:

- 1) *Аҳоли табақалари ва ижтимоий фаоллиги* мавзу гуруҳи – 298 луғат бирлиги;
- 2) *инсонларнинг хулқ-атвори* – 272 л.б.;
- 3) *инсоннинг диний-ирфоний фаолияти* – 161 л.б.;
- 4) *Руҳий ҳолати* – 130 л.б.;
- 5) *Жисмоний ҳолати* – 112 л.б.;
- 6) *Инсон номлари* – 93 л.б.;
- 7) *Тана аъзолари* – 88 л.б.;
- 8) *Гўзаллиги* – 86 л.б.;
- 9) *Ақлий фаолияти* – 73 л.б.;
- 10) *Ошлавий муносабати* – 61 л.б.;
- 11) *Иzzат-икром ифодаси* – 34 л.б.;
- 12) *Ижтимоий бирлик ифодаси* – 33 л.б.;
- 13) *Меҳр-муҳаббат ифодаси* – 30 л.б.;
- 14) *Миллат номлари* – 22 л.б.;
- 15) *Дўстлик ифодаси* – 21 л.б.;
- 16) *Кийим номлари* – 19 л.б.;
- 17) *Нутқий қобилияти* – 14 л.б.;

¹Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони конкорданси. “Истиклол” нашриёти. Т. 2012 й.

- 18) *Емиш номлари* – 15 л.б.;
- 19) *Орзу-истаклари* – 12 л.б.;
- 20) *Душманлик ифодаси* – 10 л.б.;
- 21) *Яшаш жойи* – 2 л.б.

“*Аҳоли табақалари ва ижтимоий фаоллиги*” мавзу гуруҳи яхлит бир йўналишдаги маъно билан умумлашган гуруҳ бўлмай, балки бу гуруҳга турлича ижтимоий фаолият, мансаб-мартаба, ижтимоий иерархияда тутган ўрни, машғулот тури ва бошқа ижтимоий фаоллик билан боғлиқ луғат бирликлари киради. Бу луғавий мавзу гуруҳида ижтимоий иерархиянинг энг юқори поғонасида турувчи шахслар куйидаги луғат бирликлари билан ифодаланган:

Уларнинг жамиятда эгаллаган мақомига кўра: 712. *Аъломақом*¹, 867. *Амир*, 1688. *Бег*, 1932. *Бийиклар*, 2535. *Давлатпаноҳ*, 3762. *Ҳоким*, 3974. *Ҳукамо*, 3980 *Ҳукмрон*, 4490. *Жаҳондорлик*, 5047. *Кишварпаноҳ*, 6240. *Мулкпаноҳ*, 6241. *Мулкситон*, 7230. *Подшоҳ*, 8584. *Салотин*, 8589. *Салтанат*, 8928. *Султон*, 9048. *Соҳибқирон*, 9049. *Соҳибсарир*, 9228. *Шаҳанишоҳ*, 9237. *Шоҳлик*, 9240. *Шоҳвор*, 9327. *Шаҳриёр*, 9335. *Шаҳзода*, 9683. *Тожвар*, 10912. *Хон*, 10927. *Хоқон*, 11080. *Хавоқин*.

Бу луғат бирликлари Навоий замонидаги давлат бошқаруви раҳбарларининг номлари ва уларнинг функционал маъноларини ифодалаган.

Биргина “подшоҳ” луғат бирлигининг *Аъломақом*, *Амир*, *Жаҳондор*, *Давлатпаноҳ*, *Ҳукмрон*, *Кишварпаноҳ*, *Мулкпаноҳ*, *Мулкситон*, *Султон*, *Соҳибсарир*, *Шаҳанишоҳ*,

¹Луғат бирлигидан олдин қўйилган рақамлар конкордансдаги тартиб рақамини ифодалайди. Керакли сўзларни алифбо тартибдаги конкорданс матнидан топиш ҳам мумкин.

Шаҳриёр, Тоғжвар, Хон, Хоқон, каби 16 мутародиф сўзлари мавжуд. “Аъломақом”, “бийиклар” Султон, Соҳибсарир, Шаҳанишоҳ, Шаҳриёр, Тоғжвар, Хон, Хоқон уларнинг юксак мақомига ишора қилса, “давлатпаноҳ”, “кишварпаноҳ”, “мулкпаноҳ” уларнинг давлат хавфсизлигига ва халқнинг ободонлиги ва тинч-тотув яшашига масъуллигини, “мулкситон” эса уларнинг давлат чегараларини кенгайтиришига ва “амир”, “ҳоким”, “ҳукамо”, “ҳукмрон” уларнинг фармон ва буйруқлар чиқариш вазифасини ифодалаган. Бу луғат бирликларидан “бег”, “бийиклар”, “хон”, “хоқон” туркий тилида бўлиб, қолган 22 та луғат бирлиги араб ва форс тилларида ифодаланган.

Давлат “бошқарувидаги подшоҳлик хизматидаги амалдорлар” маъно гуруҳи кўйидаги луғат бирликларида ўз ифодасини тошган: 1558. Баковул, 2359. Додгар, 2361. Додхоҳ, 2412. Дабир, 3761. Ҳожиб, 6162. Мудир, 6278. Муниший, 6537. Нойиб, 6544. Нозим, 6545. Нозир, 7580. Қози, 10709. Волий, 10821 вазир, 10979. Хозин, 6731. Наввоб. Бу қатордаги тил бирликлари ўрта бўғин амалдорларининг гипонимик номлари қаторини ифодалаган.

“Подшоҳ ва амалдорлар хизматидаги мулозимлар” кўйидагича берилган: 2281. Черик, 2470. Дарбон, 3095. Фармонбар, 3096. Фармонпазир, 3467. Ғолиб, 3847. Ҳамлагард, 4518. Жаллод, 4685. Кафил, 4750. Котиб, 4807. Камонкаш, 5606. Маддоҳ, 5872. Машишота, 5901. Мавкиб, 6223. Мулозим, 6405. Мутеъ, 6433. Муздур, 6814. Нигаҳбон, 7523. Посбон, 7372. Пайк, 7579. Қойиммақом, 7975. Қул, 7991. Қуллуғ, 8800. Сипоҳ, 9205. Санохон, 9660. Тобеъ, 10882. Хокрўб, 10987. Хадам, 11105. Хайл, 11117. Хайлу-сипоҳ, 11118. Хайлу-табаъ, 11249. Худдом, 11995. Зердаст.

Бу гуруҳдаги луғат бирликлари подшоҳ ва амалдорлар қўл остидаги турли ҳарбий ва маиший касб эгаларини ўз ичига олган. Бу қатордаги “черик”, “камонкаш”, “мавкиб” (подшоҳни кузатувчи суворийлар), “нигаҳбон”, “посбон”, “пайк” (чопар), “сипоҳ”, “хайлу-сипоҳ”, “золиб”, “ҳамлагард” ҳарбий хизмат эгаларини ифодаласа, “дарбон”, “жаллод”, “котиб”, “мулозим”, “маишота”, “маддоҳ”, “санохон”, “хадам”, “хайлу-табаъ”, “худоом”, “зердаст” луғат бирликлари сарой аҳлининг турли хизматларини адо этадиган аҳоли табақаларини ифодалайди.

Навоий замонидаги “оддий аҳолининг умумлашган номлари” маъно гуруҳи қуйидагича ифодаланган: “озод”, “аҳл”, “атбоъ”, “авом”, “раъият”, “шахс” луғат бирликлари. Келтирилган аҳоли номларидан кўринадики, Навоий замонида “фуқаро” термини бир давлатнинг эркин аъзоси сифатида ишлатилмаган, ишлатилса ҳам “йўқсуллар” маъносида ишлатилган. Шундай экан оддий халқни “раъият” ёки “эл” деб аташ жамиятнинг эркин аъзосининг туб моҳиятини ифодалаган бўлур эди.

“Аҳолининг турли касб-ҳунар эгалари” маъно гуруҳи: “бозбон”, “баззоз”, “госил” (ювгучи), “заввос”, “ҳажжжом” (қон олувчи), “косиб”, “кошиф”, “кўҳқан” (тоғ қазувчи), “майфуруш”, “меъмор”, “муаллим”, “мударрис”, “муҳандис”, “мухбир”, “мухтареъ”, “муштарий”, “нотик”, “нақбкан” (ер ости йўл қазувчиси), “нақбзан”, “нақдсанж”, “наққош”, “нақшбоз”, “нақшбанд”, “нақшгар”, “нақшгир”, “нақшсоз”, “нигоранда”, “пардабоф”, “қовурчоқчи”, “қуллобкаш”, “рагзан”, “раммол”, “рақамкаш”, “раққослиқ”, “риштакаш”, “риштатоб”, “риёзий”, “сотгувчи”, “садафкор”,

“сайдгар”, “сайёд”, “шергир”, “шубон”, “шоир”, “шоҳид”, “тожир”, “тошбоз”, “хошокрӯб”, “хаййотлик”, “хўшачин”, “ёзгувчи”, “дарздўзлик”, “дастоннавоз”, “дастонсаро”, “фаррош”, “гажкорлик”, “гетийнавард”, “хуллабоф”, “жанибаткаш”, “мутриб”, “нағмасоз”, “навосоз”, “навозанда”, “қаламзан”, “шабгард”, “шершикорлик”, “сангрез” каби 64 луғат бирлигини қамраб олган.

Бу қатордан фақат “боғбон”, “косиб”, “муаллим”, “мударрис”, “меъмор”, “муҳандис”, “мухбир”, “наққош”, “шоир”, “шоҳид”, “тожир”, “фаррош” тил бирликлари ҳозирги ўзбек тилида фаол ишлатилади, қолган 52 тил бирлиги ҳозирда муомаладан чиққан ёки архаик сўз қатламига ўтиб қолган. Шунга кўра, Навоий замонидан ҳозиргача тилимиз қанчалик ўзгарганини ва энг муҳими қанчалик йўқотиш бўлганини англаб олиш мумкин.

“Аҳолининг ижтимоий мавқеига кўра мулкдор қатламига мансуб киши номлари” маъно гуруҳи қуйидаги луғат бирликларидан ифодаланган: “аркон”, “ашироф”, “бой”, “эгаси”, “ганий”, “жалолият”, “мулкдеҳ”, “мунъим”, “хожса”, “хожсавор”, “мустағни”, “мухтор”, “симфишон”, “симпош”, “тануз”, “зарафшонлик”, “зарпош”, “моясанж”, “соҳиб”.

“Ижтимоий мавқеига кўра қуйи табақага мансуб киши номлари” маъно гуруҳи қуйидагича ифодаланган: “дарбадар”, “фоқа”, “фақр”, “гадо”, “гариб”, “ҳақир”, “кисабури”, “мазлум”, “мазаллатнишин”, “муфлис”, “муҳтож”, “тиҳидаст”, “хокбўс”, “хонабарандоз”, “хонасийоҳ”, “хошокрӯб”, “хўшачин”, “зор”, “қарзхоҳ”,

“бебарг”, “бечора”, “муқтазий”, “побастлик”, “пойбанд”, “саргашта”, “сойил”, “маъзул”, “помол”.

“Ижтимоий мақом ва мансаб номлари” маъно гуруҳи: “жоҳ”, “жалол”, “рутба”, “салтанат”, “мансаб”, “мақом”, “мартаба” луғат бирликларидан ташкил тошган.

“Инсонларнинг таълим-тарбияси” маъно гуруҳига оид луғат бирликлари: “шогирд”, “парвариш”, “сабақ”, “таълим”, “таҳсил”, “таҳрир”, “тарбият” луғат бирликларини ўз ичига олган.

“Инсонларнинг машғулот номлари” маъно гуруҳи: “пеша”, “таку-пўй”, “таллош”, “тижорат”, “уруш”, “варзиш”, “заҳмат”, “машғул”, “меҳнат” “эмгак”, “ўйун” тил бирликларидан иборат.

Инсонларнинг йўлбошчилик фаолияти маъно гуруҳи: “раҳбон”, “раҳбар”, “раҳнамо”, “раҳнамун”, “раҳнавард”, “муаккал” сўзларида ўз ифодасини тошган.

“Инсоният жамиятининг энг тубан табақалари номлари” маъно гуруҳи: “кисабур”, “муҳожир”, “муқаммир” (қиморбоз), “мусофир”, “ўғри”, “қазоқ” (қачоқ), “саргашта”, “тақсир”, “тақсирлик”, “маҳкум” каби сўзлар билан ифодаланган.

Бундан ташқари, у ёки бу маъно гуруҳига тегишли бўлмаган, ammo инсон фаолиятига мансуб бир қатор луғат бирликлари: “аёлзу”, “мулкдеҳ”, “рокиб”, “роқим”, “тожбахи”, “носих”, “носир”, “нафърасон”, “нафъусамар”, “нажот”, “насуҳ”, “пўязан”, “қойим”, “қасамёд”, “таҳрик”, “таҳрир”, “тамаввул”, “танаъум”, “тақарруб”, “тараддуд”, “тасарруф”, “восита”, “воситасоз”, “видоъ”, “мувофиқ”, “сойил”, “ҳофиз”, “ҳомил”, “ялғуз”, “ясоқ”, “мақрун”, “мушаъбид”,

“мутаҳаррик”, “соянишин”, “таъанний”, “тавсиф”, “тазийн”, “тоқ”дан иборат бўлиб, булар қолибга солиб бўлмайдиган турли хил инсон фаолиятини ифодалайди.

Юқорида келтирилган луғат бирликларидан маълум бўладики, ўрта асрлар шеърлятида арабий ва форсий ўзлашмалар миқдори ўта сезиларли бўлган. Бу фақат Навоий ижодига хос бўлмай, ундан олдинги ва кейинги классик шеърлятда ҳам ўзлашмалар ҳиссаси катта миқдорда эканлиги кузатилади.

Таҳлил қилинган *“Аҳоли табақалари ва ижтимоий фаоллиги”* мавзу гуруҳида 167 та луғат бирлигидан бор-йўғи 16 таси туркий тилга мансуб бўлиб, қолган луғат бирликлари арабий ва форсий ўзлашмалардир. Бу ҳодиса бундан кейинги таҳлилга тортиладиган мавзу гуруҳларида ҳам кўзга ташланади. Навоий асарлари тилининг ҳозирги авлод тушуниб етишидаги мушкулликлар мана шу ўзлашмаларни англаб етишда сезилади. Аслини олганда Навоий асарларининг тили Ўрта аср ўқувчиси учун ҳам осон бўлмаган, оддий халқ бу асарларда ишлатилган ҳамма луғат бирликларини ҳам тушунавермаган, фақат аҳолининг зиёли табақасигина бу асарларни ўқиб англай олган. Чунки ўрта асрларда мактаб ва мадрасаларда ўз тили билан бир қаторда араб тили ва форс тили ҳам чуқур ўрганилган. Ҳозирги авлод арабий ва форсий ўзлашмаларни фақат ҳозирги замон ўзбек тилида сақланиб қолган ва фаол қўлланадиган қисминигина яхши тушуниши мумкин. Аммо Навоий асарларининг тилида вазн ва қофия тақозоси билан ўша давр зиёлилари учун ҳам тушуниши қийин бўлган *“мавкиб”* (кузатувчи суворий), *“муқаммир”* (қиморвоз), *“мушаъбид”* (ўйинқароқ), *“мушъир”* (хабар етказувчи) каби

луғат бирликлари ҳам учраб туради. Бу бир томондан Навоийнинг араб ва форс тилларининг чуқур билимдони эканидан далолат берса, иккинчи томондан Навоий асарларининг тили ҳеч қачон осонликча тушунадиган тил бўлмаганлигидан дарак беради. Шунинг учун Навоий асарларини ўқиётганда у ўқимишли, билимдон кишими ёки эндигина илм даргоҳига қадам қўйган толиби илмми, қатъи назар Навоий асарлари луғатини ва унга кирмаган ёки маъноси чиқмаган сўзларни топиш учун арабча ва форсча луғатларни олдига қўйиб, астойдил меҳнат қилиши керак.

“Ҳайрат ул-аброр”да “инсон” концептига тегишли иккинчи йирик мавзу гуруҳи “*Инсонларнинг хулқ-атвори*”ни ифодалаган. Бу мавзу гуруҳига 272 та луғат бирлиги кирган бўлиб, у ўз навбатида бир нечта маъно гуруҳларига ажралади.

“*Инсоннинг ижобий хислатлари*” маъно гуруҳига куйидаги тил бирликлари кирган: “афсаҳ”, “афв”, “асрамоқ”, “балогат”, “баркамол”, “баруманд”, “базлсоз”, “бебаҳо”, “беназир”, “чорасоз”, “дастранж”, “дилпазир”, “дилписанд”, “дилхоҳ”, “эранлик”, “фасиҳ”, “фазилат”, “фазл”, “фидо”, “фирузбахт”, “футуҳ”, “ганжфшишон”, “ганжспардоз”, “ганжсрез”, “ганжсанж”, “гавҳарфшишон”, “гавҳарнигор”, “гуҳарбор”, “ҳумоюнбол”, “ҳомид”, “инсоф”, “жонфидо”, “жонкоҳ”, “жувонмард”, “жуду-саховат”, “комгор”, “комил”, “комрон”, “комраво”, “комйоб”, “камол”, “латофат”, “латиф”, “маҳрам”, “машҳур”, “матлуб”, “мубориз”, “мукнат”, “муқбил”, “мустаид”, “қобил”, “қодир”, “разбат”, “руҳбахш”, “саъид”, “саъй”, “салим”, “сарбаланд”, “сармадий”, “соҳибдил”, “соҳибкамол”, “соҳибнисоб”, “собит”, “шоҳона”,

“шафоатпазир”, “шафиқ”, “шавкат”, “шайдоваи”,
 “шикеб”, “таҳаммул”, “талаттуф”, “таманно”,
 “тараннум”, “тараҳҳум”, “улуғ”, “улвийнажод”,
 “улвийҳиром”, “ваъда”, “вафо”, “вафодор”, “вафолиқ”,
 “виқор”, “хосият”, “хиромон”, “хўблар”, “хушилхон”,
 “хуиҳиром”, “ёвар”, “забардаст”, “зуфунун”, “тароват”,
 “жавод”, “туз” (тузук), “ишва”, “итоб”, “олийжаноб”,
 “одоб”, “озодаваи”, “озодаху”, “амин”, “безараз”, “берие”,
 “дилжўйи”, “дилкаш”, “дилсўзлик”, “футувват”, “ғамхор”,
 “ғамза”, “карамлик”, “карим”, “лоба”, “лутф”, “лутфу-
 карам”, “лутфу-тароват”, “маъсум”, “мардона”, “матин”,
 “мўътамад”, “муаддаб”, “мубоҳот”, “мушифиқ”,
 “мушкилкушой”, “покдаст”, “покиза”, “покизасиришит”,
 “поклик”, “покрав”, “покваи”, “пурдил”, “қонеъ”, “қаноат”,
 “равонбахш”, “ростгўй”, “ростлик”, “ростқалам”,
 “раъиятнавоз”, “раҳмат”, “раҳматфизой”, “риёзат”,
 “саховат”, “сахий”, “соҳибкарам”, “солиҳ”, “шокир”,
 “шўху-шанг”, “шужоат”, “шукр”, “шукрона”, “тавфиқ”,
 “шукргузор”, “тузлук”, “хоксор”, “яхишлик”, “ахлоқ”,
 “хулқ”.

Бу маъно гуруҳига 155 сўз бирлиги кирган. Инсоннинг
 ижобий хислатларини ифодаловчи тил бирликларининг
 Навоий даврида бу қадар кўплиги бу хислатларнинг ўша
 даврда нечоғлик қадрланишидан ҳикоя қилади. Навоий
 ҳазратлари ишлатган бу гўзал сўз ва иборалар бизнинг
 давримизга келиб афсуски истеъмолдан чиққан. Бу гуруҳ ўз
 ичига олган сўзлар ҳар бири ўз жарангдорлиги билан
 латофати билан инсон қалбини ўзига ром қилади.

Инсон табиатидаги “маънавий кемтиклик” маъно
 гуруҳига: “айёрлик”, “аблаҳ”, “олуфта”, “адабсиз”,

“ишрат”, “ишва”, “беқарор”, “бемаза”, “бероҳлиқ”,
 “булҳавас”, “бухл”, “бузуқ”, “даний”, “дағобозлиқ”,
 “дағалваиш”, “эгрилик”, “фаҳш”, “фиреб”, “фосид”,
 “фосиқ”, “фисқу-фужур”, “фитна”, “газоф”, “гумроҳ”,
 “зоратгар”, “зофил”, “гаддор”, “гавго”, “ҳосид”, “козиб”,
 “кажстабъ”, “каззоблиғ”, “мафсақа”, “манҳус”, “номард”,
 “наҳс”, “нажасул-айн”, “нафсу-ҳаво”, “найрангсоз”,
 “нуҳусатишиор”, “қаллоблиқ”, “қаллошлиқ”, “қусур”,
 “разл”, “риё”, “солус”, “талбис”, “вафосиз”, “хоин”,
 “хариф”, “хасис”, “хиёнат”, “ялгон”, “ялгончи”,
 “хиралиқ”, “худнамо”, “нафс”, “ёва”, “ҳарзарав”,
 “ҳосид”, “жоҳил”, “жаҳолат”, “жаҳл”, “разолат”,
 “савдойи”, “девона”, “девонавор”, “девзада”, “тийрадил”
 луғат бирликлари кирган.

“Ёмон одатлар” маъно гуруҳи қуйидаги луғат
 бирликларидан иборат: “айшгузин”, “авбошлиқ”, “итоб”,
 “боданўш”, “боданараст”, “бадхўйлик”, “бул-фузул”,
 “луқмахор”, “ҳангомафуруз”, “итлофхў”, “гаронжонлиқ”,
 “масхараваш”, “майпараст”, “муҳтоналиқ”, “нажасхор”,
 “нафъжўй”, “луқмахоҳ”, “туҳмат”, “тамаъ”, “комжўй”,
 “мухаммар”, “шўрафган”, “шўру-шар”, “тамошоталаб”,
 “ямон”, “тажаммул”, “тажҳил”, “хумор”, “хуруш”,
 “миннат”, “гушмол”, “сарзаниш”, “лоф”, “маърур”,
 “мутакаббир”, “муханнасваиш”, “пушаймон”, “қайсар”,
 “ришвахоҳ”, “саркаш”, “саркашлиқ”, “таҳқир”, “тавқир”,
 “хашиш”, “томеъ”, “тамаъкорлиқ”, “тазвир”,
 “телбараган”, “хушомад”, “ялгончи”, “ялгонтануқ”,
 “масту-маланг”.

“Одоб-ахлоқ қоидаларига зид хислатлар” маъно
 гуруҳига: “айб”, “беадаб”, “бебок”, “бенасиб”,

“бурқарубой”, “даллолалиқ”, “гунаҳкор”, “лаванд”,
“маъсият”, “нопок”, “нохалаф”, “сабукборлиқ”,
“қаҳбавор”, “қаҳба”, “сабуксанг”, “такаббур”,
“афсунгар”, “фаттон”, “мардуд”, “тақсирсиз”, “хато”,
“ҳиялпеша”, “ҳийласозлиқ”, “ҳийлагар”, “жоду”,
“нописанд”, “роҳзан” кирган.

“Инсон табиатидаги золимлик хислати” маъно гуруҳи куйидаги луғат бирликларидан ташкил топган: “афъимисол”, “бедодгар”, “тазаллум”, “дажжол”, “жабборлиқ”, “жафогар”, “жавр”, “ноҳақ”, “ноинсофлиқ”, “қотил”, “қотилваиш”, “қабоҳат”, “қаҳҳорлиқ”, “зулм”, “қаҳр”, “қатил”, “қатли ом”, “қатл”, “қитол”, “сафиҳ”, “ситамкора”, “хунрез”, “ёвуз”, “фарҳодқуш”, “машаққатниҳий”, “мужрим”, “золим”, “зажр”, “зиён”, “залолат”, “зарар”, “залил”.

“Инсоннинг хору-зорлиги” маъно гуруҳи куйидаги луғат бирликларини ўз ичига олган: “лаин”, “малъун”, “мудбир” (бахтсиз), “настлиғ”, “расво”, “сифлий”, “сифлийниҳод”, “сияҳрўйлиқ”, “шармандалиқ”, “табоҳ”, “тийражабин”, “уят”, “бевасар”, “бегонавор”, “бекаслик”, “чеҳраҳароши”, “фазихатлиқ”, “қариҳ”, “қасиф”, “нигунсорлиқ”, “сарнигун”, “тийраманзарлиғ”, “тийрарўзгор”, “тийрабахт”, “хор”, “хору-зор”, “хору-забун”, “хору-залил”, “забун”, “забунлуқ”, “саққомисол”.

Бу мавзу гуруҳида Навоий шундай ноёб луғат бирликлари ишлатганки, буни фақат буюк сўз усталаригина топиб ишлатиши мумкин. Масалан, “Ҳайрат ул-аброр”нинг 6/0 фаслида “гаронжонлиқ” луғат бирлигини ишлатган бўлиб, бу сўз куйидаги матнда келади: “...ва кўҳи гуноҳдин лангар солгонларнинг гаронжонлиқ кемасин бир пари коҳдек

мақсуд соҳилига еткурур”. Бу матнда “гаронжонлиқ” сўзи “суслик”, “тепса-тебранмас”, “танбаллик”, “имирсиган” ва бошқа маъноларни ифодалайди. Келтирилган матн куйидагича талқин қилинади “[карам дарёси] тоғдай гуноҳдан лангар ташлаганларнинг имирсиган кемасини сомоннинг бир қипиғидек мақсад соҳилига етказди”. Бу ўринда шоир инсон табиатига хос бўлган “гаронжонлиқ” сўзини кемага нисбат бериши, истиора санъати бўлиб, унинг сўз бойлиги ниҳоятда улканлигидан дарак беради.

Навоий 6-фасл, 8-байтда “бурқарубой” луғат бирлигини қўллаган, бу сўзнинг луғавий маъноси “парда сидирувчи” бўлиб, кўчма маънода “кимнингдир иффат пардасидан чиқармоқ” маъносини ифодалайди. Бу сўз куйидаги байтда ишлатилган:

*Елни қилиб чобуки бурқарубой,
Кеча саводида аён қилдинг ой.*

Яъни: “Елни пардаларни юлгувчи югурук қилиб, кеча қоронғилигида ойни намоён қилдинг”. Мажозан “иффат пардасида ўтирган маъшукни юзидан пардани тортиб олиб, унинг ойдай гўзал қиёфасини намоён қилдинг” деб талқин қилиш мумкин. Албатта, бу шеър бўлгани учун тағматндан келиб чиқиб, бошқача талқинлари ҳам бўлиши мумкин.

“Ҳайрат ул-аброр”да яна бир байтда инсоннинг салбий хислатларини таърифловчи ўта ноёб тил birlikлари ишлатилган:

48/34 Зоҳир этиб ўртада даллолалик,
Айтма даллолаки муҳтолалик.

Бу байтдаги “даллолалик” сўзи ҳозирги давр ўзбек тилида учрамайди, унинг “даллол” шакли сақланган бўлиб, “савдо-сотик жараёнида воситачилик қилувчи киши” маъносини ифодалайди. Бу матнда эса “даллола”, “қўшмачи аёл” маъносини англатади. Инсоннинг бу салбий хислатини янада кучайтириш учун шоир “муҳтолалик” сўзини ишлатади. Бу сўзнинг маъноси “ҳийлагарлик”, “фирибгарлик” олдинги мисрадаги фикрни янада кучайтирган.

Бу мавзу гуруҳида шунингдек “дағобозлик” (найрангбоз), “ҳангомафуруз” (ийгин қизитувчи), “тийражабин” (шўрпеишона), “чеҳраҳароши” (юз тирнаш), “машаққатниҳий” (мушкулот тугдирувчи), “тийраманзарлиғ” (юзқаролик), “саққомисол” (мешкобчига ўхшаш) каби бир қатор тил бирликлари ишлатилган бўлиб, бу тил бирликлари фақат Навоий асарларидагина учрайдиган ноёб ихтиролардир.

“Ҳайрат ул-аброр”даги яна бир катта мавзу гуруҳи “Инсониятнинг диний-ирфоний фаолияти” бўлиб, булардан бир қисми “самовий мавжудотлар” маъно гуруҳини ташкил қилади: “гардунжаноб”, “жаҳондовари”, “руҳ ул-амин”, “руҳуллоҳий”, “шайтон”, “Жабраил”, “маъбуд”, “малойик”, “малак”, “малакут”, “суруш”, “хизр”, “борий”. Бу тил бирликлари, гарчи, бевосита инсоният тоифасига тааллуқли бўлмаса-да инсонийлаштирилган самовий мавжудотлардир.

“Диний пешволар” маъно гуруруҳи куйидаги тил бирликларидан ташкил топган: “аброр”, “акбар”, “акмал”, “анбиё”, “ансор”, “асадуллоҳ”, “асҳоб”, “авлиё”, “имом”, “кабир уш-шон”, “кубро”, “маснаднишин”, “муаззам”, “муфтий”, “муҳтасиб”, “мурсал”, “мурид”, “мутаъол”, “нубувват”, “наби”, “пайамбар”, “пайгамбар”, “пешво”, “раҳшунос”, “равшантариқ”, “равшанравиш”, “рисолат”, “султон ул-орифин”, “шафеъ”, “шариатпаноҳ”, “шайх”, “валоят”, “валий”, “халифа”, “халил”, “хилофат”, “хулафо”, “йадуллоҳ”, “расул”, “саййид”, “афлокрав”, “ҳодий”.

Бу маъно гуруҳидаги “анбиё”, “асадуллоҳ”, “мурсал”, “наби”, “нубувват”, “пайамбар”, “пайгамбар”, “рисолат”, “шафеъ”, “шариатпаноҳ”, “халил”, “расул” сўзлари “пайгамбар” тушунчасининг мутародиф қаторини ташкил қилган.

“Руҳоний шахслар” маъно гуруҳига куйидаги тил бирликлари кирган: “бутфикан”, “бутишкан”, “дарвеш”, “файёз”, “ғозий”, “жаннатсиришит”, “масжуд”, “муаззин”, “муътақад”, “муаббад”, “мужоҳид”, “мунзавий”, “мурид”, “пайрав”, “қаландарваши”, “қавм”, “қурб”, “рўзадор”, “сожид”, “саждасоз”, “сойим”, “тақво”, “тақвою-тоқат”, “тоат”, “уммат”, “хилватгарой”, “хилватнишин”, “зоҳид”, “зоир”, “зуҳд”, “шорё”, “муслим”, “мусулмон”, “тавбакор”, “мўмин”.

Бу қатордаги ҳозирги пайтда фаол қўлланадиган тил бирликлари “дарвиш”, “мурид”, “пайрав”, “қавм”, “рўзадор”, “тақво”, “тақвою-тоқат”, “тоат”, “уммат”, “мусулмон”, “тавбакор”, “мўмин” каби сўзлардан иборат

бўлиб, қолган тил бирликлари тарихий асарлардагина учрайди.

“*Ғайридин шахслар*” маъно гуруҳида қуйидаги тил бирликлари учрайди: “*гайр*”, “*кашиш*”, “*мункир*”, “*ширк*”, “*осий*”, “*кофир*”, “*куффор*”, “*муртад*”, “*оташипараст*”, “*мажус*”, “*тарсо*”, “*муз*”, “*музбача*”, “*бараҳман*”.

“*Ирфоний истилоҳлар*” маъно гуруҳи қуйидаги тил бирликларини ўз ичига олган: “*алфироқ*”, “*анфоси*”, “*башорат*”, “*дурдкаш*”, “*дурднўш*”, “*гардуннавард*”, “*ҳомуннавард*”, “*муъжизнамой*”, “*номасиёҳ*”, “*наъим*”, “*равонбахшлиқ*”, “*раҳрав*”, “*ринд*”, “*рустахез*”, “*вирд*”, “*халақаллоҳ*”, “*зикр*”, “*зикру-сужуд*”, “*софийошом*”, “*сабукрав*”, “*сафидавроқлиқ*”, “*солик*”, “*шоҳидпараст*”, “*тақдир*”, “*таваккул*”, “*тавба*”, “*тариқат*”.

Юқоридаги диний-ирфоний истилоҳларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Навоий ўз шеърлятида диндор шахсларнинг жамиятда тутган ўрни, диний ақидалари, динга муносабати ва турмуш тарзига қараб хилма-хил мажозий тил бирликларини қўллайди. Бу ҳодиса Навоий замонидаги диннинг инсонлар ҳаётидаги ўрни қанчалик муҳимлигини кўрсатади; иккинчи томондан эса шоирнинг бу истилоҳларни қанчалик маҳорат билан ифодалашини намоён қилади.

Инсонларнинг руҳиятидаги турли ҳаётий воқеа ва ҳодисаларнинг акс таъсири “*Руҳий ҳолати*” мавзу гуруҳида жамланган бўлиб, булар ўз маъноларига кўра хилма-хил гуруҳларни ташкил қилади. Аммо моҳиятан булар асосан икки маъно гуруҳига ажралади.

Биринчиси “*инсон руҳиятидаги ижобий ҳолат*” маъно гуруҳи: “*жаҳд*”, “*жаҳду-жид*”, “*таҳаййур*”, “*некбахт*”,

“осудаҳол”, “беваҳм”, “далер”, “фархундалиқ”, “фаҳр”, “жазм”, “жунбиш”, “журъат”, “кайфият”, “кулгу”, “маҳзуз”, “масрур”, “майл”, “муфтахир”, “мутаҳаййир”, “нишот”, “нушханд”, “писанд”, “қаҳқаҳа”, “роҳат”, “ризо”, “саодат”, “саодатмандлиғ”, “саъд”, “сарафрозлиқ”, “сархуш”, “шод”, “шакарханда”, “шавқ”, “маъзур”, “шавқнок”, “шўру-шайн”, “тараб”, “тарабангез”, “важд”, “хандон”, “ханданок”, “хуррам”, “хурсанд”, “хуш”, “завқ”, “завқнок”, “бахт”, “бахтиёр”, “фаррух”, “фархундабахт”, “фархундафол”, “фархундафар” маъно гуруҳини ташкил этган.

Бу маъно гуруҳидаги биргина “бахт” синонимик қатори Навоий асарларининг луғат бойлиги нечоғлик юксак эканлигидан дарак беради. Булар: “некбахт”, “фархундалиқ”, “саодат”, “саодатмандлиғ”, “саъд”, “сарафрозлиқ”, “бахт”, “бахтиёр”, “фаррух”, “фархундабахт”, “фархундафол”, “фархундафар” каби 12 та луғат бирлигини ташкил этган. Бу биргина “Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги синонимлар, агар бошқа асарлари таҳлил қилинса сўзсиз бу қатор янада кенгайди.

Иккинчи гуруҳ луғат birlikлари “инсон руҳиятидаги манфий ҳолат” маъно гуруҳини ташкил қилган. Бу маъно гуруҳи куйидаги луғат birlikларини ўз ичига олади: “ошуфтаҳол”, “озурдаҳол”, “андух”, “ангуштхой”, “бехабар”, “фарёд”, “фигон”, “фироқ”, “гирифторлиқ”, “гириҳкорлиқ”, “замгин”, “замнок”, “замзада”, “ҳаросон”, “жунун”, “кўнгулсизлиқ”, “мабхут”, “маҳжур”, “маст”, “мастлиғ”, “мунглашиб”, “мушавваш”, “мутагаййир”, “мутаҳаттик”, “мотамий”, “музтар”, “ноком”, “нолон”, “нола”, “нолакаш”, “ношод”, “ноумид”, “нохуш”,

“наъра”, “наъразан”, “нафир”, “навҳа”, “навмид”,
“паришон”, “паришонлиғ”, “қайғу”, “қайғулиқ”, “қаҳр”,
“ранж”, “ранжур”, “ранжурлуғ”, “саросима”,
“сесканмак”, “талхком”, “таматтуъ”, “танаффуър”,
“таваҳҳум”, “таън”, “туғён”, “ваҳм”, “ваҳшат”,
“вараъ”, “васваса”, “вахомат”, “хомуш”, “хамуш”,
“хатар”, “хавотир”, “хавф”, “хижолат”, “хижил”,
“йаъс”, “йиғи”, “бим”, “маҳзун”, “маҳрум”, “маҳруқлуқ”,
“мажонин”, “мубтало”.

Одамзоднинг ижобий руҳий ҳолати 52та луғат бирлигини тапқил қилгани ҳолда, манфий ҳиссиётлари 74та луғат бирлигини тапқил қилиши, бу инсоният ҳаётида ижобий ҳиссиётдан кўра салбий ҳиссиётнинг устунлигини кўрсаткичи бўлса ажабмас. “Мунглашиб”, “йиғи”, “навҳа”, “нола”, “нолон”, “нолакаш”, “нафир”, “ғизон”, “фарёд”, “наъра”, “наъразан” луғат бирликларининг градуаномик синонимлар қатори инсоннинг ўз ҳиссиётини қанчалик жонли ифодалашини кўрсатади.

Бу маъно гуруҳидаги инсоннинг ғам-қайғусини ифодаловчи синонимик қаторга қуйидаги луғат бирликлари киради: “ошуфтаҳол”, “озурдаҳол”, “андуҳ”, “фироқ”, “гирифторлиқ”, “гириҳкорлиқ”, “замгин”, “замзада”, “мабҳут”, “маҳжур”, “мушавваш”, “мутағаййир”, “мутаҳаттик”, “мотамий”, “музтар”, “ношод”, “нохуш”, “паришон”, “паришонлиғ”, “қайғу”, “қайғулиқ”, “ранж”, “ранжур”, “ранжурлиғ”, “талхком”, “йаъс”, “бим”, “маҳзун”, “маҳруқлиқ”, “мубтало”. Биргина “зам-қайғу” тушунчасини ифодаловчи синонимик қатор 30 та луғат бирлигини қамраб олиши ўша давр ўзбек тилининг ниҳоятда бойлигини ва бу бойликни асраб-авайлаш

қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Бу луғат бирликларининг айримларидан ташқари кўпчилиги ҳозирги адабий тилимизда ҳам мавжуд. Бу қатордан “*гириҳкорлиқ*” (қийинчилик, *машаққат*), “*мабҳут*” (лолу-ҳайрон), “*мутағаййир*” (*заабланган*), “*мутаҳаттик*” (*шармсорлиқ*), “*талхком*” (*аламзада*), “*йаъс*” (*аянч*), “*махруқлиқ*” (*куйиш*) луғат бирликлари ҳозирги адабий тилимизда архаизмга айланиб қолган.

“Инсонларнинг жисмоний ҳолати” мавзу гуруҳи ўз ичига олган тил бирликлари ҳам ўз навбатида бир нечта маъно гуруҳига бўлинади.

Булардан биринчиси “*Инсонларнинг жисмоний носозлик аломати*” маъно гуруҳини ташкил қилади: “*ажуба*”, “*аъмо*”, “*афгор*”, “*афгандалиқ*”, “*ашкфишон*”, “*ашкпош*”, “*ашкрес*”, “*беҳуш*”, “*беҳол*”, “*беморлиқ*”, “*бехуд*”, “*дардманд*”, “*дарднок*”, “*гандараб*”, “*гаронжсон*”, “*гунгу-лол*”, “*кўр*”, “*лол*”, “*мажруҳ*”, “*мараз*”, “*нотавон*”, “*нозуклук*”, “*қонлиқ*”, “*раъша*”, “*сақим*”, “*сўзу-дард*”, “*титрамак*”, “*захм*”, “*захмнок*”, “*заиф*”, “*қадхам*”, “*фарсудалиқ*”, “*куҳанланг*”, “*махмур*”, “*ташна*”, “*ташналаб*”, “*ялонгоч*”, “*ярақоний*”, “*хаста*”, “*дастпеч*”. Бу маъно гуруҳидан фақат 16таси ҳозирги ўзбек тилида фаол бўлиб, қолган 24таси муомаладан чикқан. Бу сўзларни фақат 20-аср бошларигача бўлган адабиётларда учратиш мумкин.

“*Инсонларнинг соғломлик аломати*” маъно гуруҳига қуйидаги тил бирликлари киради: “*азамат*”, “*борвар*”, “*кўҳтан*”, “*кучлук*”, “*мадор*”, “*мажол*”, “*неру*”, “*пўлодчанг*”, “*қадир*”, “*қавий*”, “*қувват*”, “*ёро*”, “*зўр*”,

“зўрбозу”, “чобук”, “чобуксувор”, “мақдур”, “якто”, “анжумрубой”.

Бу қатордан фақат “азамат”, “кучли”, “мадор”, “мажол”, “зўр” сўзлари луғат бойлигимизда сақланиб қолган.

“Инсонларнинг умр кўрсаткичи” маъно гуруҳига: “ажуз”, “солхард”, “бежсон”, “кичиклик”, “ушоқ”, “зол”, “марг”, “мурдор”, “наъш”, “ўлмак”, “ўлук”, “ўлум”, “қурбон”, “риҳлат”, “раҳил”, “фавт”, “мазбуҳ”, “тифл”, “тифлзод” “қарилик”, “қари” тил бирликлари кирган. Бу қаторга кирган тил бирликларидан “бежсон” (ўлик), “ушоқ” (ёш бола) сўзлари тилимизда мавжуд бўлса-да, маъноси ўзгариб, “заиф”, “нон ушоғи” маъноларини касб қилган. Зотан Навоий тилидаги мавжуд ва бизнинг замонимизгача сақланиб қолган кўпгина сўзларнинг маъноси қисман ёки бутунлай ўзгариб кетган.

Ундан ташқари “Инсонларнинг жисмоний ҳолатларига хос белгилар” маъно гуруҳига: “ашк”, “боштин-аёқ”, “бўй”, “зишт”, “жўлидамў”, “хоб”, “ҳофий”, “хиром”, “қай”, “нар”, “наззора”, “уйқу”, “уйғоғ”, “нутфа”, “тирик”, “тириклик”, “тўқ”, “лошаси”, “боқиш”, “жинси”, “жисм”, “кўргувчи”, “мода”, “мазоқ”, “мизож” сўзлари кирган. Бу тил бирликларидан “ашк” (кўз ёши), “зишт” (хунук), “жўлидамў” (пахмоқсоч), “ҳофий” (ялангоёқ), “лоша” (ўлакса), “мазоқ” (таъм билиши) сўзларидан ташқари ҳаммаси ҳозирги ўзбек тилида ишлатилади.

“Инсон номлари” мавзу гуруҳига кирган тил бирликлари бир қанча маъно гуруҳларидан ташкил топган. Улардан биринчиси “Пайгамбарлар номлари” маъно гуруҳи бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: “Исо”, “Аҳмад” (ислом пайгамбарининг иккинчи номи), “Аюб”, “Бироҳим” (Иброҳимнинг

қисқа шакли), “Иброҳим”, “Лот”, “Масих”, “Муҳаммад”, “Мусо”, “Нух”, “Сулаймон”, “Юнус”, “Юсуф”, “Сафиюллоҳ”, “Одам”.

Иккинчи маъно гуруҳи “Тарихий шахслар” ни ифодалайди: “Абулғозий” (лақаб), “Абдуллоҳий”, “Адҳам”, “Аннуширвон”, “Ардашер”, “Боязид”, “Бадиғуззамон”, “Баҳром”, “Бармак”, “Бу Али”, “БуЛаҳаб”, “Чингизхон”, “Доро”, “Ҳошимий”, “Ҳусайн”, “Жомий”, “Мустағсимун Биллоҳ”, “Нодир”, “Навоий”, “Низомий”, “Нуширвон”, “Нуриддин”, “Розий”, “Шиблий”, “Убайдуллоҳий”, “Хисрав”, “Язид”, “Зайд”, “Зайн ул-обидин”, “Зуннун”, “Ҳасан”, “Ҳаллож”, “Яздижирд”, “Хурмуз”, “Мирзо”, “Хоразмишоҳ”, “Кўрагон”.

Бу қаторга турли даврларда яшаган подшоҳлар, дин ва тасаввуф оламининг машҳур кишилари, буюк олимлар номлари кирган.

Яна бир маъно гуруҳи “Афсонавий шахслар” дан ташкил топган: “Адҳам”, “Фарҳод”, “Фаридун”, “Гев”, “Ираж”, “Жамиид”, “Мажнун”, “Манучеҳр”, “Қорун”, “Рустам”, “Соро”, “Сикандар”, “Ҳотам Тойи”, “Ҳушанг”, “Золи зар”, “Зухра”, “Заҳҳок”, “Ҳавво”, “Таҳмтан”.

Бу қатор турли манбаларда зикр этилган афсонавий шахс номларидан ташкил топган.

“Инсон” тушунчасининг турлича номланиши маъно гуруҳига қуйидаги сўзлар кирган: “инсон”, “одам”, “от”, “киши”, “кимса”, “лақаб”, “банда”, “бани”, “биррав”, “фард”, “мавуф”, “махлуқот”, “мавуҷудот”, “маволид”, “ўзга”, “хавос”, “ёт”.

Бу мавзу гуруҳига кирган тарихий ва асотирий номлар ва инсон тушунчасининг мутародиф сўзларини

келтиришдан мақсад шуки, бадий асар матнида ҳар бир келтирилган сўз муайян семантик функцияни бажаради. Масалан, “Адҳам” номи биринчи подшоҳлик мансабидан ўз ихтиёри билан воз кечиб тарки дунё қилган авлиё кишининг номи. Бу ном одатда, ўз нафсу-ҳавосига ғолиб келиб, шон-шухратдан, бойликлардан воз кечиб фақирликни ихтиёр қилган буюк инсон намунаси сифатида келтирилади. “Ануширвон” одил подшоҳ намунасини “Боязид” тасаввуф оламининг буюк тарғиботчиси, алломаси намунасини ва шунга ўхшаш ҳар бир ном муайян бир маъно хусусиятини ифодалаб келади. Бу номлар ҳар бири ҳозирги ўқувчилар учун жумбоқ бўлиб буларни семантик хусусиятларини шарҳлаб берадиган ономастик луғатлар тузиш келажак тадқиқотчиларимиз олдида турган вазифалардандир.

“Инсоннинг тана аъзолари” мавзу гуруҳига кирган луғат бирликлари: “андом”, “аёғ”, “бағир”, “бармоқ”, “бош”, “бадан”, “баногўш”, “бел”, “бўғун”, “бўғуз”, “бурун”, “бурут”, “чеҳра”, “даст”, “дида”, “дил”, “димог”, “энг”, “гардан”, “гису”, “гўш”, “жсон”, “жабин”, “каф”, “камар”, “кўз”, “лаб”, “меъда”, “мижгон”, “новак”, “назар”, “панжа”, “пешони”, “пўст”, “қорин”, “қош”, “қомат”, “қон”, “қад”, “қадам”, “қалб”, “қалбгоҳ”, “қўл”, “қулоқ”, “раг”, “рухсор”, “соч”, “соқол”, “сиришк”, “симбар”, “сўнгах”, “тан”, “тану-жсон”, “шўлакай”, “тери”, “тил”, “тирноғ”, “тиш”, “турра”, “хай”, “хол”, “хилқат”, “ёш”, “юррак”, “юз”, “захра”, “занах”, “зулф”, “забгаб”, “манглай”, “мў”, “пайкар”, “қаду-мад”, “қучоқ”, “забон”, “эшитмоқ”, “сомия”, “кўкс”, “кўнгул”, “лаъли”, “сарпанжа”, “сиблат”, “важҳ”, “вужуд”, “жсон”, “қалла”.

Бу мавзу гуруҳига кирган луғат birlikларининг ҳар бирини бир неча мутародиф сўзлари мавжудлиги ва бу мутародиф сўзлар қатори шоирлар учун битмас-туганмас ганжлар маҳзанидир. Масалан, “андом”, “бадан”, “қомат”, “қад”, “тан”, “тану-жон”, “пайкар”, “қадумад”, “вужуд” битта тушунчани шеърятда 8та луғат бирлиги билан ифодалаш мумкинлигини англатади. Бу шоир учун ноёб топилма ҳисобланади.

“Инсон гўзаллиги” маъно гуруҳи бусбутун битта тушунчанинг мутародиф сўзлар қатори бўлиб, Навоий тилининг қанчалик бойлигини намунасидаир: *чеҳрагушо, чирой, дилафруз, диловиз, дилбар, дилфиреб, дилкушой, дилнавоз, фаррухжамол, фусунгар, фусунсозлик, гавҳаршикам, гетифуруз, гулузор, гулчеҳра, гулрўй, гулрух, ҳур, ҳусн, ҳурийайн, ҳурийнажод, ҳуру-пари, жонон, жонбахи, жонфизо, жонгудоз, жамол, жамолафзо, жамил, кўрк, лаъиб, лайливаш, лўбат, моҳрух, маҳрў, малоҳат, малойиксифат, милакваш, мамлакаторой, марғуб, нодирасон, новакфикан, нозанин, нозпарвард, нафис, нафоис, нақшу-намудор, назих, нигор, нўшлаб, паризод, пари, паричеҳра, парипайкар, парихон, пероста, пурфусун, раънолар, раъно, раънолиз, симбар, симинтан, симинбадан, симинбар, суманбар, суманбўй, сумансо, сурхрў, санам, шахло, шўъбада, шўъбадасанж, шўъбадабоз, шўъбадагар, тозарўй, тозавард, танноз, зебо, зеб, зебоузор, зевар, зийнат, дилрабо.*

Бир “гўзаллик” тушунчасини 82 луғат бирлиги билан ифодалаш ҳар кимнинг ҳам қўлидаё келавермайди. Унинг устига бу Навоий сўз бойлигининг ҳаммаси эмас. Масалан, бу сўзлар қаторига гўзал сўзи кирмаган, бунга ўхшаш

“Ҳайрат ул-аброр” матнига кирмаган бошқа асарларда учрайдиган яна қанчадан-қанча луғат бирликлари топилса ажабмас.

“Инсоннинг ақлий фаолияти” мавзу гуруҳи икки турдаги луғат бирликларидан ташкил топган. Биринчиси “Ақлий фаолият номлари” мано гуруҳи бўлиб, бу гуруҳга қуйидаги луғат бирликлари киради: *ақл, андеша, англамоқ, басорат, башорат, билик, билмак, дарк, фаҳм, фаросат, фикр, гавр, ҳуш, идрок, маъоний, маориф, маъни, маърифат, ўй, пиндор, раъй, шуъур, таъаммул, тахайюл, хотира, хаёл, хаёлот, хирад, ёд, зеҳн, ҳикмат, асрор, роз, тасаввур таъб, хиффат.*

Иккинчи маъно гуруҳи “ақлий фаолият эгалари” бўлиб, бу гуруҳга қуйидаги луғат бирликлари кирган: *олим, оқил, ориф, бисёрдон, доно, фонусхаёл, фикратпараст, ҳушманд, ҳушёр, ҳикматмаоб, муҳаққиқ, мутафаккир, нуктасанж, порсо, равшанравон, равшанзамир, тезҳуш, хирадманд, зарофат, ҳаким, таҳқиқ, мухил, кўтоҳназар, нодон, покрой, телба, фархундарой, тезбин, хурдабин, хуришдрой, таъбакаш, воқиф, вуқуф, хабардор, зокир.*

Бу маъно гуруҳига кирган “фонусхаёл, кўтоҳназар, нодон, телба” луғат бирликларидан ташқари 31та сўз битта “ақл эгаси” тушунчасининг мутародиф сўзларидир.

Инсоният ҳаётининг яна бир муҳим жиҳати “Оилавий муносабатлар” мавзу гуруҳини ташкил қилади. Бу мавзу гуруҳига:

Арус, иёл, ато, обо, ано, атфол, ахи, болалаб, балоси, бинни, эр, эрлик, фарзанд, ихвон, издивож, карима, меҳмон, мезбон, навбова, навжувон, наврас, навхоста, навхез, нисо, ўғлон-ушоқ, ўғли, ўртанча, ўтоғо, қиз, сағир, сағира, шоб,

шабоб, тавъамон, волид, еолидайн, ворис, валад, халаф, ятим, йигит, йигитлик, завжа, авлод, душиза, ширхор, хокийнасаб, хоназод, убувват” (*ота*), *ансаб, насаб, насл, нажоди, қадимийниҳод, шажара, зод, зода* луғат бирликлари кирган. Бу мавзу гуруҳини ташкил қилган сўзлар, асосан турли оилавий муносабатдаги инсон номларининг мутародиф шаклларини ташкил қилган: масалан, “*она*” тушунчасини *ано, карима, волида* луғат бирликлари “*ота*” тушунчасини *ато, обо, волид, убувват* мутародиф сўзлари ташкил этган.

“*Иzzат-икром*” мавзу гуруҳига:

Иzzат, ақдас, авсоф, бегим, гаронмоя, ҳазрат, жамқадр, жаноб, муҳтарам, мушарраф, қадр, қудсий, қудсия, қудус, риоят, сарафроз, сарфароз, сазовор, сазоворлик, сипос, саминқадр, шон, шараф, шариф, шукуҳ, таҳният, таҳсин, такбир, васф, юкунуб, азиз, тавозеъ, муътабар, таважжуҳ луғат бирликлари кирган. Бу луғат бирликлари инсон қадр-қимматини белгилашга тааллуқли сўзлар бўлиб, булардан *ақдас, гаронмоя, жамқадр, сипос, саминқадр, таҳният* сўзлари ҳозирги ўзбек адабий тилида архаизмга айланган.

“*Инсонлар йигини*” мавзу гуруҳи:

Анжуман, башар, бахшилар, бирлик, эл, элик, ҳамқад, ҳамранг, ҳамсол, ҳамсадо, жамоат, жамият, кенгаш, кишилик, мохалақаллоҳ, маҳфил, мардум, муттафиқ, муттаҳид, нос (халойиқ), саф, саф-саф, тўда, тоифа, халойиқ, хайл-хайл, ёмон-яхши, яхшилар, яхши-ёмон, зумра, анжумсипоҳ, ширкат луғавий бирликларидан ташкил топган. Бу гуруҳдаги *ҳамсол, мохалақаллоҳ, муттафиқ, муттаҳид, нос, хайл-хайл, анжумсипоҳ* (юлдуз каби катта

лашкар) сўзларидан ташқари барчаси ҳозирги тилимизда мавжуд.

“Меҳр-муҳаббат” мавзу гуруҳи:

Ошиқ, азиз, аҳбоб, анис, аржуманд, ҳабиб, маъшуқлуқ, маҳбуб, маваддат, меҳр, меҳрваши, меҳру-вафо, муҳаббат, муҳаббаткаш, ўпмак, парастииш, парвоналиқ, рашиқ, согинч, севар, вола, шефта, дидор, жигаргўша, васл, висол, вусул, ёр, ёрлиқ, ёрсиз луғавий бирликларини ўз ичига олган бўлиб, булардан муваддат, муҳаббаткаш, шефта, парастииш сўзларидан ташқари барчаси ҳозирги тилимизда мавжуд.

“Миллатлар” мавзу гуруҳига:

Ажсам, араб, ибрий, чин, чиний, форс, фаранги, миллат, мўғул, қурайш, татор, турк, туркий, улус, хитой, юноний, ҳиндий, исроилий, сорт, ироқий, сурёний, занги луғавий бирликлари кирган бўлиб, бу сўзлар ўша даврдаги мавжуд ҳамма миллатларни эмас, балки Навоий асарларида у ёки бу муносабат билан қўлланилган ва муайян маъно ташувчи луғат бирликларини акс эттирган.

“Дўстлик” мавзу гуруҳига:

Ошинолик, балокаш, дамсозлик, дастгир, дўст, ҳамовозлиқ, ҳамдам, ҳамдард, ҳамдаст, ҳамнафас, ҳамнишаст, ҳамқадам, ҳамроҳ, ҳамроз, мусоҳиб, мунис, қарроба, қўлдош, рафиқ, рифқ, содиқ луғавий бирликлари кирган бўлиб, бу луғат бирликлари у ёки бу даражадаги ўзаро мутародиф сўзлардан ташкил топган.

“Инсонлар кийим-кечаги” мавзу гуруҳига:

Бўрки, давожи (чойшаб), эгни, этак, пардадор, пардапўш, пардачеҳ(р), сочбожи, тўн, тугма, тайласон, узук, хафтон, хилъат, хирқа, худ (дубулға), ёглиз (дўппи), ёқо, зарбафт кирган бўлиб, бўрк (бош кийим), тайласон

(устки кийим), хафтон (зирҳ таглиги), худ (дубулга) ҳозирги пайтда истеъмолдан чиққан, демакки бу сўзлар тарихий истилоҳлар қаторига ўтган.

“Гапириш қобилияти” мавзу гуруҳига:

Калом, калим, лафз, лаҳн, ламйакул, нутқ, ўқумоқ, қавл, қўшуқ, такаллум, такаллумнамоӣ, хитоб, замзама, замзамапардоз, гуфтугўй, гуфтушунуд луғавий бирликлари кирган. Бу луғавий бирликларидан фақат калом, лафз сўзлари гарчи тилимизда мавжуд бўлса ҳам маъно ўзгаришга учраган.

“Инсон орзу-истаклари” мавзу гуруҳи:

Армон, мақсад, мақсуд, муддао, мурод, нияти, қасд, сарнавишт, тилак, тухфа, умид, хост луғавий бирликларидан иборат.

“Инсон емиши” мавзу гуруҳига:

Бода, тўша, таъом, таъм, тўъма, умоч, ун, ёрмоқ, емоқ, емак, емак-ичмак, ютмоқ, захр, захрфом, захрнок сўзлари кирган бўлиб, бу гуруҳдаги ёрмоқ (нон) сўзигина истеъмолдан чиққан.

“Душманлик” мавзу гуруҳига:

Адув, аъдо (адунинг кўплиги), азёр, душман, ҳариф, кинавор, кинахоҳ, қасду-кин, мухолиф, мухолифгудоз луғавий бирликлари кирган.

“Яшаш жойи” мавзу гуруҳи:

Эв (уй), иқоматпазир сўзларидан иборат. Бу мавзу гуруҳи дoston мавзуси доирасига кирмагани, “Ҳайрат ул-аброр” дostonи фалсафий мазмундаги асар бўлганлигидан кам учраган.

Бу таҳлилдан келиб чиқадиган биринчи хулоса шуки, бу мақолада келтирилган ва таҳлилга тортилган луғат

бирликлари Навоий асарларидаги ишлатилган тил бирликларининг ҳаммаси эмас, балки биргина “Ҳайрат ул-аброр” асаридаги луғат бирликларидир. Биргина асарда инсон таърифида 1700 га яқин сўз ишлатилиши ўша даврда ўзбек тилининг ниҳоятда бой бўлганлигини кўрсаткичидир. Бунинг сабаби, ўша даврда Ўрта Осиёда муштарак маданият вужудга келган бўлиб, ўқимишли кишилар араб ва форс тилини туркий тили билан баравар ўзлаштирган ва асарларида бемалол қўллашган.

Кейинги хулоса шуки, ҳозирги ўзбек тилида катта йўқотиш юз берган, бунинг иллоти бир томондан тилнинг табиий ривожланиш таъсири бўлса, иккинчи томондан йигирманчи асрда рўй берган сиёсий-иқтисодий ва мафкуравий ўзгаришлар ҳамда араб ва форс тилларидан кириб келган ўзлашмаларни рус-интернационал терминлар билан алмашишига боғлиқ бўлган. Демак, Навоий, Лутфий, Бобир ва классик шеърятни намояндаларининг барчасини асарларининг тил бойлигини тўла-тўқис ўрганишимиз ва кўз қорачиғидай асрашимиз керак. Бу бизнинг миллий бойлигимиз.

Учинчи хулоса шуки, Навоий асарлари тилини мукамал ўрганишимиз ва бунинг учун Навоий асарларида ишлатилган сўзларнинг тўлиқ муаллиф луғатларини ва энциклопедик изоҳли луғатларини тузишимиз зарур.

“Ҳайрат ул-аброр”да “илм”

Бу сатрлар муаллифи томонидан “илм”нинг луғавий, диний ва тасаввуфий маъно-моҳияти “Маснавийи-маънавий”да тасаввуф тимсоллари” китобида атрофлича таҳлил қилинган эди. “Олимлар пайғамбарнинг ворисларидур” деган ҳадиси шарифга кўра, ўтмиш мутафаккирларимизнинг илм ҳақида ёзиб қолдирган барча фикрларини ўрганиш фойдадан холи эмас.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонининг ўн биринчи мақолатида “илм”га шундай таъриф беради: “Илм сипехрининг баланд ахтарлиғида ким, жаҳл тунини ёрутмоқ учун “айн” и куёшдин ва “лом” и ойдин ва “мим” и кундуздин нишона айтур”¹. Яъни: “Илм осмонининг буюклиги, жаҳл тунини ёритиш учун араб имлосидаги “илм”нинг “айн” ҳарфи куёш нуридан олинган, “лом” ҳарфи ой ёғдусидан ва “мим” ҳарфи кундуз ёруғлигининг белгисидир”. Навоий бу таърифда “илм”ни “ҳақиқат” эканлигини, баён қилмоқда. *Аслида ҳам ҳамма илмлар, фақат* битта мақсадда – ҳақиқатга етишиш, ҳақиқатни англаш, ҳақиқатни барча инсонларга етказиш учун хизмат қилади. *“Жаҳл” эса ҳақиқатни* кўра билмаслик ва шунинг оқибатида кўр-кўрона иш тутиш ва энг ёмони, атрофдагиларга, жамиятга ва табиатга кетма-кет зарар етказиш билан баравар. Алишер *Навоий жаҳлга* шундай таъриф берадилар: “Ва жаҳл шои тийра манзарлиғида ким, ғафлат чоҳини залолат кечасида зоҳир қилиб, бу кечада шақоватдан фасона айтур”. [212] Яъни: “Жаҳл тунининг юз қаролиғида ким,

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 7 ж. Т.1991 й. 212 б. Бундан кейинги мисоллар мана шу китобдан олинган.

гафлат чуқурини тубанлик кечасида кўрсатиб, бу кечада ёвузликдан афсона айтади”. Бошқача айтганда “жаҳл” бу “билимсизлик”, билимсизлик эса инсонни тўғри йўлга бошламайди, балки тубанлик йўлига бошлайди, яъни ёвузликка етаклайди. Ҳақиқатни англаган инсон ҳеч бўлмаганда бировга билиб туриб зиён келтирадиган иш қилмайди. Билимсиз киши ўзи англамаган ҳолда кетма-кет хатоларга йўл қўяди, демакки бошқаларга зарари тегади.

Дунё пайдо бўлгандан бери барча қонхўрлик, жиноят, қабоҳат, ёвузлик, шафқатсизлик ва бошқа тубанликлар билимсизлик жаҳолатдан юзага келади.

Агар инсоният билим нуридан баҳраманд бўлганда эди бу ёвузликлар рўй бермаган бўларди.

Шунинг учун Навоий билимли кишиларнинг мақомини ўта юксак эканлигини ва билимсиз кишининг қанчалар тубанлигини қуйидагича ифодалайди: “Ва олимнинг бовужуди фалокат куёшдек сарбаландлиги ва жоҳилнинг бовужуди ганж-у мол туфроғ аро нажандлиги”. [212] Яъни: “Олимнинг бошига фалокат тушса ҳам куёшдек шухрати оламга таралганлиги ва жоҳилнинг мол-дунёга эга бўлишига қарамай тупроққа қорилган тубанлиги”. Бошқача қилиб айтганда, олим (куёш) билан жоҳил (тупроқ) орасида осмон билан ерча фарқ бор, демокчи: Чунки илм олиш учун инсон олдига мақсад қўяди:

Тойири мақсуд тилаб ком ила,
Донаи ашқи доғи бу дом ила. [216]

Яъни: Мақсад билан ният қушини тилаб, бу тузоққа илинган кишининг кўз ёши дона бўлиб тўкилади.

Бу байтнинг маъноси шуки, инсон ёшлигидан олдига мақсад қўйиб, шу мақсадига бутун умр интилгагина мақсадига эришади, ammo бу йўлда куп заҳмат чекади.

Алишер Навоий бу мақсадга эришиш қийинчиликларини шундай тасвирлайди:

Бўйла ғаму меҳнати даврон чекиб,
Ўну ўн беш йил югуруб жон чекиб .
Мадраса кунжини ғамобод этиб,
Тонгдан оқшомгача фарёд этиб.
Бўйла минг эмгакдаги бечорадин,
Ўз ватану мулкидин оворадин.
Баъзи ўлуб, баъзи итиб ҳар тараф,
Баъзи этиб доясин бартараф.
Оз иш ила баъзи этиб иктифо,
Баъзи ўзига тутубон кўп жафо. [215]

Яъни: Илм олиш учун 10-15 йил югуриб-елиб, ўз даврининг кўп қийинчиликларини енгиб ўтиши керак. Мактаб, ўқув юртини ўзига манзил қилиб, эрталабдан кечгача ўқиш машаққатларидан фиғони фалакка етади, ўз ватанидан йироқда мана шундай минг меҳнат- машаққатни бошдан кечирган, баъзилари шу йулда жонини фидо қилиб, баъзилари ўз ниятидан қайтиб, ҳар тарафга тарқаб кетади.

Бошқача айтганда олим бўлиш осон иш эмас, бу қамолга етганлар бор, етмаганлар бор. Илм йўлида дуч келадиган минг-минглаб азоб-уқубатларга чидаш берган кишигина ўз мақсадига эришиши мумкин, кўплари эса бу синовларга чидолмай ярим йўлда ташлаб кетади.

Эврулубон доираи моҳ-у сол,
Зоҳир улуб бир-икки соҳибкамол.
Қарн ила даврон топибон иқтирон,
То бўлубон бир киши соҳибқирон. [216]

Бу байтдаги “моҳ-у сол” – ойлар ва йиллар дегани, “соҳиб камол” эса, “камолга етган киши” демак бир инсон камолотга эришиш учун ойлар ва йиллар керак.

Навоий бу ўринда ҳақиқатга етишиш учун инсон кўп йиллар давомида ўқиш ва ўрганиш кераклигина таъкидламоқда.

Бу фикрни кейинги байтда давом эттириб, “Бир киши “соҳибқирон”, яъни “бахт-саодатли” бўлиш учун “қарн” – “бир аср”, даврон билан “иқтирон” – “яқинлашуви”, яъни юз йилларда бир бошига бахт куши қўнган инсон чиқиб қолади, демоқчи”. Яъни ҳамма ҳам ўқиган билан олим бўлмайди, олим бўлиш учун туғма истеъдод ҳам бўлиши керак, деган маъно чиқади.

Кўнгли бўлиб маскани маъвойи илм
Қатра киби пайкари дарёйи илм.
Ибрию, юнонию, сурёний ҳам,
Ҳинди агар сўрса билиб они ҳам. [216]

Яъни кўнгли илм маъвойи “илм бошпанаси” бўлиб “қатра киби пайкари” – “бир қатрадай танаси” “дарёйи илм” – “илм денгизи” бўлиб ибрий – бу иврит, юноний ва сурёний, ҳиндий (санскрит) каби қадимий тилларни биладиган алломага айланади. Демак, Навоий даврида ҳам довишманд киши деган ном олиш учун қадимий тилларни

биладиган одам бўлиши назарда тутилган. Чунки инсоният яратган энг қадимий манбалар иврит, қадимги юнон, сурёний ва санскрит тилларида яратилган. Ҳақиқий аллома бўлиш учун мана шу тилларни пухта эгаллаш керак бўлган.

Мушкили афлок бўлуб бежадал,
Бу Алийи фикрати олинда ҳал.
Дин ишида жаҳл-у ҳаво дофии,
Ўйлаки Ғаззолий ила Шофийий. [217]

Яъни: “Унинг Абу Али Ибн Синодек фикрий кудрати олдида “мушкили афлок” – “фалаклар муаммоси” ҳеч бир кийинчиликсиз ҳал бўлади. Дин ишида эса “Жаҳл-у ҳаво” дофии – “жаҳолат ва кибру-ҳаво”ни бартараф қилувчи Ғаззолий ва Шофийийлардек олим бўлиб етишади”.

Алишер Навоий бу байтларда ҳақиқий аллома, донишманд киши деб ўз давридаги самовий ҳодисалар жумбоғи ва диний ақидаларга аралашган хурофий урф-одатларини бартараф қилишга қодир бўлган, табиий билимлар билимдони деб танитади. Бу Алишер Навоий Ҳазратларининг ҳақиқий илм нима, олим деганда қандай кишини тасаввур қилиш керак, деган қарашларига аниқлик киритади. Негаки баъзи бир тадқиқотчилар илм деганда ўрта асрдаги кишилар фақат диний-тасаввуфий илмни тушунганлар, деган қарашлар ҳам мавжуд.

Алишер Навоий илм аҳлининг ижтимоий вазияти ва вазибалари ҳақида ўз қарашларини шундай баён қилади.

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил. [222]

Авалло ҳаётнинг маъноси, шоир фикрича умр борича илм ўрганиш. Бу яшашдан мақсад нима, деб бутун умр бош қотирадиган, яшашдан бирор маъно топмай ўзини маишпатга, ичкиликка ва бошқа номаъқул ишларга урадиган калтабин кимсаларга аниқ ҳаёт йўли – инсон ҳаётидан мақсад битта – илм ўрганиш. Майли у таниқли олим, уламо бўлмасин, лекин ҳаёти мазмунга тўлади. У олим бўлмаган тақдирда ҳам ўз ишининг, ўз ҳунарининг устаси бўлади, бунинг учун у тинимсиз изланиши керак. Бу фикрни ниҳоятда тўғрилигини Навоий ҳазратлари ўзининг умри давомида исботлаб кетдилар.

Олим кишининг иккинчи ижтимоий вазифаси бу илмга амал қилиш. Илмга амал қилиш бу доимий муаммо бўлиб келган. Олим ўз билимини ижтимоий фойдали ишларга сарфлаши керак. Агар у илмни фақат ўз шахсий манфаатларида қўлласа Навоий ҳазратларининг фикрича:

Жоҳил агар улдур-у олим будур,
Олим эмас ўзига золим будур. [220]

Жоҳилнинг вазияти тушунарли, у фақат ўз фойдасини кўзлайди, чунки у ўз хатосини, умрини бефойда ишларга сарфлаётганини тушунмайди. Агар олим киши ҳам билиб туриб, ношойиста ишларга қўл урса, бундай олимнинг жоҳилдан нима фарқи қолади. Шундай экан савол туғилади, олим учун ношойиста ишлар нима? Навоий наздида олим учун ношойиста ишларидан бирини шундай баён қилади:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқини гумроҳ этар.

Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлига бўлғай далил. [220]

Бу байтлардаги “жоҳ,” – “мансаб, мартаба” “залил” – “тубанлик, пасткашлик” маъносини ифодалайди. Шоир айтмоқчики, агар илм қилишдан мақсад фақат мансаб эгаллаш учун бўлса, унда бу гумроҳлик, тубанлик, деб билади. Шоир фикрини давом эттириб шундай дейди:

Олим агар қатъи амал айласа,
Илмига шойиства амал айласа,
Солмаса кўз жифаи дунё сари.
Боқмаса туз дунийи фоний сари. [220]

Бу байтлардаги “қатъи амал”. “умид, орзу-ҳаваслар”дан юз ўтириш, иккинчи мисрадаги “шойиства амал”, “ярашиғлик иш”, “жифа” бу “ўлакса”, “туз боқиш”, “кўнгил кўйиш”. Демак, олим киши бекорчи орзу-ҳавасларга берилмаслиги, ўткинчи дунёда мол-давлат йиғишга ортиқча кўнгил бермаслиги керак экан.

Агар олим киши ўзига, кийим-кечагига бино кўйиб, курук, савлатга ортиқча берилса, бундай сохта обрўга интилиш, халқ орасида қаттиқ қораланади.

Эр кишига хилъат ила не шараф.
Дурга не нуқсон йироқ ўлса садаф,
Қайси чибин кисвати заркордур,
Ери дурур қайдаки мурдордур. [221]

Биринчи байтда шоир айтмоқчики, инсонни кийими

шараф келтирмайди, дур ҳам садафни ичида бўлгани учун эмас, дурнинг ўзи қимматбаҳо бўлганлиги учун қадрланади. Тилла пашша кийими заркори бўлса ҳам, аммо ейдиган нарсаси ўлакса, дейди. Бу байтларда рамзий маъно бор: бундай зартўнлар кийиб юрадиган кимсалар, одатда ҳалол меҳнати билан пул топмайди, шунинг учун уларни еган-ичгани ҳаром, деган маъно ётади.

Илм аҳли билан мансаб аҳли ўртасидаги фарқни кўрсатиш учун Навоий кейинги фаслда Имом Фахр Розий билан Султон Ҳусайн Хоразмшоҳ орасидаги ҳаммомда бўлган суҳбатни мисол келтиради.

Хоразмшоҳ ҳаммомда Розий билан учрашиб қолиб: “Сени илмда тенги йўқ, дейишади, айтчи қиёматда нима бўлади?” - деб савол беради. Розий унга жавобан:

Ким санга ким ҳашр сўзи ком эрур,
Бил анга монанд бу ҳаммом эрур.
Анда гадо шоҳ била яксон бўлуб,
Шоҳу гадо барчаси урэн бўлуб.
Йўқ, санга султонлик ила суд кўп,
Лек манга илм ила беҳбуд кўп. [222]

Бу байтларнинг маъноси шуки, у дунёга ҳеч ким бойлигини, мансабини орқалаб кетмайди, худди ҳаммомдагидай шоҳ-у гадо бир хил кетади, сен бор-у йўғингдан айрилсан, менинг эса тўплаган илмим келажак авлодга хизмат қилаверади. Шундай экан мен қолдирган илмий меросдан ким фойдаланса, менга савоби тегаверади, демоқчи.

Худди шунингдек, биз Навоий бобомизнинг авлодлари

ҳам шоир яратиб кетган буюк ҳикматлар маҳзанини ҳар гал ўқиб, ундан баҳра олар эканмиз, Навоий ҳазратлари руҳи ҳамиша шод бўлади. Буюк бобомизнинг бизга сўнги васияти шундай:

Йигитлиғда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилик чоғи харж қил они. [242]

Бунинг маъноси шуки, инсон нафақат илм ўрганиш билан кифояланиши, балки бу илми бошқаларга, келажак авлодга етказишини ҳам унутмаслиги керак.

Фарҳод ишқи

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони кўпгина тадқиқотлар учун манба бўлган. Бу дostonдаги Фарҳод тимсолини В.Зоҳидов, А.Ҳайитметов, С.Эркинов ва бошқалар меҳнаткаш халқ оммасининг яхши фазилатларини ўзида мужассам этган инсон сифатида талқин қилса, баъзи тадқиқотчилар уни тасаввуфий маънода талқин қиладилар.¹

Алишер Навоийнинг бу дostonини ёзишдан асл мақсади нима бўлган? А.Ҳайитметов таъкидлаганидай “Фарҳод образида ўз даврининг илғор ғояларини куйлайди, халқ оммасига хос қатор олижаноб хусусиятларни, идеаллаштиради”² дейилган талқин асосий мақсад бўлганми? Ундай бўлса нега Навоий айнан Чин хоқонининг ўғли шаҳзода Фарҳодни бу тимсолга танлаган? Ривоятларда Фарҳод оддий халқдан чиққан тошкесар, баъзи дostonларда лашкар жангчиси бўлган. Нега Навоий уни оддий тошкесар уста сифатида тасвирламай, шаҳзода сифатида тасвирлайди? Бундан кузатилган мақсад А.Ҳайитметов ва бошқалар айтган “Халқ оммасига хос олижаноб хусусиятлар”ни тасвирлашмиди? У ҳолда нега шоир Фарҳодни халқ оммасидан чиққан қаҳрамон қилиб кўрсатмаган?

А.Қуронов ўз мақоласида³, “Улуғ шоир дostonида Сукрот ҳақим тилидан ҳақ ҳақида “Маҳбуби ҳақиқий

¹ В. Зоҳидов. Мир идей и образов Алишер Навои. Т. ГИХЛ. 1961 г.

Иззат Сулгон. Навоийнинг қалб дафтари. Т. Ф.Ф. наш. 1961 й.

А. Ҳайитметов. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Т. Фан. 1963 й.

С. Эркинов. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. Т. Фан. 1971 й.

² А. Ҳайитметов. Навоийнинг ижодий методи. Т. Фан, 1963. 93 б.

³ А. Қуронов. Фарҳод ва Ширин: эпик тимсоллар талқини. Қ.: Ўзбек ва шарқ халқлари адабиётида эпик анаъна: миллий талқин масалалари. Т. 2014. 92-96 б.

улдурур ул” деб, инсоннинг бу дунёдаги вазифаси ҳақида эса, “Анинг васли сари қатъ айламак йўл” деб уқтирар экан, бошқа воқеа ва тимсоллар қатори, тоғ ва чашма тасвирида ҳам асарнинг бош ғоясига амал қилганлиги кўзга ташланади. Бу тимсоллар аслини олганда сайру сулукнинг мўъжаз ифодасидир. Зеро, кўнгилни дунё меҳри: ўткинчи ҳою ҳаваслардан покламай, ҳақ васлига етиб бўлмаганидек, ғам тоғини кесмасдан туриб ҳам, висол “Айн ул-ҳаёти”нинг абадийлик бахш этувчи зилол сувларига етишиш ҳам мумкин эмас”.

Бу жуда жўн талқин. Чунки “Фарҳод ва Ширин”даги Фарҳоднинг асосий кўзлаган мақсади тоғ қазиб “Айн ул-ҳаёт”га етишиш эмас, балки Шириннинг висолига етишиш.

Ундан ташқари, Навоий дostonда кузатилган асл мақсад “Ишқи ҳақиқий”, яъни тариқат аҳлининг ишқи эмас, балки “Мажозий ишқ” эканлигини шундай баён қилади:

Чу маҳбуби ҳақиқий улдурур ул,
Анинг васли сори қатъ айламак йўл.
Гар ул маҳбуб васли бўлди уммид,
Будур иқболи сармад, бахти жовид.
Вале бу давлатедур асру олий,
Эрур мушқил анга етмак хаёли.
Бу йўл ичраки беҳад дard-у ғамдур,
Узоқ тортар, вале икки қадамдур.
Ким ул икки қадамнинг қатъи минг йил
Киши урса қадам мумкин эмас бил¹.

¹Алишер Навоий., Мукамал асарлар тўплами. 8 т. Т. 1991. 180 б.

Юқоридаги мақола муаллифи бу сатрларни кўриб-кўрмасликка олади. Чунки шоир аниқ қилиб “Ҳақиқий маҳбубга етишув икки қадам бўлса ҳам инсон минг йилда ҳам унга етиша олмайди” дейди.

Шоир асл мақсадни қуйидагича ифодалайди:

Бу ўзликдан қутулмоқ чорасози,
Нима йўқ ўйлаким, ишқи мажозий¹.
Ангаким қолди ғам шомига жовид,
Бурун субҳ ўлди толеъ сўнгра хуршед.
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвор,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар.

Бу сатрларда шоир Фарҳоднинг ишқи “Ишқи ҳақиқий” эмас, балки “Ишқи мажозий” эканлигини, бу ишқнинг манбаи “Шарқ қуёши”, яъни ишроқ фалсафасидаги “Биринчи нур”, яъни “Ҳаққи мутлақ” ва “Мажозий ишқ” ана шу “Бирламчи нур”дан тажаллий (жилоланиш) топишини таъкидлаган. Яъни Фарҳоднинг ишқи ҳақ висолига етишиш йўлидаги сайру сулук – тариқат йўли эмас, балки унинг оламдаги мазҳари – илоҳий нур ҳақиқатига етишишдир. Шоир бу ҳақда айтади:

Бўлиб маъшуқи аслий чорасозинг,
Ҳақиқатга бадал бўлғай мажозинг.
Етиб мазҳарға беҳудлуқ қиёси,
Келиб мазҳарға ишқинг интиҳоси.
Бақо мулкида топкунг қаҳрамонлик,

¹Ш. а. 180 б.

Ҳақиқат тахтида соҳибқиронлик.¹

Яъни мажозий ишқинг ниҳоясида ҳақиқатга эришасан, демоқда.

Фарҳоднинг ишқи – мажозий ишқ. У оллоҳ яратган комил гўзаллик – инсонга кўнгил кўйган. Бу комилликка эришиш учун ўз нафсидан, ўзлигидан кечиш, фоний дунё ноз-у неъмат ва ҳаёт лаззатларидан юз ўгириб, комиллик сари, яъни инсоний хусн-у гўзалликка етишиш учун барча керакли илм-хунарни ўрганеди ва илм-у хунар воситасида олдига кўйган мақсадига эришишда дуч келган тўсиқларни енгиб ўтади.

Фарҳоднинг ғойибона маъшуқи Ширин. Ширин эса шоир айтганидек:

Не маҳваш хусниға ким берди тазйин,
Ани айлаб жаҳон аҳлиға Ширин.²

Яъни Ширин комил гўзаллик тимсоли, бу гўзаллик илоҳий гўзаллик, зеро инсоннинг гўзаллиги ишроқ фалсафасига кўра, илоҳий тажалли. Бошқача қилиб айтганда, Оллоҳ ерда инсонни ўз тимсоли қилиб яратган.

Демак, шоирнинг кўзлаган мақсади бу дунё гўзалликларидан юз ўгириб, тарки дунё қилиб, сайр-у сулук йўли билан илоҳий ҳақиқатга эришиш эмас, балки унинг ердаги мазҳари – инсонга ишқдир. Навоий дoston бошида бу фикрни шундай баён қилади:

¹Ш. а. 1826.

²Ш. к. 11 б.

Ки инсон кўнглин этти гулшани ишқ,
Бу гулшаннинг ҳаримин махзани ишқ.
Не махзан, ҳар дурри шамъи фароғи,
Не дур, не шамъ, дурри шабчароғи.
Ва лекин ҳусн ўтин айлаб жаҳонсўз,
Буларни андин этти оламафрўз.

Бу сатрларда инсоннинг қалбига ишқ гулшани солингани ва бу гулшаннинг қаърида, яъни пинҳон хонасида ишқ ганжинасини яширганини, аммо ҳусн ўти борлиқ жаҳонини куйдириб, олам аҳлини бу ишқ билан аржуманд қилганини таърифламоқда.

Демак, ҳусн комиллик мазҳари, ишқ эса мана шу комиллик сари йўл.

Фарҳод мана шу маънавий камолот сари интилган шахс тимсоли.

Достонда Фарҳод хоқоннинг ўғли. Хоқон уни ўзига валиаҳд қилиб, ўз ўрнига хоқон қилиб қолдириш ниятида.

Шоирнинг нима учун айнан Фарҳодни – хоқоннинг ўғлини бош қаҳрамон қилиб танлаганининг сирини достон давомида очилади.

Бунда бир рамзий маъно бор. Тақдир уни шахзода қилиб яратди. Унинг ҳаёт йўли шу белгиланган тартибда кечиши керак. У отасининг ўрнига тахт-у тожни эгаллайди. Бутун Хитой мулки ва унга қарам ерларга ҳукумронлик қилиши унинг оддий ҳаёт тарзини ташкил қилиши керак. Лекин у тақдир белгилаган бу ҳаёт тарздан воз кечади? Нега у тақдир унга тайёрлаган ноз-неъмат, битмас-туганмас моддий бойлик, роҳат-фароғатда яшайдан бош тортади?

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай,
Йўқ эрса назм қилгонни халойиқ.
Муқаррар айламак сендан не лойиқ¹.

Шоир ўтмиш аждодларнинг назмида тасвирланган Фарҳод тимсолини яна такрорлаш ниятидан йироқ. Шоир Фарҳод тимсолини янгидан, ўзи назарда тутган ғоя асосида тасвирлаш ниятида. Шоир ўйлаган янгилик нимаиди?

Назаримизда, Фарҳоднинг шаҳзода кўринишида тасвирланишида бир рамзий маъно бор. Фарҳод моддий бойлик билан тўла таъминланган бир шахс. У ўзининг моддий эҳтиёжини қондириш учун, на бойликка, на билимга, на куч-қудратга, на меҳнат-машаққатга муҳтож эмас. Фарҳодни меҳнаткашлар аҳлининг тимсоли дейиш ўринсиз. У олий табақа киборлар доирасининг вакили.

У ҳолда шоирнинг Фарҳод тимсолини яратишдан кўзлаган мақсади нимаиди? У бошқалардан айриқча нима янгилик киритмоқчи бўлган?

Фарҳод бу асарда маънавий бойликка муҳтож:

Ўқиб ўтмак, уқиб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа бори.
Кўриб чун ишқу ошиқлик мақолин,
Тоғиб ошуфта маҳзун кўнгли ҳолин.
Анинг шарҳини такрор айлабон кўп,
Ўқурда нолаи зор айлабон кўп.
Бўлуб ошиқ ғами шарҳида ғамнок,

¹Ш. к. 44 б.

Яқо чокин ўқуб айлаб яқо чок.
Ким этса дарддин оз-оз ривоят,
Қилиб ул дард анга кўп-кўп сироят¹.

Бу сатрларнинг мазмуни шуки, Фарҳод юксак истеъдод эгаси, у бир ўқиган нарсасини бир умрга эслаб қолади. Лекин унинг дилида бир дард ётади. Бу дард ишқ дарди. Бу ишқ оддий бир эр йигитнинг аёл жинсига ишқи эмас. Буни шоир шундай баён қилади:

Тугангач равзадек ҳар байти маъмур,
Кераклик бўлса ғилмон анда ё хур.
Хитову Чинда танлаб нозанинлар,
Бори ғилмонвашу ҳаврожабинлар.
Бу жаннатларга қилғайлар хиромон,
Нечукким равза ичра ҳуру ғилмон.²

Бу сатрлардан маълум бўладики, агар Фарҳоднинг ишқи фақат бошқа бир жинсдаги инсонга бўлганида, унга “Ҳуру ғилмонлар” хизматига тайёр эди. Унда Фарҳоднинг ишқи қандай ишқ эди? Унинг ишқи ижод ишқи, яратувчилик ишқи, илоҳий гўзаллик ишқи эди, назаримизда.

Шоир ўзининг ижод ва яратувчанликка бўлган ишқини шундай таърифлайди:

“Яна боис буқим, ишқи балошўр.
Бир ўтдин айлаб эрди жонима зўр.
Тилим худ бор анинг таърифида лол,

¹Ш. к. 70 б.

²Ш. к. 77 б.

Қилай хомам тилидин шарҳи аҳвол.
Ҳазин жонимда бор эди балое,
Балолиғ ишқ ила ҳар ён ҳавое.
Биров ишқи солиб жонимға андуҳ,
Машаққат топи юклуб кўҳ то кўҳ”.

Бу ерда шоир “Фарҳод ва Ширин” достонини яратиб шавқидаги ўз аҳволини таърифламоқда. Демак, бу ишқ, жўн маънодаги ишқ эмас, бу ишқни шоир “Биров ишқи” деб атайди. Бу ишқ ижод ишқи ҳам эди.

Демак, Фарҳоднинг ишқи ҳам бир ғойибона гўзал ишқи, бу гўзаллик эса Ширин тимсолидаги Оллоҳ яратган мавжудотлар сартожи – инсон ишқи эди.

Фарҳоднинг кўнглидаги бу азалий ишқдан қайтариш учун хоқон тўрт фаслга мослаб тўрт қаср қурдиришни ва унда барча айш-ишрат ва маишат анжомларини муҳайё қилишини буюради.

Бу тўртта қасрнинг мажозий маъноси инсон умрининг тўрт фасли, яъни болалик, йигитлик, ўрта ёшлик ва қариликни ифодалайди. Инсон агар фақат маишат билан яшаса, гўё умри зиндонда кечгандай қасрнинг тўрт девори ичида ҳеч бир нарсага эришмай бу дунёдан ўтади. Фарҳоднинг отаси аслида бу тадбирни яхши ниятда қилади, яъни Фарҳодга бир умрлик айш-ишрат ва маишат воситасини муҳайё қилиш мақсадида амалга оширади.

Фарҳоднинг тақдирида ўзгача ҳаёт тарзи битилган эди. Шунинг учун у отаси қурдирган тўрт қасрнинг асири бўлиб қолмади. Балки, у тошкесар Қорандан метинга сув бериш сирларини, Монийдан нақш солиш хунарини эгаллади:

Қаю суратки Моний қилди тимсол,
Анга Фарҳод очти чехра филҳол.
Ул эвларга тугангунча ичу тош,
Ҳам ўлди хорабур ҳам бўлди наққош.
Буларни қўйки, ҳар устоди моҳир.
Ки қилди санъатин ул эвда зоҳир,
Чу ҳарён майли бир дам зоҳир ўлди,
Ул ишда устоди моҳир ўлди.¹

Яъни, Фарҳод наққошлиқда Монийдек, тош кесишда Қорандек, яна ҳар бир устанинг ишига майли бўлса бу хунарда моҳир уста бўлиб етишди. Ҳар бир шаҳзода ўз ихтиёри билан хунар ўрганишга бел боғламаган, балки бундай машаққатли оғир меҳнатни қора халқ бажариши керак деб ҳисобланган. Аслзодалар эса нари борса бирозгина илм олиб, жанг санъатини ўрганиши одат бўлган.

Фарҳоднинг ҳам илмда, ҳам санъатда ва ҳам жанг-у жадал қилишда моҳир уста бўлиб етишишида рамзий маъно яширин эди.

Фарҳод ўша даврнинг комил инсон тимсоли эди. Шоир назарида *комил инсон ҳар қандай ҳаёт синовларини енгиб ўтишга ва ҳар қанақа хавф-хатарларни бартараф қилишга қодир куч-қудратли, билимли, ўзгалар дарди билан яшайдиган инсон бўлиши керак эди.*

Бу комил инсон ҳаёт ҳақиқатини очишга ва бу ҳақиқатдан инсониятни баҳраманд қилишга ва инсоният бошига тушган ғам-алам ва кулфатлардан нажот беришга яратилган эди. Шунинг учун отаси унга ўзининг қариб қолганлигини, энди

¹Ш. а. 91 б.

Фарход тахт-у тожга эгалик қилиши кераклигини айтганда, у бу таклифни қабул қилмайди. Отаси унинг “ҳали бир муддат иш ўрганишим керак” деган жўяли жавобидан хурсанд бўлиб, унга ўзининг хазинасидан муносиб совға билан тақдирламоқчи бўлади.

Хазинада Фарход бир биллур сандуққа дуч келади. Бу биллур сандуқ сирлар сандуғи эди. Отаси Фарходни бу сирлардан воқиф бўлиб қолмаслиги учун қанчалик қаршилиқ кўрсатмасин, ўғил кўнмайди. Отаси уни олдинда турган машаққатли ҳаётдан асрамоқчи бўлади ва дейди:

Ки бу сандуқ сиррин кимса билмас,
Калиди йўқтурур, қулфи очилмас...
Эшитгач шоҳ узрин шаҳзода,
Ҳавас савдосини қилди зиёда.
Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манга то бўлди мадҳал,
Топилмас мушкиле мен қилмағон ҳал¹.

Фарход тақдир унга тайёрлаган ҳар қандай синовларга ва мушкил-машаққатларга тайёр эди. Шунинг учун сандуқни очтириб, Искандар ойнасини топади. Бу ойна мажозий маънода *тақдир ойнаси* эди. Бу ойнани ким қўлга олса ғайб сирридан огоҳ бўларди.

Ки тенгри айламиш кўрмакни рўзий,
Қазо бошига келтурмакни рўзий.

¹Ш. а. 122 б.

Бўлур бу кўзгу ичра жилваоро,
Қилурға ғайб сиррин ошкоро¹.

Ғайб сирри бу инсоннинг тақдири. Инсон олдига қўйган мақсадига етишиш учун бошига не иш тушса ҳаммасини кўришга, кўрибгина қолмай тафаккур билан уларни ҳал қилишга қодир бўлмоғи керак.

Шу маънода ойнада ёзилган Юнонга сафар ва йўлда йўлчини кутиб турган хавф-хатар ва йўл ниҳоясида Сукроти донони топиш, бу инсоният олдидаги ҳақиқатга етишиш учун курашларнинг рамзий ифодасидир.

Фарҳод бу учта тўсиқни енгиб ўтади ва ниҳоят Сукрот билан учрашиб, у ўргатган йўл билан *жоми жаҳаннамо*, яъни *ҳақиқат кўзгусини* топади. Фарҳод кўзгуга қараб ўзи изланган маҳбубасини кўради.

Яқинроқ келтуруб кўзгу жамолин,
Назора қилди ул маҳрў жамолин.
Чекиб Фарҳод ўз тимсоли янглиғ,
Йиқилди жисми жондин холи янглиғ².

Фарҳоднинг умр сармояси ишқ эди. Орзу-армонлари ниҳояси ишқ эди. Бу ишқнинг тимсоли Шириң, яъни инсон эди. Бу инсонда Фарҳод излаган армоний ҳусну - жамол мужассам эди.

Фарҳод ўзлигидан кечиб, фақат маҳбубасининг барча истакларини бажо келтирибгина унинг висолига етишуви мумкин эди.

¹Ш. а. 124 б.

²Ш. а. 189 б.

Фарҳод денгиздаги ҳаёт-мамот курашидан ғолиб чиқиб, кўзгуда кўрган манзил-маконига етиб келади.

Бу ерда бир гуруҳ ожиз ва забун, билим-хунарсиз одамлар ариқ қазиш билан овора. Уч йилда уч юз қари (қулоч) зўрғадан қазишган, у ҳам чала-ярим.

Фарҳод улардан фарқли ўлароқ хунарли, билимли, ўз ишининг устаси. У бу хор-у зор кишиларнинг аҳволини кўриб, бу ситамкашларнинг азоб-уқубатларига қуюнади ва:

Хунарни сақлабон неткумдур ахир,
Олиб тупроққаму кеткумдур ахир?!

деб ишга киришади.

Бир қарашда Шириннинг истаги бу нотавон, жабрдий-даларга зулмдай кўринади. Лекин бу истакда қандайдир рамзий маъно яширин. Ширин “Айн ул-ҳаёт”, яъни “Ҳаёт булоғи”ни “Баҳр ун-нажот”, яъни “Нажот денгизи”га ариқ қазиб келтирмоқчи бўлади. Демак, бу ўша юртда яшовчи аҳолининг нажот йўли, агар шу сув етиб борса, улар сувсизликдан нажот топишади.

Ишчиларнинг бу ишни амалга оширишдаги нотавонлиги хунарсизликдан! Чунки, Фарҳод улар уч йилда қилолмаган ишини бир кунда битириб тез кунда “Айн ул-ҳаёт”ни “Баҳр ун-нажот”га келтиради ва бу ҳовуз олдида осмонўпар қаср қуради.

Шу билан Фарҳод ўз ғайбий ишқининг тимсоли бўлган Ширин висолига етишади.

Аmmo улар ишқининг қанчалар мустаҳкам эканлигини яна бир тақдир синови кутиб турарди. Бу орада пайдо

бўлган Хусрав Парвизнинг Шириннинг жамолига таъмагир бўлиб, унга элчилар юбориши эди.

Фарҳод ва Ширин ўз аҳд-у вафосига содиқ инсонлар эди. Уларнинг ишқига ҳеч бир куч, ҳаттоки подшоҳ ҳам халал етказолмасди. Фарҳод ишқининг қудрати унинг Хусрав Парвиз билан баҳсида маълум бўлади:

Деди: кишвар берай кеч бу ҳавасдан,

Деди: бечора кеч бу мултамасдан.

Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм эткум,

Деди: ишқида мақсудимга етгум.

Хусрав Фарҳодга ишқингдан кечсанг бир мамлакат подшоҳлигини берай, деса Фарҳод бу илтимосингни қўй, деяпти. Хусрав агар ишқингдан кечмасанг қатл этаман деса, Фарҳод мақсадимга етаман, дейди.

Фарҳод ишқ йўлида бутунлай ўзлигидан кечган, шунинг учун ўлимига ҳам тайёр.

Зотан, Ширин ҳам Фарҳод ишқи йўлида ўзини қурбон қилишга тайёр ва Фарҳод ўлимидан кейин у ҳам ўз жонидан кечади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, “Фарҳод ва Ширин” достони мажозий ишқ достони. Шоир дoston охирида бу мажозий ишқ ҳақиқий ишққа айланганини шундай таърифлайди:

Вужудин ўртаб оташнок ишқи,

Солиб ўт олам ичра пок ишқи.

Кечиб аввал диёру хонумондин,

Вале сўнгра жаҳондин, балки жондин.

Ўтар дам уйла фоний бўлди мутлак,
Ким ул ишқини боқий айлади ҳақ.
Вужудин ўртаб ул сўзу гудози
Ҳақиқатқа бадал бўлди мажози.

Яъни инсон пок ният, пок кўнгил билан ўзлигидан, “диёр-у хонумонидан” кечиб, ўз маҳбубига етиш йўлида бутун умр саъйи ҳаракат қилса, бу мажозий ишқ Оллоҳ инсонларни ўз тимсоли этиб ерда яратган азалда унинг кўнглига солган мусаффо, пок илоҳий ишққа айланади, демоқчи.

Алишер Навоий ўз халқи, ўз тилини ва ўзининг инсоният саодати йўлидаги орзу – армонларини дунё аҳлига манзур қилиш ишқида ўзлигидан, ўз ҳузур-ҳаловатидан, бахт-саодатидан кечиб, бутун умрини фақат ижодга ва хайрли ишларга бағишлади. Унинг ўз миллатига ва миллатини маърифат сари, жаҳоний тамаддуннинг юксак чўққиларига кўтариш мақсадида бутун умрини бағишлаб, туркий халқлар учун абадий маънавий манба бўлиб қоладиган асарларини яратишдаги мажозий ишқи ҳақиқий ишқ – Оллоҳ ердаги жонзотлардан фақат инсонларга иноят қилган инсониятнинг ўз ҳамнавига ишқи эди. Аҳли башар мана шу Алишер Навоий тараннум этган буюк ҳақиқатни – инсониятнинг ҳалокатдан нажот берувчи ягона куч уларнинг бир-бирига бўлган пок ишқи эканлигини англаб етса ва шунга амал қилсагина нажот топади.

“Фарҳод ва Ширин”да “Ширин” тимсоли

“Ширин” сўзи “Фарҳод ва Ширин” достонида 65 марта ишлатилган бўлиб, икки маънода ишлатилади. “Ширин” форсча бўлиб, “шир” – “сут” сўзига “in” кўшимчаси қўшилиб, “ширин”, яъни “сутли” сўзини ясаган. Лекин “ширин” ўзининг генетик маъносидан бошқача маънолар касб қилиб, 1) қанд, шакар, новвот қўшилган ҳар қандай егулик ва ичқулик; 2) ҳар қандай ёқимли, кўнгилга яқин, латиф нарса; 3) тугал, мукамал ва бошқа маъноларни касб қилган.

Достонда “Ширин” қаҳрамон номи, шунингдек ўз луғавий маъносида ишлатилган.

Бу таҳлилдан мақсад “Ширин” тимсолининг шоир таърифидаги маънавий ва ташқи гўзаллигини, шунингдек луғавий маъноларини очиб беришдир.

2/39 Не маҳваш ҳуснига ким берди тазйин,
Ани айлаб жаҳон аҳлига Ширин.

Байт мазмуни: “Қайси гўзал ҳуснига оро берса уни жаҳон аҳлига Ширин айлади”.

Бу байтда шоир эйҳом санъатини ишлатиб “ширин”нинг икки маъносига ишора қилган.

Биринчи маъноси: қайси гўзал ҳуснига (Оллоҳ) оро берган бўлса, уни ошиқларга маҳбуб қилди.

Иккинчи маъноси: гўзалларни жаҳон аҳли кўнгилга яқин, севимли қилди.

Биринчи маъносида Фарҳоднинг Ширинга бўлган ишқига ишора бор, иккинчисида умуман гўзал жонзот борки, жаҳон аҳли севгисига сазовор маънолари жо бўлган.

2/47 Ўқуш Фарҳоду Ширин айласанг жамъ,
Шабистонида бир парвонаю шамъ.

Байт мазмуни: “Фарҳод ва Ширинларнинг кўписини жамласанг, ётоқхонасидаги бир парвона ва шамнинг ўзи”.

Бу байтда Фарҳод парвонага ва Ширин шамга тапбих қилинган, яъни парвона шам ишқи оловида куяди, шам эса ишқ дардида куйиб адо бўлади.

7/32 Каломин ул гуҳардек айла рангин,
Ҳадисин ул шакардек айла Ширин.

Байт мазмуни: “(Навоий) сўзини ул гуҳардек (Жомий каломидек) рангбаранг қил, гапларини ул шакардек (Жомий сўзларидек) ширин (ёқимли) қил”. Бу байтлар Жомий мадҳида ёзилган, шоир ўз шеърларини Жомийнинг шеъридек ёқимли, ширин бўлишини тиламоқда.

Бу байтдаги “ширин” сўзининг асар қаҳрамонига алоқаси йўқдай, аммо бу байтда эйҳом санъати бор.

8/72 Ҳазин Фарҳод шуғлин айла ширин,
Ки топқойсен нигоре ўйла Ширин.

8/73 Ки ул Ширинга бу ёндошса бир дам,
Анинг ширинлиғидан келмагай кам.

Байтлар мазмуни: “Ғамгин Фарҳод ҳақидаги (Навоийнинг) ишларини “ширин” (ёқимли) қилгин, шунда Ширинга ўхшаган гўзал (асар) топасан.

Агар ул (Фарҳоднинг) Ширинига бу “ширин” (асар) ёндошса, (Фарҳоднинг) Ширинидан (гўзаллик, севимлиликда) кам келмагай”.

Бу байтда “Ширин” гўзаллик тимсоли, дoston эса гўзаллик тимсоли бўлган Шириндай гўзал ва севимли бўлиш “ширин” сўзи орқали сўз ўйини қилинган.

17/61 Айоқчилик этиб ҳар сори оин,
Ачиғ май тутқали бир сабзи ширин.

Байт мазмуни: “(Яшил) рангли қасрда яшил ранг кийимли (гўзаллар) аёқчи (соқий)лик қилиб, аччиқ май тутарди”.

Бу байтда “сабзи ширин” бирикмаси “яшил либосли гўзал қиз” маъносини ифодалаган.

23/69 Қалам айлаб анингдек чуст у ширин,
Ки айтиб девбанди чарх таҳсин.

Байт мазмуни: “(Аҳриман) гурзисини чаққон ва бошлаб қилич билан чопди, (Фарҳодга) фалак девни боғловчиси таҳсин айтди”.

Бу байтда “ширин” сўзи мажозий маънода “чиройли ҳолатда, бошлаб” маъносида қўлланган.

Дostonда “Ширин” тимсоли бир қатор мутародиф сўзлар билан ифодаланган бўлиб, бу асар бош

қахрамонининг турли хислат ва фазилатларини ўзида жо
этган.

31/120 Не англайким қаю маҳрў экансен.

Ичим қон айлаган сенму экансен?

Бу байтда Шириннинг чеҳраси “маҳрў” ойма
ўхшатишган.

31/128 Чу Фарҳод ул пари эканни билди,

Чекиб ўтлуқ фиғон андоқ йиқилди.

Бу байтда Шириннинг гўзаллиги париларга ўхшатишган.

31/144 Дебон Шопур бу янглиғ фасона,

Суманбар айлабон ашқин равон.

Бу байтда “суманбар” сўзи Ширин таърифида бўлиб,
“бадани ёсуман рангли”, яъни “оқ-сарик рангли” маъносини
ифодалаган.

32/9 Вале ёдиға бу келдиким ул ой,

Дема ой, офтоби оламорой.

Бу байтда Шириннинг ташқи гўзаллиги ойма, “оламини
безаган офтоб”га ташбиҳ қилинган.

32/13 Тафаррус қилдики меҳри дилоро,

Анинг ҳолиға қилғондур мадоро.

Бу байтда Ширин “меҳри дилоро”, яъни “дилни ёритувчи куёш”га ўхшатилган.

32/18 Ўзи бирла дебонки, ул паричеҳр,
Мени мажнунга мунча кўргўзуб меҳр.

Бу байтда Ширин “паричеҳр”, яъни “чеҳраси паридек” деб таърифланган.

32/44 Тегиб ҳижрон ўқи маҳвашқа кори
Илиқдин кўрди борур ихтиёри.

Бу байтда Ширин “маҳваш”, яъни “ойга ўхшаш” тимсолида ифодаланган.

32/51 Меҳинбону ул ой жаҳду шитобин,
Чу кўрди фаҳм қилди изтиробин.

Бу байтда “ой” сўзи кўчма маънода Ширинни, яъни ойдай гўзал ьмавжудотни ифодалаган.

32/69 Десақим бормайин гулчеҳри зебо,
Бўла олмай ҳазин кўнгли шекибо.

Бу байтда Ширин кўчма маънода “гулчеҳри зебо”, яъни “гул чеҳрали гўзал” деб ифодаланган.

33/59 Чекиб ул сарви гулрух тахту жоҳин,
Бу тахт узра ҳамул ҳусн аҳли шоҳин.

Бу байтда Ширин тимсоли “сарв гулрух” ва “хусн аҳли шоҳи” бирикмалари билан ифодаланган. “Сарви гулрух”нинг маъноси “қадди қомати сарв дарахтидай адл, гул юзли”дир. “Хусн аҳли шоҳи” эса “гўзаллар подшоҳи” маъносини англатади.

33/62 Чекиб юз минг бу янглиғ турфа тимсол,
Ўзин ул шўх ўтрисида беҳол.

Байт мазмуни: “(Фарҳод) бунга ўхшаган юз минг ҳар хил тимсол чизиб, ўзини у шўх (Ширин) қаршисида беҳол кўрсатгани”.

Бу байтда Шириннинг маънавий олами “шўх” сўз билан ифодаланган. Одатда классик адабиётда маҳбублар “шўх” деб тасвирланади, гарчи Ширин хулқ-атворида шўхлик хислати кузатилмаса ҳам.

33/63 Қаю мавзудаки ул моҳпора,
Мунунг шакли қилиб беҳуд назора.

Байт мазмуни: “У моҳпора (Ширин) қайси мавзуда чизилмасин, бунинг (Фарҳод) шакли эс-хушидан айрилган ҳолатда кузатарди”.

Бу байтда Ширин “моҳпора”, яъни “ой парчаси” деб ифодаланган.

33/67 Чекарда ул жамоли гетиорой,
Гаҳи они чекиб, гаҳи чекиб вой.

Байт мазмуни: “Ўша жамоли гетиорой (Ширин) тимсолини чизганида гоҳи чизиб, гоҳи оҳ чекарди”. Бу байтдаги Ширин “жамоли гетиорой”, яъни “оламни безовчи жамол эгаси” деб тасвирланган.

33/81 Тушуб дилбар хаёли жони ичра,
Солиб ўт хотири вайрони ичра.

Бу байтда Ширин тимсоли “дилбар” шаклида ифодаланган.

33/97 Замоне тинмоғин қилди баҳона,
Ки етгайму ул ошуби замона.

Бу байтда Ширин “ошуби замона” яъни “замонани алғов-далғов қилувчи” тимсолида келган.

34/9 Санам худ тинмайин сўзи ниҳондин,
Тутар эрди хабар ҳар лаҳза ондин.

Бу байтда Ширин тимсоли “санам” сўзида ифодаланган. “Санам”нинг луғавий маъноси “тош ҳайкал, бут”, мажозий маъноси “махбуба”.

34/13 Чу чиқти елга гулбарги тарийдек,
Фалак рахшиға меҳри ховарийдек.

Байт мазмуни: “(Ширин) гулбарги тарийга ўхшаб шабадага, меҳри ховарийдек рахш (Рустамнинг оти) чиқди”.

Бу байтда Шириин “гулбарги тарий”, яъни “тароватли гулбарги”га ва “меҳри ховарий”, яъни “шарқдан чиққан куёш”га ташбих қилинган.

34/14 Киши Бонуга чоптурди шитобон,
Ки қилди сайр азми меҳри тобон.

Бу байтда Шириин “меҳри тобон”, яъни “чарақлаб порлаган куёш”га ўхшатишган.

34/20 Ки ушбу сарзаминни равшан этгай,
Ариғни сарву гулдек маскан этгай.

Бу байтда Шириин “сарву гул”, яъни “қомати сарвдек расо ва гулдек гўзал”га ўхшатишган.

34/34 Ҳамоно хўблар султонинингдур,
Жамол авжи маҳи тобонинингдур.

Бу байтда Шириин тимсоли “хўблар султони”, яъни “энг чиройли султони”, “маҳи тобон”, яъни “порлаб нур сочган ой”га ташбих қилинган.

34/41 Сени девоналиғ гар қилса мағлуб,
Пари пайкар бўлур эл ичра маҳжуб.

Бу байтда Шириин “пари пайкар”, яъни “пари келбатли” тимсолига ташбих қилинган.

34/43 Ўзингни ҳам мени ранжурни ҳам
Паришон айлама ул хурни ҳам.

Бу байтда Ширин тимсоли “хур”га ўхшатишган

34/55 Таковар узра раъно қадду андом,
Балолар сочиб, офатлар қилиб ом.

Байт мазмуни: “От устида раъно қадду андом (Ширин) атрофидагиларга балолар бошига солиб, барчага офат келтирарди”.

Бу байтда Ширин “раъно қадду андом”, яъни “қадди қомати расо раъно гули”га ўхшатишган.

34/59 Бу офатким буён солмиш гузарни,
Тушардин ул тараф асра назарни.

Байт мазмуни: “Бу офат (Ширин) буёққа йўл олгач, уёққа қарашдан (Фарҳод) ўзингни сақла”.

Бу байтда Ширин “офат”, яъни мумтоз шеърятда гўзалларни эркалаб “офатихон” атаб, ”офат келтирувчи гўзал” тимсолга ўхшатишган.

34/62 Алиб метин сув очмоқ этти бунёд,
Етишти ул сори хури паризод.

Бу байтда Ширин тимсоли “хури паризод”, яъни “парилардан дунёга келган хур”га ташбих қилинган.

34/64 Ошиб ҳар ишда ҳайрат нозанинга,
Бўлуб қойил пайопай офаринга.

Байт мазмуни: “(Фарҳоднинг) ҳар бир ишидан нозаниннинг (Ширин) ҳайрати ошиб, кетма-кет офарин айтарди”.

Бу байтда Ширин тимсоли “нозанин”, яъни “нозли”га ўхшатишган.

34/78 Насимеким юки сийм ўлғай охир,
Таҳаррукда анга бийм ўлғай охир.

Байт мазмуни: “Устига сийм (кумуш) ортилган шабаданинг кўзголиши қийин бўлади”.

Бу байтда “от” “шабада”га, устидаги отлик Ширин “кумуш”га, яъни оппоқ либосли фариштага ўхшатишган.

34/83 Кўтарди орқасиға бодпони,
Нечукким бодпо ул дилрабони.

Байт мазмуни: “(Фарҳод) елкасида отни, худди от дилрабо (Ширин)ни кўтаргандек кўтарди”.

Бу байтда Ширин тимсоли “дилрабо”, яъни “дил оромини ўғирловчи” шаклида тасвирланган.

34/88 Қадамни қўйди қаср айвони сари,
Саломат рахши бирла шаҳсувори.

Байт мазмуни: “(Фарҳод) шаҳсувори билан рахшини саломат қаср айвонига қўйди”.

Бу байтда Ширин тимсоли “шаҳсувор” яъни “эпчил ва довюрак отлик шоҳ” отини эса “рахш” Рустамнинг тулпорига ўхшатишган.

34/89 Туруб айвонда солим чун эгиб қад,
Ҳамул турғон су бирла сарви гулҳад.

Байт мазмуни: “Сарви гулҳад” (Ширин) Фарҳод
юзланган тарафга қараб соғ-саломат турарди”.

Бу байтда Ширин тимсоли “сарви гулҳад”, яъни
“яноқлари гулдай қизил сарв қоматли”га ташбиҳ қилинган.

35/3 Меҳинбону била Ширин ғамкаш,
Бўлуб ул мушқил иш итмомидин хаш.

Бу байтда Ширин тимсоли “ғамкаш”, яъни “ғам
чекувчи” шаклида намоён бўлади.

35/6 Валеқ ул ой узорин оҳ тоби,
Назарда қилмиш эрди моҳтобий.

Бу байтда Ширин “ой”га ва унинг юзи “моҳтобий”, яъни
“ранги ғам-ғуссадан оқарган ой юзига” ўхшатишган.

35/9 Вале топмас эрди бу ишга чора,
Ки ёндошқай булуру санги хора.

Байт мазмуни: “Лекин (Меҳинбону) бу биллур (Ширин)
ва “санги хора” (харсанг тош) (Фарҳод)ни қандай
яқинлаштириш чорасини топмас эди”.

Бу байтда Ширин “биллур”, яъни “қимматбаҳо биллур
пиша”га ўхшатишган.

35/21 Бу сўздин лоларух гулдек очилди,
Ружуин ҳам онинг ройига қилди.

Байт мазмуни: “Лоларух (Ширин) бу сўздан гулдек очилиб, (Фарҳод)ни қайтаришга мойиллик билдирди”.

Бу байтда Ширин тимсоли “лоларух”, яъни “лола юзли” шаклида тасвирланган.

35/112 Дедиким, хўблар шоҳиға айтинг,
Малоҳат авжининг моҳиға айтинг.

Бу байтда Ширин “хўблар шоҳи”, яъни “гўзаллар шоҳи” ва “малоҳат авжининг моҳи”, яъни “малоҳат авж нуқтасидаги ой” деб таърифланган.

35/119 Қилиб Фарҳод метини киби тез,
Бўлуб ул хорарез, аммо бу хунрез.

Бу байтда Ширин “хунрез”, яъни “ошиқлар қонини тўқувчи” шаклида таърифланади.

35/134 Қуёш чун тутти ой ёнида манзил,
Ҳам ўз ўрнида манзил тутти бедил.

Байт мазмуни: “Қуёш (Ширин) ой (Меҳинбону) ёнида жой олгач, бедил (Фарҳод) ўз ўрнига ўтирди”.

Бу байтда Ширин “қуёш”га ўхшатиш.

35/150 Сумурди уйла шамшоди қасабпўш,
Ки мундин олди онинг ичкани ҳуш.

Бу байтда Ширин тимсоли “шамшоди қасабпӯш”, яъни “юпка ипак кийимли, шамшод дарахтидай адл қоматли” шаклида ифодаланган.

52/27 Чиқиб ул тахт уза Фарҳоду Ширин,
Нечукким гулшан ичра сарву насрин.

Бу байтда Фарҳод “сарв”га Ширин “насрин” гулига, яъни насрин гулидай гўзал бир жонзотга ташбиҳ қилинган.

52/47 Яна Ширин киби маъшуқи чолок,
Анинг ҳижронида Бонуйи ғамнок.

Бу байтда Ширин “маъшуқи чолок” яъни “зийрак маъшуқ” тимсолида тасвирланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ширин тимсоли “Фарҳод ва Ширин” достонида унинг маънавий ва тапқи гўзаллиги “*порлаган шамъ*”, “*гўзал*”, “*яшил либосли гўзал*”, “*маҳрӯ*”, “*пари*”, “*суманбар*”, “*офтоби оламорой*”, “*меҳри дилоро*”, “*паричеҳр*”, “*маҳваши*”, “*ой*”, “*гулчеҳри зебо*”, “*сарви гулрух*”, “*шӯх*”, “*моҳпора*”, “*жамоли гетиорой*”, “*дилбар*”, “*ошуби замон*”, “*санам*”, “*гулбарги тарий*”, “*меҳри тобон*”, “*сарву гул*”, “*хўблар султони*”, “*маҳи тобон*”, “*пари пайкар*”, “*ҳур*”, “*раъно қадду андом*”, “*офат*”, “*ҳури паризод*”, “*нозанин*”, “*сийм*”, “*дилрабо*”, “*шаҳсувор*”, “*сарви гулҳад*”, “*ғамкаш*”, “*моҳтобий*”, “*биллур*”, “*лоларух*”, “*хўблар шоҳи*”, “*хунрез*”, “*қуёи*”, “*шамшоди қасабпӯш*”, “*насрин*”, “*маъшуқи чолок*” жами 44 сифатларда мужассам бўлган.

Бу сифатлар бир томондан Шириннинг гўзалликда тенгсиз жонзотлигини ва инсоннинг қанчалар комил мавжудот қилиб яратилганини ифодаласа, иккинчи томондан Алишер Навоийнинг шоир сифатида тасвир маҳорати нечоғлик юксаклигини ва сўз бойлиги қанчалар теранлигини кўрсатади.

“Фарход ва Ширин” достонида “эл” тимсоли

“Фарход ва Ширин” достонида “эл” тимсоли 175 марта ва унга маънодош бўлган “хайл” 129 марта, “улус” 50 марта, “халқ” 25, “халойиқ” 22, “бани одам” 3, “раъият” 1 марта, “раъоё” 1 марта ишлатилган. Бу тимсоллардан энг кўп ишлатилгани “эл” туркий сўз бўлиб¹, “1) дўст, ёр, йўлдош; 2) ром, мутеъ; 3) тоифа, қабила” маъноларини ифодалайди. “Улус”² сўзи мўғулча бўлиб, классик туркий тилига ўзлашган ва: “1) тоифа, қабила, жамоат” маъноларини ифодалайди. “Хайл” атамаси арабча бўлиб: “1) отлар суруви; 2) отлиқлар гуруҳи; 3) лашкар, қўшин; 4) пайрав, мурид; 5) қабила, тоифа” маъноларида ишлатилган. “Халқ”, “халойиқ” атамалари арабча бирлик ва кўшликда бўлиб: “1) яратмиш; 2) яратилган; 3) инсон, одамлар” маъносини ифодалайди. “Бани одам” арабча бўлиб: “одам боласи”, “одам авлоди” маъносини ифодалайди. “Раъият” атамаси: “1) кишилар оммаси; 2) экин экувчи деҳқонлар; 3) подшоҳ тобелари, бир мамлакат аҳолиси” маъноларини англатади. “Раъоё” эса унинг кўшлик шаклидир.

Яна бу тимсолларга маънодош арабча “жамъият”: “1) гуруҳ; 2) кишилар йиғини; 3) бир қишлоқ, шаҳар, вилоят, мамлакат яшовчилари” маъносида ва арабий “жамоат” – “гуруҳ, тўда” маъносидаги сўзлар ҳам достонда ишлатилган. Достонда 1 марта “омма” сўзи учрайди. Бу арабча сўз бўлиб, “халқларнинг ҳаммаси, қора халқ” маъноларини англатади.

¹Muin M. Farhang-e farsi. T. 1992.

²Шу манба.

Махмуд Кошғарийнинг “Девони луғот ит-турк”¹ сўзлигида “улус” сўзи учрамайди. “Эл” сўзи куйидаги маъноларда талқин қилинган: “1) él ایل – вилоят; 2) él ایل – остона, бўсаға; 3) él ایل – от; él bāši – сайис; 4) икки бек ўртасидаги ярашув, битим”.

Шундан маълум бўладики, ўн биринчи асргача él (эл) сўзининг “аҳоли”, “жамият”, “бир юрт, минтақа, мамлакат аҳли” маънолари бўлмаган. él (эл)нинг “муайян бир юрт аҳолиси” маъноси ўн биринчи асрдан кейин пайдо бўлган бўлиши керак.

“Фарҳод ва Ширин” достонида “él” сўзи куйидаги маъноларда ишлатилган.

6/19 Анингдек гавҳареким жилва чоғи,
Музайян бўлғай андин эл қулоғи.

Байт мазмуни: “Шундай гавҳарки (Хамса) жилва қилган пайтида эл қулоғи ундан зийнатлангай”.

Бу байтда “эл” сўзи аниқ бир кишилар гуруҳига тааллуқли бўлмай, балки “одамлар” деган умумий маъно беради.

15/53 Пайопай корфармодин ҳайоҳай,
Ҳайоҳайдин қилиб эл иш пайопай.

Байт мазмуни: “Ишбоши тинмай ҳайоҳайлаб, бу ҳайоҳайлардан эл тинмай ишларди”.

¹Kāşğari M. Divanu luğatit - turk. Fārsča-ya čevirgen Dr. H. Duzgun. Tabriz. 1383/2004 m.

Бу байтда “эл”нинг “меҳнат аҳли, ишчилар” маъноси англашилади.

15/99 Хито аҳли бу санъат айлабон соз,

Бўлўб олам элидин ишта мумтоз,

15/100 Бу эл ҳам улча мен билганни билмай,

Далилим буки, мен қилганни қилмай.

Байт мазмуни: “Хитой аҳли ҳам бу санъат (тош йўниш)да моҳир бўлиб, олам элидан устароқ, лекин бу эл (хитой) ҳам мен билганча билмайди, далилим шуки, мен қилган ишни қилолмайди”.

Биринчи байтдаги “олам эли” бу том маънодаги “дунё аҳолиси, халқи”, иккинчи байтдаги “эл” эса “Хитой халқи” деган маънони билдиради.

17/30 Майи гулгун тутуб гулчеҳра соқий,

Ичар эл кўймайин бир қатра боқий.

Байт мазмуни: “Чеҳраси гулдай соқий гул рангли (қизил) май тутиб, ичаётган кишилар бир қатра қолдирмасди”.

Бу байтда “эл” сўзи “бир гуруҳ майхўрлар” маъносида ишлатилган.

17/123 Биров ким зор йиғлаб-йиғлаб ул зор,

Тошиб кўнгли эл озоридин озор.

Байт мазмуни: “Биров зор йиғласа, у (Фарҳод) ҳам зор йиғлаб, бирон бир кишига озор етса, унинг кўнгли ҳам озор топарди”.

Бу байтда “эл” сўзи жамловчи маънода “бир киши, бирон кимса” маъносини ифодалаган.

21/3 Тариқи азм кўсин урди филҳол,
Черик жамъиға эл чоптурди филҳол.

Байт мазмуни: “Шу ондаёқ йўлга отланиш ноғорасини чалди ва кўшин тўшлашга кўл остидаги одамларни чоптирди”.

Бу байтда “эл” сўзи “ҳоқон кўл остидаги кишилар, навкарлар” маъносини ифодалаган.

22/20 Кўп эл ул атрдин эс тарки қилди,
Черикнинг кўпраги отдан йиқилди.

Байт мазмуни: “Кўп кишилар бу ҳиддан хушидан кетди, кўшиннинг кўпчилиги отдан йиқилди”.

Бу байтда “эл” сўзи “кўшиннинг бир қисми” маъносида кўлланган.

23/105 Дема Фарҳодким фарди замона,
Черигин бошлабон бўлди равона,

23/106 Ўтиб эл Аҳриманнинг бешасидин,
Бўлуб фард Аҳриман андешасидин.

Байт мазмуни: “Замонанинг яғонаси Фарҳод қўшинни бошлаб йўлга тушди, Ахриман ўрмонидан ўтиб, унинг хавф-хатаридан кутилди”.

Бу байтда “эл” сўзи “қўшин” маъносини англатмоқда, чунки биринчи байтдаги “черик” сўзининг ўрнига келган.

28/108 Бўлуб ул эл чу ўткан ишдин огоҳ,
Чиқориб элни гар дастур, агар шоҳ.

Байт мазмуни: “У эл (қирғоқ аҳолиси) денгизда бўлиб ўтган ишлардан хабар топиб, шоҳми, вазирми (кемадаги) элни қирғоққа чиқарди”.

Бу байтда “эл” сўзи “минтақа аҳолиси”, иккинчи сатрдаги “эл” тағматига кўра “кемада жойлашган гуруҳ” маъносини ифодалаган.

3/115 Чу холи айлади афзордин эл,
Равон хоро кесарға боғлади бел.

Байт мазмуни: “(Ариқ қазувчи) одамларни асбоб-ускуналарини олиб, харсанг кесишга бел боғлади”.

Бу байтда “эл” сўзи “бир гуруҳ ариқ қазувчилар” маъносини ифодалаган.

30/123 Хунар мундоқ чу зохир қилдики кўб,
Тушуб ул тоғ аро эл ичра ошуб.

Байт мазмуни: “Шундай (Фарҳод) хунарини кўрсатдики, тоғ аҳолиси орасида кўп шов-шув кўтарилди”.

Бу байтда “эл” сўзи чекланган бир минтақадаги кишилар, яъни “тоғ аҳолиси” маъносини ифодалаб келган.

33/78 Тамошосиға кўйуб эл ул сифат юз,
Ки касратдан кўрунмай тоғ ила туз.

Байт мазмуни: “(Фарҳод ишени) томошасига шунча одам йиғилган эдики, кўплигидан тоғу текислик кўрунмасди”.

Бу байтда “эл” сўзи “тумонат одам”, “оломон” маъносини ифодалаб келган.

37/8 Йиборди нуктадони хушманд эл,
Дақиқ идроклик мушкилписанд эл.

Байт мазмуни: “(Меҳинбону) гапга чечан, ақлли кишилардан, гапни теран идрок қиладиган, қийинчиликларга чидамли кишилардан юборди”.

Бу байтда “эл” сўзининг маъноси бир гуруҳ “донишманд кишилар” деб тушунилади.

42/4 Ки Хусрав ҳукм этиб эрдики ногоҳ,
Қочурса ул эл они бўлмайд огоҳ.

Бу байтда “эл” сўзи тағматга кўра “нигоҳбонлар” маъносини, “они” сўзи “Фарҳод” маъносини ифодалаган. Бу ситуатив маънонинг далили олдинги байтларда баён қилинган:

42/2 Ки чун *Фарҳод* ул кўрғонға борди,
Нигоҳбонлар била зиндонға борди.

4 байтда мазкур байтдаги “нигоҳбонлар” сўзи ўрнига “эл”, “Фарҳод” сўзи ўрнига “они” олмоши ишлатилган.

50/90 Яна кўрғонда ҳам қолмай захира,
Бўлуб эл доғи Бону бирла тийра.

Байт мазмуни: “Кўрғон ичида ғамланган озиқ-овқат тугаб, қамалдаги шаҳар аҳолиси билан Меҳинбонунинг орасида нифок пайдо бўлди”.

Бу байтда ҳам “эл” сўзининг ситуатив “кўрғон аҳли” маъноси воқелашган.

Бу маъно қуйидаги байтда янада аниқроқ баён бўлган:

50/149 Қабалган эл кезиб ҳар ён ҳавасдин,
Тамом андоқ ки куш чиққай қафасдин.

Бу байтдаги “қабалган эл” – “кўрғондаги шаҳар аҳолиси” маъносида келган.

54/58 Етишмай анда ёт элнинг аёғи,
Не ёт элким, узуб ёт ўтни доғи.

Байт мазмуни: “Бу (гулзор)га бегона кишилар қадами етмай, нафақат бегоналар балки бегона ўтларни ҳам юлиб ташларди”.

Бу байтдаги “ёт эл” сўзи “бегоналар” маъносини ифодалаган.

13/76 Ўзин абжад ўқур элдин тутиб кам,
Дема донишки зўри даст ила ҳам.

Байт мазмуни: “(Фарҳод) ўзини билимдагина эмас куч-қувватда ҳам энди савод ўрганаётган (бола)дан ҳам кам тутарди”.

Бу байтдаги “абжад ўқур эл”даги “эл” сўзи “саводи кам кишилар” маъносини ифодалаган.

9/28 Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.

Байт мазмуни: “Сўз усталари кўзи тушмаган бир неча сўз сенга (Навойга) ҳам топилар”.

Бу байтдаги “сўз айтур эл” кўчма маънода “ўтмиш шоирлари” маъносини ифодалаган.

18/38 Чу қилди олам аҳлига таахҳуд,
Ёмон элга бўлур вожиб тападдуд.

Байт мазмуни: “(Подшоҳ) олам аҳли олдида ҳукм юритишга аҳд қилгач, ёмон элга қаттиқ қўллик вожибдур”.

Бу байтдаги “ёмон эл” кўчма маънода “қонунбузарлар” маъносида ишлатилган.

Бу тахминда “эл” сўзининг фақат такрорланмайдиган маънолари келтирилди, қолган байтларда юқоридаги маънолар у ёки бу тарзда такрорланган.

“Эл” атамасининг мўғулчадан ўзлашган шакли “улус” атамасидир. Бу атаманинг “эл” атамаси маънолар силсиласи билан ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш учун

“Фарҳод ва Ширин” дostonидаги бир қатор “улус” ишлатилган байтлардаги маънолар тизими таҳлилга тортилди.

2/6 Ки, бўлмиш бу балиятларға мансуб,
Улус кўнглига андин келди марғуб.

Байт мазмуни: “Бу балоларга мансуб гуллар (дoston байтлари) улус кўнглига марғуб бўлди”.

Бу байтда гап “Фарҳод ва Ширин” дostonининг ёзилиши ҳақида кетмоқда. Бу ўринда “улус” атамасининг бирон-бир маъносини аниқловчи нишона бўлмай умумий “жамъият” маъносини ифодаламақда, яъни туркий тил эгаларининг умумлашма номи назарда тутилган.

12/76 Улус тутмай тарабдин бир дам ором,
Вале асраб тараб таврида андом.

Байт мазмуни: “Улус тинимсиз ўйин-кулги, хурсандчилик қилар, аммо хурсандчиликда ҳаддан ошмасди”. Бу байтда Чин мамлакат аҳолисининг 4 қаср битиши муносабати билан байрами тасвирланган”. Демак “улус” сўзи бу ўринда аниқ “мамлакат аҳолиси” маъносини касб қилган.

18/15 Бировким олам ичра шоҳ келмиш,
Улус бошиға зиллуллоҳ келмиш.

Байт мазмуни: “Бу оламда шоҳлик насиб этган бир киши улус бошидаги худонинг соясидир”.

Бу байтда. “улус” сўзи “шоҳ кўл остидаги одамлар” маъно бирлигини ифодалаган.

26/100 Улус қилғай менинг гирдимда таъйин,
Ки, қилғайлар алар ҳифзимни ойин.

Байт мазмуни: “Атрофимда мени кўриқлашни ўз бурчи деб биладиган соқчилар тайинлар”.

Бу байтдаги гап Фарҳодни кўриқлаш учун отаси тайинлайдиган соқчилар ҳақида бормокда. Бу ерда “улус” сўзининг ситуатив “кўриқчилар” маъноси юзага чиққан.

32/34 Тамошосиға ҳар кун хайл-бархайл,
Улус ул сори туш-тушдин қилиб майл.

Байт мазмуни: “(Фарҳод тош кесишининг) томошасиға ҳар кун тўда-тўда одамлар келарди”.

Бу байтда “улус” сўзи тумонат одам, яъни “оламон” маъносини ифодалаган.

34/69 Халойиқ ичра ғавғо тушти ҳар ён,
Улус ичра алоло тушти ҳар ён.

Байт мазмуни: “(Қазилган ариққа сув келиши)ни кўриб халойиқ шодликдан ғавғога тушти”.

Бу байтда кўриниб турибдики “улус” сўзи олдинги сатрдаги “халойиқ” билан мувози ишлатилган, яъни бу ҳам “халойиқ” маъносида ишлатилган.

41/54 Чекилгач, ўйлаким абри баҳорон,
Улус қилмоғлиғ они тирборон.

Байт мазмуни: “(Дорга Фарҳодни) тортгач худди баҳор ёмғири шатирлатиб ургандай, Хусрав шоҳ навкарлари ўққа тутсин”.

Бу байтда “улус” сўзининг ситуатив “шоҳ навкарлари” маъноси очилган.

28/84 Ики кема бири-бирга қатилмай,
Улусдин ҳам ики бир-бирни билмай.

Байт мазмуни: “Икки кема бир-бирига қўшилмай, унинг одамлари бир-бирини (ҳолини) билмас эди”. Гап ҳоқон ва Фарҳод тушган кемалар денгизда тўфонга учрагани ҳақида кетмоқда. Бу ўринда “улус”нинг тор маъноси “кема аҳли” шаклида воқелашган.

30/113 Тараддудқа солиб они бу аҳвол,
Улусни гирдида ҳайрат қилиб лол.

Байт мазмуни: “[Фарҳодни] бу аҳвол тараддудга солиб, атрофидаги кишилар ҳайратдан лол эдилар”. Гап Фарҳоднинг тоғдаги ариқ қазувчилар билан учрашиб уларнинг теша ва сунбадаларини йиғиб олиб иш бошлагани ҳақида кетмоқда. Бу ўринда “улус” сўзи ситуатив “арик қазувчи ишчилар гуруҳи” маъносини ифодалаган.

50/99 Бўлуб Парвез пайванди била шод,
Бу зиндондин улусни қилмоқ озод.

Байт мазмуни: “Парвиз Ширин билан қўшилишдан шод бўлиб, қўрғонда қамалган халқни озод этса”.

Бу байтда “улус”нинг тор маънодаги “қамалдагилар” шакли воқелашган.

51/66 Ишим расволиқ ичра бебадалдур,
Улусқа то жаҳон бўлғай масалдур.

Байт мазмуни: “[Фарҳод] иши расволиқда тенги йўқ, то дунё тургунча жаҳон аҳлига ўрнақдир”

Бу байтда “улус”нинг маъноси кенгайиб “жаҳон аҳли” шаклида намоён бўлмоқда. “Улус” рамзининг маънолар тизимини таҳлил қилиш натижасида, унинг ситуатив маънолари камроқ эканлигини, қолган ўринларда умумий “аҳоли” маъносида ишлатилгани кузатилди.

“Фарҳод ва Ширин”да “эл”, “улус”га мувози тимсолларнинг қолганлари арабчадан ўзлашган сўзлар бўлиб, улардан “хайл” сўзи ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида мамлакат аҳолиси “халқ”, унинг кўплиги эса “халойиқ” деб ишлатилган. “Фарҳод ва Ширин”да бу сўзлар “эл”, “улус”га нисбатан кам ишлатилган. Бунинг маъносини “эл” ва “улус” маънолар силсиласи билан қиёслаш учун “халқ” ва “халойиқ” сўзлари ишлатилган байтлар кўриб чиқилади.

6/23 Ким ул гавҳардин олса халқ ҳар дам,
Юз йилда бўлмағай мингдин бири кам.

Байт мазмуни: “Агар одамлар [Панж ганж] (беш ганж) гавҳаридан ҳар дам олишса ҳам юз йилда мингдан бири камаймайди”. Гап Низомий Ганжавий “Хамса”си ҳақида.

Бу байтда “халқ”нинг умумий маъноси “дунё кишилари” очилган.

13/81 Анинг сори совуғ ел эсса ногоҳ,
Чекиб Чин мулкининг халқи совуғ оҳ.

Байт мазмуни тушунарли, Фарҳод ҳақида. Бу байтда “халқ”нинг маъноси аниқ “малакат аҳолиси” шаклида маълум бўлади.

28/104 Ичинда халқ ўлукдек барча хомуш,
Ўлуб баъзию, баъзидин бориб хуш.

Байт мазмуни тушунарли, гап тўфондан кейинги кема аҳли ҳақида кетмоқда. Бу байтда “халқ”нинг торайган “кема аҳли” маъноси ифодаланган.

43/32 Муъаззин халқиким чикмай навоси,
Бўлиб бу сурмадин анинг ғизоси.

Байт мазмуни: “Агар овқатига бу сурма кўшилса масжидда азон этувчининг овози бўғилади”. Бу байтда “халқ”нинг маъноси торайиб “тоифа” маъносини англатмоқда.

“Халқ” тимсоли тор маъноларининг ҳаммаси шу эди. Қолган ўринларда, асосан, “мамлакат аҳолиси”, “жаҳон аҳли” маъноларини ифодалаган.

“Фарҳод ва Ширин”да “халойиқ” сўзи куйидаги маъноларда ишлатилган.

9/30 Йўқ эрса назм қилгонни халойиқ,
Мукаррар айламак сендин не лойиқ.

Байт мазмуни: “Йўқса бошқа [шоирлар] битган шеърни такрорлаш сенга нимага керак”. Гап шоирнинг ўзи ҳақида. Бу байтда “халойиқ” тор “бошқа шоирлар” маъносида ишлатилган.

12/71 Халойиқ ҳар не қилса тергамак йўқ,
Не қилгонни ёмон қилдинг демак йўқ.

Байт мазмуни тушунарли. Бу байтда “халойиқ” умумий маънода “кўп одамлар”, “аҳоли ” кўринишида намоён бўлган.

13/80 Мунингдек тийнати покига лойиқ,
Дуосин айтибон покий халойиқ.

Бу байтда “покий халойиқ” бирикмаси “аҳоли”нинг бир қисми, яъни “покиза кишилар” маъноси воқеалашган.

“Халойиқ” сўзининг хос маънолари мана шулар. Қолган ўринларда ўзининг ҳамма биладиган оддий маъносида, яъни “кўпчилик кишилар”, “аҳолининг кўпчилиги”, “оламон” маъноларини ифодлаган.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида амалга оширилган таҳлиллардан маълум бўладики, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида “эл”, “улус”, “халқ”,

“халойиқ”, “хайл” ва бошқа тимсоллар бир-бирига яқин маънодаги сўзлар.

Достон матнида бу сўзлар баъзан одатий маъносида, баъзида маъно торайиши ва кенгайиши натижасида турли маъноларни ифодалаб келган.

Бу таҳлилдан яна бир хулоса шуки, Алишер Навоий ўз ватанпарварлик, ўз халқига вафодорлик руҳига содиқ қолиб, туркий тилдаги “эл” сўзини кўп қўллаган ва достондаги энг серқирра маъно ҳам шу тимсолга тааллуқли. Қолган сўзларни кўпроқ такрордан кочиш ва услубий мулоҳазалардан келиб чиқиб ишлатган бўлса ажабмас.

“Лайли ва Мажнун”да “дард-у ғам”

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида туркий тилининг сўз бойлиги қанчалик кенглигини таърифлаб шундай дейди: “Аmmo чун шуур синниға (ақл ёши) қадам кўюлди, чун Ҳақ субҳонаху ва таоло табъға ғаробат (ажойиб ва ғаройиб нарсалар) сари майлни зотий ва диққат ва душворписандлиққа шуруъни жибиллий (бошлашни табиий қилди) қилиб эрди, турк алфозига дағи мулоҳазани лозим кўрулди — оламе назарға келди ўн саккиз минг оламдин ортуқ (таъкид муаллифники) анда зебу зийнат; сипехре табъға маълум бўлди, тўққуз фалакдин ортуқ анда фазлу рифъат (юксаклик); ва махзане учради, дурлари кавокиб (юлдузлар) гавҳарларидин рахшандароқ (порлоқроқ); ва гулшане йўлуқти, гуллари сипехр ахтаридин дурахшандароқ (ёркинроқ); ҳарими атрофи эл аёғи етмақдин масун (ҳимояланган) ва ажноси ғаройиби (ғаройиб жинслари) ғайр илиги тегмақдин маъмун (амонда)”¹.

Бошқача айтганда, шоир ўзининг “шуур синни”, яъни “оқ-қорани танийдиган ёшга” етганида туркий тил ҳақида ўйлаб кўришни лозим топади ва туркий тилида шундай бойлик борлигини кашф қиладики, у ўн саккиз минг оламдан, тўққуз фалакдан ортиқ, яъни ҳадсиз ҳисобсиз, бепоён.

Бу таърифдан Навоийнинг ўз халқига ва ўз тили ва маданиятига қанчалик фидойчилигини ва бу тилни қанчалик эъзозлашини англаб олса бўлади. Бу айни пайтда шоирнинг бизга, келажак авлодларига ўғитидир.

¹Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 ж., 526 б.

Шунинг учун Алишер Навоий асарларининг тилини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, нафақат асраб-авайлаш, балки унинг асарларидаги барча ишлатилган сўзларини жамлаш ва уларнинг шоир қўллаган хилма-хил маъноларини конкорданс асосида тағмаги билан тўлиқ талқин қилиш ва унинг мукамал асарларининг тили бўйича изоҳли луғат тузиб, халқимизга тақдим қилиш ўзбек тилшунослари олдидаги навбатдаги долзарб масалалардандир.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида фундаментал тадқиқотлар грант лойиҳаси асосида “Хамса”нинг 3 достони “Лайли ва Мажнун”нинг конкорданси тузилди¹. Бу дostonнинг конкорданси сўзлигини кўздан кечирганда “дарду-ғам” лексик семантик гуруҳи катта қисмини ташкил қилиши маълум бўлди. Бу дoston таркибидаги мавжуд 9994 сўзшаклдан 574 бирлигини ташкил қилади. Бу кўрсаткич “Лайли ва Мажнун” дostonининг қанчалик қайғули асарлигидан нишона бўлса, бошқа томондан шоирнинг нечоғлик сўз бойлиги чексизлигидан дарак беради.

“Дарду-ғам” лексик семантик гуруҳига кирган сўзшакллар қараб чиқилганда, улар асосан икки йирик маъно гуруҳига ажралиши аниқланди. Биринчиси, “маънавий-руҳий дард”, иккинчиси “жисмоний-ҳиссий дард” маъно гуруҳи. “Маънавий-руҳий дард” маъно гуруҳига дoston конкордансидаги куйидаги сўзшакллар киради:

¹Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” дostonининг конкорданси. Тузувчилар: Куронбеков А., Маннонов А.М., Имомназаров М.С. ва б. Т. 2014. “Фан ва технология”нашриёти.

ажз, ажзига, ажзини, анодин, анога, азо, азода, азога, азолар, азолик, азони, азосин, азосиз, азойи, азобе, аччиз-аччиз, афсурдани, афсус, алам, аламда, аламдин, аламимда, аламимга, аламин, аламлар, аламсанж, андух, андухи, андухидин, армон, айрилгони, айрилиб, айрилишқонлари, айрилиштилар, охи, охидин, охим, охимни, охин, охинг, ошўб, ошуфта, ошуфталиги, ошуфталигига, ошуфтазамир, ошубда, ошублари, оташангез, оташолуд, оташин, оташиндин, оташини, овах, озор,

бадҳол, бадруз, балокаш, бечора, бечоралиқ, бечорамен, бедод, бедоддин, бедодга, бедоди, бедодинг, беҳол, беҳуш, беҳушига, бенаволар, бенаволик, бенавомен, бенавони, бенавойе, бенавойи, беҳуд, беҳудона, беҳудлуғи, беҳудмен, безор,

дард, дарддин, дарди, дардида, дардидин, дардига, дардим, дардима, дардимдин, дардимга, дардин, дардини, дардинг, дардингга, дардманде, дардманди, дардноқ, дардноки, дардпарвард, дардпайванд, доғ, доғдин, дилафзор, дилошўб, дилгир, дилрамида, дилшудаларга, дилтанг,

эмгакига, эмгакимда, эмгаклари, эмгокини,

фарйод, фарйодинг, фигор, фигори, фигон, фигони, фигоним, фигонин, фигонлар, фигонларин

фигонни, фиروق, фиروقдек, фиروقдин, фиироқи, фиироқидин, фиироқим, фиироқнома,

гирифтор, гудоз, гудози, гам, гамандўз, гамандуд, гамангез, гамда, гамдин,

гамга, гамгін, гамгусоринг, гами, гамида, гамидин, гамидур, гамига, гамига,

гамим, гамимда, гамимдин, гамимдур, гамимни, гамин, гамини, гаминг, гамингда, гамингдин, гамингга, гамин,

гамкаш, гамлари, гамлиқ, гамнок, гамсиришта, гамзада, гусса, гуссада, гуссадин, гуссага, гуссапардоз,

ҳажр, ҳажрда, ҳажрдин, ҳажри, ҳажрида, ҳажрим, ҳажримдин, ҳаросон, ҳароси, ҳой, ҳой-ҳойи, ҳижрон, ҳижрони, ҳасрат, ҳасратидин, ҳавл, ҳавлон, ҳазїн, ҳирқат, ҳирқатида,

изтироб, изтиробе, изтироби, изтиробим, изтиробин, изтиробинг,

жафо, жафогар, жафога, жафокӯш, жафолар, жафони, жафойе, жафойи, жавр, жаврида, жаврин,

кудурат, куяр, куярда, куяридин, куйди, куйдурғали, куйдургон, куйдурса, куйдурсалар, куйдуруб, куйдурур, куйдурурму, куйган, куйганга, куйгучи, куймагидин, куймак, куймакда, куймакдин, куйса, куюб,

маъйус, маълул, мағмум, маҳжур, маҳзун, малол, малолат, малолатидин, малолатимга, малолатини, малолатинг, малולי, малолинг, малул, масойиб, машаққат, мазлама, мазлумга, мотам, мотамангез, мотамга, мотами, мотамим, мотамингдин, мотамивор, мотамзада, мотамзадалар, мотамзадалиққа, меҳнат, меҳнатобод, меҳнатда, меҳнати, меҳнатидин, меҳнатим, меҳнатимда, меҳнатимдин, меҳнатимга, меҳнатининг, меҳнатинг, мубтало, мубталодин, мубталога, мубталомен, мубталони, мубталосен, мубталоси, мубталовор, муҳлик, мунқалибҳол, мунги, мунғлуғ, мунграб, мунгум, мутаъаззир, музтариб, музтарибҳол,

навмед, нажанд, нажандин, ношикебо, нохуш, нийрон

ортаб, ортади, ортадинг, ортағали, ортангучи, ортаниб, ортанмак, ортанур, ортар, ортарга, отлуғ, отлуқ,

пурдард, пуржўш,
қарорўз, қайгу, қайзуси,
ранж, ранжа, ранжон, ранжи, ранжида, ранжимни,
ранжинг, ранжни, ранжпарвард, ранжур,
сакароти, савдо, савдоси, савдосида, савдосига,
савдосини, савдойи, савдозада,
ситам, ситамкаш, сияҳрўз, сўг, сўги, сўгига, сўгига,
сўгин, сўгини, сўглар, сўгвор,
шиканж, шиканжа, шиканжи, шиканжинг, шикиб,
шикебинг, шўрбахте, шўри,
таҳаммул, талх, талхком, талх-талх, танаффури,
тазаллум, тийрарўзмен, тоъат, тоъатқа,
ваҳ, ваҳм, ваҳминг, ваҳ-ваҳ, ваҳшат, ваҳшатангез,
ваҳшатомиз, ваҳшатим, ваҳшатимдин, ваҳшатлиг, вой,
хонумонсўз, хор,
забун, забундур, забуне, забунлуқ, забунроқ, заҳрдин,
заҳри, заҳрин, заҳркомлигига, заҳрлик, заҳмати,
заҳматидин, зажр, зор, зорга, зори, зорим, зорин, зоринг,
зорий, зорлигдин, зор-зор, зулм, зулмунгдин, залил

“Жисмоний-ҳиссий дард” маъно гуруҳига жисмонан ҳис қилинадиған сўзшакллар киради:

аччиг-аччиг, ашк, ашкдин, ашки, ашкидек, ашкидин,
ашким, ашкин, ашкини, ашкинг, ашки, ашкрезон, очитқони,
оғриг, оғритқони,

бемор, беморга, бемормен, бетоб, бўзлаб, бузди, бузуб,
бузуг, бузугда, бузугроқ, бузулди, бузулгай,

чек, чекар, чекарга, чекарингни, чекгай, чекиб, чекибон,
чеккач, чеккан, чеккай, чеккум, чекмади, чекмагай,
чекмагил, чекмак, чекмакка, чекмай, чекса,

чекти, чектилар, чектим, чектинг, чектингиз,
чектургай,

газанд, газанда, газанде, газанди, гирийон,
жонфуруз, жонгудоз, жонгудозин, жонкоҳ, жонсўз,
жигарсўз, жигартоб, жигархор, жигархун,

мажруҳ,

нола, ноладин, нолон, нолишидин,

ўтлуз,

пошикаста, печ-дар-печ, печ-печ,

қон, қонаса, қонотур, қондин, қондур, қонга, қони,
қонидин, қоним, қонимни, қонин, қонини, қонинг, қонлар,
қонлиг,

реш, рев,

санчилиб, санчилғони, санчилур, саргаишта,
саргаишталигим, саргаишталикда, сарғориб, савдо, савдоси,
савдосида, савдосиза, савдосини, савдойи, савдозада, сўхта,
сўхтани, шикаст, шикаста, шикастабол, шикастадиндур,
шикасталикка, шикастамақол, шикастапомен,
шикастаракдур, шикастинг, шикоят,

тирмаб, тўлгонди, тўлғони, тўлғониб, тўлгонмоғи,
тўлгонур,

ушотиб, ушоткач, ушотмоқ, ушотти, ушоттинг,
ушотурга,

хафақон, хафақондин, хорошдин, хороши, хаста,
хастага, хастаҳоле, хастажонлиг,

хастажонлигимни, хастажонмен, хасталарга, хастани,
хаставор, хастайи, хурўи,

хурўше, хурўши, хуноб, хунобаси, хуноби, хунобин,
хунфишонин, хунрез,

яралари, яралиг, ярамга, ярақон, ярасиза, ярасин,
ярасини, йиглаб, йиглабон,

йиглади, йиглагоним, йигламоги, йигламоқ, йиглар,
йигларига, йиглатиб, йиглай-йиглай, йиглоди,

заъфарончеҳр, заъфарондин, заъфароний, заҳмати,
заҳматидин, заъф, заъфдин, заъфгаҳ, заъфиза, заъфи,
заъфида, заъиф, заъифи.

Бу рўйхатда келтирилган ҳарбир сўзшакл, гарчи шаклан бир-бирининг такрори бўлиб кўринса ҳам аслида дoston матнида ҳарбири ўзгача маъно ифодалаб келади. Мас.: “ажз” сўзининг матндаги маъноларини талқинини кўрайлик:

2 6

Ул ажзига эътироф қилса,
Ҳамдингдин ўзин маъоф қилса,

Бу байтдаги “ажз” сўзи “ожизлик, нотавонлик, қўлидан келмаслик” маъносини ифодалаб келган.

19 6

Доясиға кўп тазаллум этти,
Юз ажз била такаллум этти:

Бу байтдаги “ажз” сўзи “ожизлик” маъносини билдирмай, балки “ўтинч” маъносини ифодалаб келган: яъни “доясиға кўп азоб бериб, юз ўтинч сўраб сўз сўзлади” деб талқин қилинади.

21 49

Навфал кўруб ул хилофи одат,
Ҳайрат анга ажз этиб зийодат.

Бу байтда “ажз” нинг яна бир маъноси “қўлидан ҳеч иш келмаслик” маъносини ифодалаган. Яъни: “навфал бу одатдан ташқари ҳолни кўриб, қўлидан ҳеч иш келмаслиги унинг ҳайратини оширди”, деб талқин қилинади.

24 18 Ул пойада ажз у бенаволик,
Ким рўзи учун қилиб гадолик.

Бу байтда “ажз”нинг “заифлик, дарди бедармон” маънолари ифодаланган. Яъни “Унинг мадорсизлиги ва ҳолдан тойганлиги шу даражада эдики, кун кечириш учун гадолик қиларди” маъносини ифодалаган.

Шу қатордаги “ано” сўзи араб ёзувида фарқ қилади, лекин ҳозирги ўзбек тилидаги кирил ёки лотин ёзувида Алишер Навоий асарларида “ано” ёки “оно” шаклида ёзилади ва ўқувчи буни ўзбек тилидаги “она” сўзи билан чалкаштириши мумкин. Бу сўзни арабча عا, “ранж, захмат, машаққат; ғусса андуҳ” маъносини англаш учун ё араб ёзувида бериш ёки биз тузган конкордансдагидай махсус белги билан транскрипцияда бериш керак. Мас.:

17 52 Жонимни халос этиб анодин,
Қутқорсалар эрди минг балодин.

Бу байтдаги “ано” сўзи “ғам-кулфат” деб талқин қилинади. Яъни “Менинг жонимни ғам-кулфатдан халос этиб, минг балолардан қутқарсалар эрди” деб талқин қилинади.

Юқорида келтирилган ҳар бир сўзшакл худди мана шу “ажз” ва “ано” сўзлари каби ҳар бир байтда ўзгача маъно

касб этган ёки камида бир нечта маънони ифодалаб келади. Зотан бадий матннинг хусусияти шуни тақозо этади. Чунки бадий матнда меъёрий тилдан фарқли ўларок, бир хабарни баён қилиш учун эмас, балки рамзийлик, мажозийлик, сирлилик – қисқасини айтганда ўқувчини ўйлашга, бош қотиришга мўлжалланган теран маънолар, эстетик завқ яширин бўлади. Бунинг далили сифатида “ажз” ва “ано”нинг юқоридаги талқинлари келтирилди.

Алишер Навоийнинг асарларидаги сўзларнинг изоҳли луғатини тузиш учун ҳар бир сўз матнда қанча учраса, ҳар бир учраган байтдаги маъноси мана шундай талқин қилиниши керак бўлади. Бундай тадқиқотлар ва улар асосида Алишер Навоий асарларининг тўлиқ изоҳли қомусини тузиш ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

“Лайли ва Мажнун” асаридаги арабий ўзлашмалар

Ўзбек тилининг сўз бойлигининг яратувчиси ўзбек халқи бўлса, унинг бор имкониятини юзага чиқарувчилар – шоирлардир. Шоирлар нафақат тилнинг бор имкониятларидан фойдаланади, балки уни энг ноёб, энг жарангли, энг фасиҳ сўзлар билан бойитиб борадилар.

Шу жиҳатдан ҳар бир шоирнинг ҳозирги ўзбек тилининг шаклланишдаги ҳиссаси катта. Алишер Навоийнинг бу борадаги қўшган ҳиссаси беҳаду-қиёсдир.

Алишер Навоийнинг ҳар бир асарида қўллаган сўзлари ва унинг миқдори – бу айна вақтда ўзбек тилининг битмас-туганмас бойлигидир.

Бугунги авлоднинг вазифаси шоир ишлатган ҳар бир асардаги сўзлар миқдорини аниқлаш, ҳар бир ишлатилган сўзни генетик илдизлари, қўлланиш даражаси, маъно таркиби, парадигматик ва синтагматик муносабатлари, фонетик ва фонологик хусусиятларини ўрганиш ва туркий тилида мавжуд бўлган ва ҳозирда унут бўлиб, унинг ўрнига ажнабий тиллардан ўзлашмалар ишлатилаётган сўзларни қайта тиклашдир.

Бу вазифаларни амалга оширишнинг биринчи шarti Навоий асарларининг тўлиқ конкордансини тузиб чиқиш ва ҳар бир асардаги ишлатилаётган сўзларнинг миқдори ва таркибини аниқлашдир.

ТошДШИ ҳузуридаги “Ф-1-135 Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий ва услубий тадқиқи” гуруҳи ҳозиргача “Хамса”нинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин” ва “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” дostonларининг конкордансини тузиб, кичик тиражда

нашрдан чиқарди. Бу конкорданслар катта тиражда чиқарилиб, дунёга тарқатилса Алишер Навоий асарлари бўйича тадқиқотчиларга айна муддао бўлур эди.

Айни пайтда ҳар бир дoston конкорданси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва уларнинг натижаси сифатида бир қатор мақолалар эълон қилинди. “Лайли ва Мажнун” дostonининг конкорданси бўйича шоир бу дostonда 9994 сўзшакл ишлатган. Шоирнинг ўз эътирофи бўйича бу дoston 5000 байтдан иборат. Бу дostonда ишлатилган арабий ўзлашмаларнинг сони 3655 сўзшакл. Бу умумий сўзликнинг 36,6 % ташкил қилади.

ХВ-ХВИ асрларга келиб, Л.С.Пейсиковнинг таъкидлашича, форс тилидаги араб тилидан ўзлашмалар 70-80%ни ташкил қилган. Муаллиф томонидан амалга оширилган Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Оинаи Искандарий” дostonи 4416 байтдан иборат бўлиб, бу асарда ишлатилган алоҳида луғат бирликларининг сони 4943 бирлик, араб тилидан ўзлашма бирликлар 1609 та бўлиб бу умумий луғат бирликларининг 32,6%ни ташкил этади.

Ҳофиз Шерозий ғазаллар девонидаги алоҳида луғат бирликларининг умумий сони 4810 сўз бўлиб, арабий ўзлашмалар сони 1941 та бирликдан иборат, бу умумий сўзликнинг 40,77%ни ташкил қилади. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonидаги арабий ўзлашмалар сони билан қиёсланганда, ўша даврдаги арабий ўзлашмалар ҳамма тилларда деярли бир хил эканлиги маълум бўлади.

“Лайли ва Мажнун” дostonида ишлатилган арабий ўзлашмалар таркиби асосан, икки хил луғат бирликларидан иборат: аксарият луғат бирликлари ўзбек тилига тўла ўзлашган луғавий бирликлар. Масалан: “адад, адам, адоват,

‘адл, афв, ажаб, ажз, акс, аломат, аносир” каби. Иккинчи бир гуруҳ сўзлар фақат Навоий асарларида учрайдиган арабий луғат бирликлари бўлиб, бу шоирнинг араб тилини ўз она тилидай яхши билишидан дарак беради. Масалан:

1/3 Эй ақлга фойизи маъоний,
Боқийсен-у барча халқ фоний.

Бу байтдаги “фойизи” сўзи “мўл-кўл”, “саховатли”, “тўлиб-тошган” маъноларини англатади.

Бу маънолари ҳозирги тилда мавжуд эмас, фақат Навоий асарлари матнида сақланган.

1/25 Ҳар не сени деса ройи сойиб
Ул сендин у сен арода ғойиб.

Бу байтдаги “ғойиб” сўзи ўзбек тили тизимига ўзлашмаган сўз. Бу сўз араб тилида “тўғри мақсадга йўналтирилган” маъноларини англатиб, бу ўринда шоир қофия тузиш заруратидан бу сўзни ишлатган.

Бунинг учун араб тилини мукаммал эгаллаган бўлиш керак. Чунки шеър ёзаётганда бу ўринда араб тилидан қандай сўз тўғри келар экан, деб луғат титкилаб ўтириш имкони йўқ. Шоир ўз фикрини шеърини баён қилаётганда сатрлар ва унинг қофиялари селдай қуйилиб келади. Яна:

1/28 Кун юзини айладинг мушаккал
Тун кўзини айладинг мукаҳҳал.

Бу байтдаги “мушаккал” ва “мукаҳҳал” ўзбек тилида умуман учрамайдиган сўзлар, лекин ўша давр зиёлилари ҳаммаси яхши тушунадиган луғат birlikлари бўлиб, “мушаккал” сўзи араб тилида “шаклланган” ва “мукаҳҳал” сўзи “сурма тортилган” маъноларини ифодалайди. Ўрта аср ўзбек зиёлилари мактаб-мадрасаларда араб ва форс тилларини ўрганишган. Шунинг учун бу сатрларни бемалол тушунишган.

Навоий “Лайли ва Мажнун” достонини “ҳазажи мусаддаси аҳраб” вазнининг саккиз хил зиҳофларини қўллаб ёзган. Аруз вазнида муайян вазни бир достоннинг бошидан-охиргача бузмай ёзиш ва шу билан бирга ўз фикрини тўла баён қилиш зарурати бўлганлиги учун, ўша даврда форс ва ўзбек тилларида расм бўлганидек, керак пайтда арабий сўз ва бирикмалардан фойдаланганлар.

“Лайли ва Мажнун” достонида яна бир кўзга ташланадиган жиҳати Навоийнинг “Қуръон” оятлари ва “ҳадис”ларни ёддан билишидир.

Қуйидаги байтларда шоир “Қуръон” оятларидан ва “ҳадис”лардан тазмин санъати билан келтирган ва бу тазминлар достон матни билан тўла уйғунлашган.

1/75 Шонин билмай хурдга андух
“Жаллат абоуху ва шаънуҳ”

2/1 Поко сифатингда аҳли идрок
Сўз сурмади ғайри “маъарафнок”

Бундай тазминларни шеър ёзиш жараёнида ўйлаб ўтирмай шеър тўқимасига сингдириб кетиш учун нафақат

“Қуръон”ни ёддан билиш, балки унинг ўзбек тилидаги маъноларини мукамал билиш тақозо қилинади. Бунинг учун феноменал хотира керак. Зотан шоир шундай мислсиз хотира эгаси бўлган.

Асарда энг кўп ишлатилган арабий ўзлашмалар “ميم” ҳарфи билан бошланадиган луғавий бирликлар бўлиб, бу дostonда уларнинг миқдори 568тани ташкил қилади. Бунинг сабаби шуки, араб тилидаги сифатдошларнинг барчаси “ميم” ҳарфидан бошланади. Масалан: “маъосир, малуф, маъман, маъмур, маънус, маъюс” ва ҳ.к.

Дostonдаги қолган ўзлашмалар, асосан отлар ва И-Х бобдаги масдарлардан иборат. Масалан: “абир, адам, адоват, адл, ажам, ажз, акс” ва ҳ.к.

Ўзлашмаларнинг кўпчилиги ўзбек тилининг сўз ясаш воситалари билан янги сўзлар ва келишик ва кўплик категориялари билан грамматик шакллар қабул қилган.

Масалан: “аламтирози, анқони, ақлга, арусининг, атода, авомдин, айондур, илму-хунар” ва ҳ.к.

Дostonда арабий ўзлашмалар билан форсий аффикслар ва яримаффикслар ёрдамида ясалган ясама сўзлар ва кўшма сўзлар катта миқдорни ташкил қилади. Масалан:

1/22 Башдинки қадам қилиб дурур меҳр

Истаб сени бўлди заъфарончеҳр.

Бу байтдаги “заъфарончеҳр” сўзи арабий “заъфарон” ва форсий “чеҳр” морфемалари бирлашувидан ташкил топган кўшма сўз. Дostonда яна арабий ва форсий синонимлардан ясалган сўз бирикмалари ҳам учрайди. Масалан:

1/27 Афлокка сен шитоб бердинг,
Анжумга бу нуру тоб бердинг.

Бу байтдаги “нур” арабча ва “тоб” эса форсий “тоб” – “ёруғлик”, “жило” маъносини ифодалайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бу мавзулар ҳар бири алоҳида тадқиқот олиб боришга лойиқ. Алишер Навоийнинг асарларида ишлатган ҳар бир сўз ва ибораси – бу ўзбек тилининг сўз бойлиги, бу бойлик тўлалигича ўрганилиши ва Алишер Навоий асарларининг мукаммал луғатини тузиш ва у ишлатган ҳар бир сўз ва иборанинг маъно эврилишларини шеърий парчалар билан изоҳлаш ўзбек тилшунос тадқиқотчиларининг олдида турган ўта муҳим ва хайрли вазифадир.

Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган мукаммал конкорданс ва луғатлар, шоир яратиб қолдирган маънавий меросимизни теран англашга ва бу маънавий бойликни тўлалигича ҳозирги кунимизга татбиқ қилишга ёрдам беради.

“Дил” ҳақойиқ жилвагоҳи

Маълумки, Шарқ классик адабиётида ва шу жумладан форс классик адабиётида “дил” сўзи жуда кўп ишлатиладиган сўзлардан биридир. Жумладан, ғазал мулкининг султони Хожа Ҳофиз Шерозий девонида “дил” сўзи 594 марта ишлатилган ва Жомий таъбири билан “туркий назм”да тенгсиз бўлган Алишер Навоийнинг “Девони Фоний” форсий ғазалларида 726 марта ишлатилган. Бу сўзнинг мумтоз шеъриятда кўп қўлланилиши унинг маъноси ўта теран ва хилма-хиллигидан дарак беради. Форс тилининг мўътабар изоҳли луғатларидан саналган Муҳаммад Муъиннинг луғати¹да “дил” сўзининг 12та маъно таркиби қуйидаги тартибда берилади:

Дел: 1 – ўзв-е дохели-е бадан бе шекл-е сеноубари ке зарбонҳо-йаш моужеб-е доурон-е хун мигардад; 2 – шекам; 3 – хотер, замир; 4 – жон, равон; 5 – мағз-е сар; 6 – мағз-е дерахт ва монанд-е он; 7 – мийон, васат, дарун, дохел, дел-е дерахт; 8 – марказ; 9 – журъат, шеҳомат; 10 – латифе-е раббони у руҳони ва он ҳақиқат-е энсон аст ва модаррек ва оълем ва оъреф ва оъшез аст. 11 – маҳалл-е тафсил-е маони: нафс-е нотеге; 12 – махзан-е асрор-е ҳақ, қалб.

Ундан тапқари, “дил” сўзининг кўплаб исмий ва феълий бирикмалари берилган.

Юқоридаги берилган маъно таркибига диққат қилинса, унда уч турдаги маъно белгилари мавжудлиги кўзга ташланади. Булардан фақат биринчиси “дил” сўзининг асл

¹Doktor Mohammad-e Mu'in: Farhang-e fārsi. Čāp-e haštom. “Sepahr” Tehrān 1371.

маъноси: “уриши қоннинг айланишига сабаб бўладиган санавбар шаклидаги баданнинг ички аъзоси”ни англатади. Ундан кейинги 8 маъноси “дил”нинг кўчма маъноларини ва 3та маъноси тасаввуфий маъноларини ифодалайди.

Демак, форс классик шеърлятида “дил” сўзи 3 хил йўналишдаги: тўғри, кўчма ва тасаввуфий маъноларни ифодалайди.

Энди асосий масала Фоний ғазалларида ишлатилган “дил” сўзининг ҳамма маъно белгиларини луғатдан топиб бўладими, деган саволга жавоб топишдир.

Бу саволга жавоб топиш учун “дил” сўзи ишлатилган бир неча ғазалларни таҳлил қилиш керак бўлади.

Алишер Навоийнинг “Девони Фоний” асаридаги ғазалларда “дил” сўзи биринчи марта 2-ғазалдаги 3-байтда учрайди:

*2/3 Дар рўх-е руз аз рўх-е ту борезе-е меҳр,
Дар деле шаб аз ғам-е ту мое-е савдо.*

(Кун юзида сенинг юзингдан меҳр чакмоғи,
Тун дилида савдо сабаби сени ғамингдан).

Бу байтдаги *дел-е шаб* (тун дили) бирикмаси М.Муиннинг луғатида¹ *несф-е шаб, ниме-е шаб* (тун ярми, тун ўртаси) деб талқин қилинади. Байт матнига назар солинса, бу маъно белгиси байт мазмунига мос эмаслигини юзаки қарашдаёқ билиб олса бўлади. Чунки бу байтда Навоий “мутазод” ёки Халил Аҳмад таъбири билан

¹Ўша китоб, 1546-б.

“мутобақа” санъатини ишлатган биринчи мисрадаги *руз* (кун) иккинчи мисрадаги *шабга* қарама-қарши қуйилган, демак уларнинг аниқланмиши *роҳ* (юз) ва *дел* “дил” ҳам бир-бирига зид маънодаги сўзлар бўлиб, “дил”нинг маъноси ана шу тазод асосига қурилган. Демак, ташқи луғавий маъносиги тўғридан-тўғри талқин қилинса, “куннинг юзи” ва “туннинг дили (юраги)” да деган маъно касб этади. Лекин бу ерда шоир “ёруғлик” (кун) ва “қоронғулик” (тун)ни бир-бирига қарши қўймоқда. “Ёруғлик” эса яхшилик тимсоли ва “қоронғулик” эса “ёмонлик” тимсолидир. Шоир бу сўзларнинг кўчма маъносидан фойдаланган ҳолда байтга ички маъно бағишляпти. Аммо бу “дил” сўзининг фақат зоҳирий “шуур” маъно белгисини ифодалайди. Бу байтдаги “дил” сўзининг маъноси янада теранроқ бўлиб, умумфалсафий маъно касб қилади ва دل شب (тун дили) “ёвузлик руҳий олами” маъно белгисини касб қилади.

*4/3 Дел у мей ҳар ду рӯушан шуд намидонам ке тоб-е мей,
Зад оташҳо бе дел йо тоб-е мей шуд з оташ-е делҳо.*

(Дилу май ҳар иккаласи порлади, билмадим майнинг ёғдуси дилга олов пуркадими ёки дилнинг товланиши дилдаги оловданми).

Бу байтда зоҳирий маънода “дил” “май”га ташбиҳ қилинмоқда, буларнинг ўртасидаги “важҳи шибҳ” (ўхшашлик белгиси) иккаласига хос “тафт, аланга манбаи”, иккинчи мисрада шоир “тажохули орифона” санъати билан “майнинг товланиши дилга олов солдимикин ёки майнинг ёғдуси дилнинг оловиданмикин”, дея “дил” сўзининг “кучли ҳиссиёт манбаи” маъно белгиси кашф қилинляпти. Бу

фақат ташқи адабий маъноси, лекин бу байтда яширин тасаввуфий маъно бор. “Май” сўфиёна истилоҳда *ғалабот-е эшқ* (ишқ ғалабалари) маъносини касб қилади. “Дил” эса тасаввуфий маънода: Муҳаммад Муин луғатида:

1: *латифе-е раббони у руҳони ва он ҳақиқат-е энсон аст ва модаррек ва оълем ва оъреф ва оъшеқ аст.*

(Илоҳий ва руҳоний нозик фикр ва бу инсоннинг ҳақиқатидир ва (дил) идрок қилувчи, олим, ориф ва ошиқдир)¹. Шундан маълум бўладики, бу байтда “дил” “илоҳий ишқ манбаи” маъно белгисини касб қилади. У ҳолда шоир айтмоқчи бўлган ботиний фикр: “билмадим (май) илоҳий ишқ ғалабалари дилларга ишқ эҳтиросини солдимикин ёки ишқ ғалабалари (жазаба) дилдаги азалий ишқ ўтиданмикин”, деган маъно касб қилади. Шундай қилиб, бу байтда “дил” зоҳирий “ҳиссиёт манбаи” маъносидан ташқари “илоҳий ишқ манбаи” маъно белгиси касб этади.

Байтни ўзбек тилига:

(Дил-у май ҳар иккаласи ёришди, билмадим,
Майнинг шуъласи дилга олов ташладими ёки
майнинг шуъласи дил оловиданми?)

деб таржима қилинади.

“Дил” сўзи ҳар қандай байтда тасаввуфий маънода талкин қилиниши мумкин, лекин шундай байтлар борки, бу байтларда “дил”нинг маъно белгиси тасаввуфий маънодан кўра кўпроқ ижтимоий маъно белгисидан далолат беради:

¹ Doktor Mohammad-e Mu'in: Farhang-e fārsi. Čāp-e haštom. “Sepahr” Tehrān 1371.

*6/8 Соқи зе ҳад фузун деҳ мей к-аз малол-е дўрон,
Ҳар дам малол-е дигар дар дел фузун мо-ро*

(Соқий ҳаддан зиёд май берки, даврон малолидан ҳар он бошқа малол дилимда ортар).

“Малол” сўзи биринчи мисрада “ғам-ғусса”, иккинчи мисрада “дил оғриғи” маъносини касб этади.

Демак, бу ўринда “дил” бир томондан “ҳиссиёт манбаи” деб англашилса, иккинчи томондан ижтимоий адолатсизликларни таҳлил қилувчи “мушоҳада манбаи” деган маъно касб қилади. Маълумки, “мушоҳада манбаи” инсон миясида бўлади.

Лекин бу байтдан маълум бўладикки, мушоҳада қилиш мияда эмас, юракда рўй беради, деб тушунилган.

*7/1 зейр-е хуноб найобанд бе жону дел-е мо,
Гуйо эишқ бе хун кард мохаммер дел-е мо.*

(Хунобдан бошқа топилмас, бизнинг жон-у дилимизда, Гўёки қонга қоришган ишқимиз лойини).

Бу байтда “қон” сўзи юракнинг моддий нарса, яъни “тана аъзоси” белгисини англатаётган бўлса, “юраги қонга беланиши”, “азоб-уқубат” маъно белгисини беради. Демак, юрак бу байтда “инсоннинг шуур манбаи” маъносини касб қилади. Аммо бу зоҳирӣ, юзаки маъно белгиси бўлиб, унинг ботинӣ маъноси “илоҳӣ ишқ ўтида ёнган инсоннинг маънавий олами”, деб англашилади. Бу ўринда

“дил” сўзини ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маънода талқин қилиш мумкин.

Шу ғазалнинг 6 байтида “дил” сўзи қуйидаги таркибда учрайди:

*7/6 Тир-е делдуз бе ҳар дел зани эй ӯтел-е маст,
Новаки чанд негаҳ дор барое дел-е мо.*

(Дилга санчилувчи ўқингни ҳар бир дилга отасан эй маст қотил,

Бизнинг дилимизга ҳам бир нечта ўқ сақла).

Бу байтда зоҳиран “дил” сўзи инсон “ҳаёт манбаи” маъносини касб қиляпти, бунга “маст қотил” бирикмаси ишора қилади. Лекин “маст қотил”нинг кўчма маъноси ҳар бир ошиқнинг қалбини яраловчи, уни ўзига ром қилувчи “ўйинқароқ маъшуқ”дир. Бу маънода дил “ишқ манбаи” маъно белгисини касб қилади. Бу мумтоз адабиётдаги анъанавий “ошиқ-маъшуқ” муносабатидан келиб чиқадиган кўчма маъно бўлиб, лекин “дил” сўзининг ҳамма маъноларини қамраб олмайди. Бу ўринда “дил” сўзининг сўфиёна маъноси “ҳақ сирлари маҳзани” маъно белгисини касб қилади. Чунки солиқ бу байтда Оллоҳдан ўз қалбига бир озгина бўлса ҳам ўз илҳомлари, аъёнларидан иноят қилишини сўрамоқда.

*9/6 Лаб-е лаъл-о даҳон-е он музбаче ке аз бода олуде
Асираш гунче-е делҳо фадойаш жўуҳар-е жонҳо.*

(Бодага беланган ўша муғбаччанинг лаъли лаби ва оғзи,

Дил ғунчаси асири, жон жавҳари фидосидур).

Бу байтдаги *ғунче-е делҳо* (диллар ғунчаси) зохиран дилни ғунчага ўхшатишдан иборат. Лекин Алишер Навоийнинг бу таркибидаги “ўхшатиш белгиси” дил ва ғунчанинг софлиги, маъсумлиги, иффатидир. Шунинг учун бу байтдаги “дил” сўзи “софлик манбаи” маъно белгиси касб қилади. Бу “дил” сўзининг бадий кўчма маъноси бўлиб, тасаввуфда бу солиқнинг моддий ҳою-ҳаваслардан холи бўлган “мусаффо ишқи” маъноси англашилади.

Шу ғазалдаги яна бир байтда тасаввуфий маъно белгиси зоҳирий маънодан кўра устунроқ, яққолроқ кўринади:

*9/8 Зе ҳар васл-е матлуби ке бошад дар ҳарим-е дел,
Набошад зейр-е саргардонийат қатъ-е бийобонҳо*

(Дил қаъридаги бўлган кўзланган васлдан ўзга
Биёбон кезиш, саргардонликдан бошқа нарса эмас).

Бу байтдаги *ҳарим-е дел* (дил [муқаддас] худуди) аниқ равшан “дил”нинг “ҳақ сирлари махзани” маъно белгисига ишора қиляпти.

Бу байтни зоҳирий маънода “ошиқнинг муқаддас ишқи”, деб талқин қилиш мумкин. Лекин бу йўқ жойдан бор қилиш ҳаракатига ўхшаб қолур эди.

Шуниси эътиборлики, Навоий ҳазратларининг форсий девонида қўлланган бир хил бирикмалар ҳам бир хил маъно бермайди, балки ҳар бир байтда янги маъно касб этади.

11/3 *Маро ҳам гунче дел бешгуфт чун он даҳан ҳар гаҳ
Зе хай шабнам чу беншинад бе гулзор-е жабин у-ро*

(Менинг дил ғунчам очилур ўшал оғиз каби ҳар дам,
Тердан шабнам кўнганда унинг гулзор пешонасига).

Бу байтда *гунче-е дел* (дил ғунчаси) 9-ғазалдан фарқли равишда “софлик манбаи” деб эмас, балки “дилдаги ғам-ҳасрат” деб талқин қилинади. *гунче-е дел* нинг ушбу маъноси Муҳаммад Муиннинг луғатида қайд қилинган¹.

Бу ўринда ҳам “ғам-ҳасрат”ни икки хил тушуниш мумкин: биринчиси ижтимоий хусусиятга эга, иккинчиси тасаввуфий маъно белгиси касб қилади.

“Дил”нинг тасаввуфий маъно белгиси шу ғазалнинг мақтаъсида ҳам аниқ баён қилинади.

11/9 *Дар омад дар харобот-е фано ай дел дегар фони,
Зе аҳл-е тўйбе-о тақво нагуи баъд аз ин у-ро.*

(Эй дил энди Фоний фано хароботига кирди,
Бундан кейин гапирма тавба-ю тақво аҳлидан).

Бу ўринда “дил” сўзи “ҳақиқат кўзгуси” маъно белгисини касб этапти. Шоир ўша “ҳақ мазҳари”, яъни илоҳий ҳақиқатни ўзида жо қилган дилга мурожаат қилиб, гўё “сен ўзинг гувоҳсан Фоний фано даштига кирди, энди унга дунё аҳлининг ғам-ташвишларидан гапирма” демоқчи бўлади.

¹ Ўша китоб.

Ҳар бир ғазалда “дил”нинг янгидан-янги маъно қирралари очилиб боради. Жумладан:

*13/6 Ғафлат орад воез-у дар дел мусалсал гуфтанат
Сохти гуйо зе баҳр-е хоб ин афсонепро.*

(Эй воиз тинимсиз вайсапинг дилни ғафлатга солгуси,
Гўё ухлатиш учун тўқибсан бу афсонани).

Бу байтда “дил”нинг зоҳирий маъно белгиси “бедорлик манбаи”дир. Чунки унга “Ғафлат” сўзи қарама-қарши қўйилади. Тасаввуфий маънода бу “ҳақ асрорига восил” бўлиш кудратидир. Тасаввуфий истилоҳда “мукошафа”, яъни “ҳақиқат сирларини солиқнинг дилига аён бўлиш” жараёнига айтилади.

“Дил”нинг яна бир маъно белгиси қуйидаги байтда намоён бўлади:

*14/2 Дар жафо дорад қарор он чеشم-о бидорхоб,
Зе он ке бурданд аз дел-о чеشم қарор-у хоб-ро.*

(Жафода қарор тошгай ул кўз бедорликда уйку,
Чунки дил-у кўзимдан олди қарор-у уйкуни):

Зоҳиран “дил”нинг “безовталиқ манбаи” маъно белгиси маъшукнинг кўзи таъсирида намоён бўлади. Тасаввуфий маънода эса бу “маърифат манбаи” маъно белгисини касб қилади. *Чеشم* (кўз) “илоҳий нур”дир ва бу “илоҳий нур” тушган қалб “Оллоҳ маърифати”дан баҳраманд бўлади.

“Дил” сўзининг бир неча байтдаги маънолар силсиласининг таҳлили шуни кўрсатадики, Алишер Навоийнинг форсча ғазалларидаги “дил”нинг маъно белгилари форсча изоҳли луғатларда берилган маънолар таркиби билан чекланмайди ва луғавий, кўчма, тасаввуфий ва фалсафий маъно белгилари касб этади.

Бу таҳлилдан шу нарса маълум бўладики, Алишер Навоийнинг форсча ғазалларига алоҳида муаллифлик луғати тузиш керак ва ҳар бир сўзнинг тўғри ва кўчма маъноларини байтлардаги мисоллари билан изоҳлаб кўрсатиш керак.

“Сабъаи сайёр”да “кўнгул” маънолари

“Кўнгул” сўзи мумтоз адабиётда серқирра маъноларга эга бўлиб, инсоннинг руҳий ҳолати, ички кечинмалари, ўй-хаёллари, ҳиссиёт оламини ўзида мужассам этади. Шеърят – сўз санъати. Шоирнинг етуклиги, буюклиги, ижодий кудрати инсон кўнглида кечаётган жараёнларни имкон қадар жозибали, ноёб, киши хаёлига келтирмаган ранг-баранг сўз, ибораларда ифодалашдир. Алишпер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” асарида “кўнгул” сўзи қатнашган байтлар сони 169 та. Шоир бу сатрларда инсон кўнглида кечаётган турли кечинмалар, руҳий ҳолатларни турли ўхшатишлар, мажозлар воситасида қилни қирқ ёриб ифодалашга ҳаракат қилади.

Шоир инсон кўнглидаги меҳр-муҳаббат, ишқ-севги, завқ-шавқ, руҳий кечинмаларини бир-бирига ўхшамаган, бири иккинчисини такрорламайдиган шундай ибораларда ифодалайди:

5/54 Лаҳнин эл кўнгли ичра мақбул эт,
Ҳар не мақбул иш они машғул эт.

Бу байтда “бирон бир ишни жон-дили билан севишни” “кўнгли ичра мақбул этмоқ” ибораси билан ифодалаган. Бу байтда “кўнгил” – “завқ манбаи” маъносини ифодалаган. Кейинги байтда инсон кўнглидаги ишқни ўтга ўхшатади:

6/49 Ўтки оламини ўртабон асари,
Келибон кўнгли ўтининг шарари.

Яъни: шоир яратган асарлардаги ишқ ўти оламни ўртайди, ammo бу ўт “шоир кўнглидаги ўтнинг бир учкуни” деган маъно англашилади. Шоир бу байтда “кўнгул”ни “жўшқин ҳиссиёт манбаи” деб маъно беради.

13/91 Шаҳ чу кўрди нигори зебони,
Андин ўз кўнгли ношикибони.

“Зебо нигор”ни кўргандан сўнг “шоҳ кўнглида жўш урган ишқ ҳаяжонидан сабрини йўқотди” деб ифодалаган. Бу байтдаги “ношикибо” сўзи форсча бўлиб, “сабрсиз” маъносини англатади. Бу байтда “кўнгил” сўзи “сабр-тоқат манбаи” маъносини ифодалайди.

Шоир асар қаҳрамони кўнглида кечаётган ишқ туйғусини ифодалаш учун янгидан-янги иборалар қўллайди:

16/4 Ишқ хайлу сипоҳи айлаб зўр,
Кўнгли мулкига солди ғорати Ғўр.

Бу байтда кўнгилдаги ишқ ғалаёнини “ғорат солинган Ғўр шаҳрига” ўхшатади. Бу ўта ноёб ўхшатиш бўлиб, фақат Алишер Навоийдек буюк шоир бундай тўтилмаган ўхшатиш ишлатиши мумкин. Бу байтда “кўнгил” “бир вайрона мамлакат”га ўхшатишган.

Шоир кўнгилдаги ишқ туғёнини ифодалаш учун қўллаган ҳар бир ибора ўз моҳият эътиборига кўра яғонадир:

25/333 Ошиқона чекиб суруд у наво
Ҳар дам айлаб юқори кўнгли ҳаво.

Бу байтда кўнгилдаги ишқ туғёни ҳар лаҳза ошиб боришини “кўнгли юқори айлаб ҳаво” иборасида ифодалаган. “Кўнгил” “парвоз қилаётган қуш”га ўхшатишган.

Кейинги байтда Суҳайлнинг кўнглидаги Меҳрға нисбатан ишқ туйғусини ифодалаш учун шундай ибора қўллади:

29/77 Меҳр зулфиға кўнгли боғлиғ эди,
Бу анға гўйиё атоғлиғ эди.

Шоир бу байтда инсон ақлини лол қолдирадиган ўхшатиш ишлатади. “Меҳрни севарди” ўрнига “Меҳр зулфиға кўнгли боғлиғ эди” жумласини ишлатади. Яъни “кўнгил”ни “қўл – оёғи боғлиқ асир”га ўхшатади.

Алишер Навоийнинг буюк ижодий кудрати шундаки, бу ўхшатишлар қуйма байтларда ҳар гал дostonнинг мазмун-моҳиятига қараб воқеа ва ҳодисага муносиб нодир ўхшатишлар туғилаверади. Эътибор беринг:

27/159 Ўйла кўнглида меҳри ер тутти,
Ки яна хулқи меҳрин уркутти.

Ба байтда “кимгадир нисбатан меҳр қўймоқ” маъноси “кўнглида меҳри ер тутти” жумласида “унинг хулқи кўнглидаги меҳрни янада опирди” маъноси эса “яна хулқи меҳрин уркутти” жумласида ифодаланган. “Меҳрин уркутти” ибораси ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган ўхшатиш. “Хуркитмоқ” сўзи, одатда, отларга нисбатан “бирон кутилмаган ҳодисадан отларнинг осмонга

сапчишини” ифодалайди. Бу ўринда “меҳрнинг осмонга ўрлаши” маъносида ишлатилган. Бу байтда “кўнгил” “қимматбаҳо жавоҳирлар сақланадиган маҳзан”га ўхшатиш.

Кейинги байтда шоир “қизнинг кўнглини ишқ ҳисси чулғаган эди” мазмунини қуйидагича ифодалайди:

27/327 Ишқдин чун бор эди кўнглида банд,
Бандини кўрса эрди ҳожатманд.

Шоир бу байтда “кўнглида ишқдин банд бор эди” жумласи билан “ошиқ” маъносини ифодалаган. Бу ҳам ғаройиб ўхшатиш.

Шоир яна бир байтда кўнгилдаги қайноқ меҳрни шундай сатрларда ифодалайди:

31/289 Муқбили хушбаёну зебочеҳр,
Ўйла гарм этти шоҳ кўнглида меҳр.

“Гарм этти” форсча сўз бўлиб, “иситмоқ”, “қизитмоқ” маъноларини ифодалайди. Бу ўринда “шоҳ кўнглида меҳри жўш урди” маъносини ифодалаб келган. “Кўнгил” “қайноқ эҳтирос манбаи” маъно белгисини касб қилган.

Шоирнинг ҳар бир кўнгилдаги ишқ туйғусини ифодалаган ихтиролари киши ақлини лол қолдиради:

27/340 Чун эшитти отин бути чолок,
Ишқдин тушти кўнглига топок.

Бу байтдаги “топок” сўзи “юракнинг хафриқиб уриши” маъносини англатиб, форс тилида ҳам ўта кам ишлатиладиган сўз. Бу шоирнинг форс тилини ипидан игнасигача мукамал билишини, билишгина эмас керак пайтида ҳеч ўйланмай ишлата олишини кўрсатади. Бу байтнинг мазмуни шуки, “Тўзал дилбарнинг отини эшитиши билан кўнглида ишқ ғалаёни бошланди” маъносини ифодалайди. “Кўнгил” бу байтда “юрак уришига” ўхшатишган.

Мехр-муҳаббат ифодаланган ҳар бир сатр ўзининг янгилиги билан ажралиб туради.

27/218 Шох деди эй рафиқи зебо чехр,
Кўнглумиз боғида кўп эккан мехр.

Бу байтда “кўнгул”ни “бокқа” ва “мехр”ни эса унда экилган “гуллар”га ўхшатади.

Куйидаги байтда ишқ туйғусининг яна бир ажойиб ўхшатиши ўрин олган: ✓

18/43 Ҳар кўнгил ичра солса ишқ ўти тоб,
Керак ул баҳри васлдин сероб.

Бу байтда “кўнгил” “оташгоҳ”га ишқ туйғусини оловга ўхшатади ва ўтни учиритиш учун “баҳри васл” – “васл денгизи” кераклигини таъкидлайди. Бу билан шоир ишқ туйғусининг оламини куйдирувчи кудратини ифодалаган, чунки уни ўчиритиш учун бир денгизнинг суви керак бўлур эди.

Бошқа бир байтда ишқ ўтини ўчириб бўлмаслигини таъкидлайди:

17/7 Ишқ ўтиким кўнгилдин олди фароғ,
Ашқ ул ўтқадур сув ўрнига ёғ.

Байт мазмуни: “Ишқ ўти кўнгил тинчлигини олса, кўз” ёши бу ўтга сув ўрнига ёғдай таъсир қилади”, дейди. Бу байтда “кўнгил” “осойишта ҳиссиёт маъноси”га ўхшатишган.

Шоир “ишқ шундай кучли оловки, уни кўз ёши баттар аланглатади” демоқчи бўлади.

Кўнгулдаги ишқ туғёнини яна бир байтда шундай ифодалайди:

16/13 Зар жисмида юз шикан тушти,
Хаста кўнглига минг тикан тушти.

Бу байтда кўнгилидаги ишқ ҳиссини юракка санчилган тиканга ўхшатади. Бу ҳам ноёб ўхшатиш бўлиб, кўнгилдаги ишқ ғалаёнини юракка санчилган минг тиканга ўхшатмоқда. Яъни “кўнгил” “азоб-уқубат манбаи” маъносини ифодалаган.

Кўнгилдаги ишқ савдоси залворидан эзилган киши ҳолатини шундай тасвирлайди:

21/167 Кўнгли андоқ ҳаётдан тўйди,
Жон берурга яқин кўнгул қўйди.

Бу кўнгил дилбарига етишдан умиди узилган опшиқ холати бўлиб, кўнгилдаги ишқ шиддатидан ўлишга ҳам тайёр эканлиги тасвирланган. Бу байтда “кўнгил” “ҳаётдан тўйган опшиқ” маъносини гавдалантирган.

Шоир ҳар бир асар қаҳрамонининг ишқий можаросига ўзига муносиб, бетакрор тасвирий восита яратади:

29/68 Меҳр кўзига шомдек айём,
Меҳрдек кўнгли ўртаниб то шом.

Бу байтда биринчи сатрдаги “Меҳр” асар қаҳрамонининг исми, иккинчи сатрдаги “меҳр” эса, форс тилида “куёш” маъносини англатади. Бу сатрда шоир “кўнгил”ни куёшга, кўнгилда кечаётган жараённи “куёшдаги кучли ёнғин”га ўхшатади. Яъни “кўнгил” сўзи “олов манбаи” маъносини беради.

“Сабъаи сайёр”даги ҳар бир “кўнгил” рамзий тимсоли учраган байт “кўнгил”нинг мажозий маъноларини кенгайтириб боради.

4/17 Даҳр шўру шарридан осуда,
Кўнгил уйғоғу кўзи уйқуда.

Бу байтдаги “кўнгли уйғоқ” бирикмасида “кўнгил” – “хушёр шахс” маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: “Бу дунё ғалаёнлари ва зиён-заҳматидан осуда, кўзи уйқуда бўлса ҳам кўнгли хушёр” эди, деган мазмун ифодаланган.

Кейинги байтда “кўнгил” турғун бирикма таркибида келиб, мажозий маъно ифодалаган:

21/7 Бор эди бир хужаста фарзанди,
Кўнгли қути-ю бағри пайванди.

Бу байтдаги “кўнгли қути” бирикмаси “жон озиғи” маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: “Унинг (ҳинд подшоҳи) кўнглига қувват бағишлайдиган бир саодатли жигарбанди – фарзанди бор эди”. Кейинги байтда ҳам “кўнгил” сўзи бирикма таркибида келган:

21/56 Ким ато ашки они паст эмас,
Кўнгли топмас қарор то кетмас.

Байтнинг мазмуни: Отасининг йиғиси дилидаги иштиёкни сўндуролмайди, то кетмагунча кўнгли тинчимайди. Яъни “кўнгли қарор топмоқ” бирикмаси “орзу-истагига етмоқ” маъносини ифодалаган. Қуйидаги байтда “кўнгил”нинг сифати ифодаланган:

21/67 Фаррух ул пок ерга чун етти,
Пок кўнгли била тавоф этти.

Байтнинг мазмуни: Фаррух покиза ерга етгач, “яхши ният билан тавоф этти”. Бу байтдаги “пок кўнгил” – “қора ниятли одам”га нисбатан “яхши ниятли шахс” кўчма маъносини ифодалаган.

Алишер Навоий баъзи сўз бирикмаларини одатий маъносида эмас, янгича маънода ишлатади:

21/92 Чунки ул нур қолмади кўзида,
Кўнгли бир лаҳза йўқ эди ўзида.

Ўзига келгач очти кўз ҳоли
Дашт ўлиб эрди халқдин холи.

Бу байтдаги “кўнгли ўзида йўқ” бирикмаси одатий тусда “бирон ишга майли йўқ” маъносида ишлатилади. Аммо кейинги байтдаги “ўзига келгач” мазмунидан маълум бўладики, “кўнгли ўзида йўқ” бирикмаси “хушини йўқотган эди” маъносини ифодалаб келган. Кейинги байтдаги “кўнгли бузулмоқ” бирикмаси ҳам ғайриоддий маънода қўлланилган:

21/140 Кўнгли ўз ҳолига бузулди баче,
Куйди ғам ўтида нечукки хаче.

Бу байтдаги “кўнгли бузилди” бирикмаси, одатда, “ранжимоқ, бирон нарсадан хафа бўлмоқ” маъносида ишлатилади. Бу ўринда “кўнгли ўз ҳолига бузулди” бирикмаси “ўз аҳволига куйинмоқ, ачинмоқ” маъносини ифодалаган. Кейинги байтда “кўнглига марҳам ёқмоқ” бирикмаси “дил ярасига малҳам қўймоқ” бирикмасининг варианты сифатида ишлатилган:

21/175 Бўлубон бир нафас анга ҳамдам,
Ёқибон кўнгли захмига марҳам.

Бу байтдаги “кўнгил захмига марҳам ёқмоқ” кўчма маънода “далда бермоқ”, “дардини енгиллатмоқ” маъносини ифодалайди.

Кейинги байтда “кўнгли ободон бўлмоқ” бирикмасида “кўнгил” “уй-жой, макон”га ўхшатишган. Лекин бирикма

кўчма маънода “хурсанд бўлмоқ”, “кайфияти кўтарилмоқ”, деб талқин қилинади. “Кўнгил” сўзи ҳар бир байтда ўзининг янгидан-янги маъно қирраларини ошкор қилади.

25/127 Кўнгли ичра улум пинҳоний
Кон ичинда жавоҳири коний.

Бу байтда “кўнгил” сўзи “билим махзани” маъносини касб қилган. Байтнинг мазмуни: “Кон ичида жавоҳир кони каби, кўнглида илмлар яширинган”. “Кўнгил”нинг яна бир маъноси:

25/349 Кирди чун кўнгли бўлди фикратсоз,
Кечаги ҳоли ёдиға оз-оз.

Бу байтда “кўнгил” – “тафаккур манбаи” маъно қиррасида намоён бўлган. Байтнинг мазмуни: “Кўнгли фикр юритишга қодир бўлгандан сўнг кечаги аҳволи бир-бир ёдига келди”. Кейинги байт:

33/80 Бир нафас чунки элни зор қилиб,
Савти тош кўнгли ичра кор қилиб.

Бу байтда “кўнгил” сўзи “меҳр-муҳаббат манбаи” маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: “Бир нафасда элнинг тош юрагини юмшатиб, зор йиғлатарди”.

Яна бир маъноси: =

21/442 Етти бўлғонда тийраю ранжур
Кўнглига ғайб оламиндин нур.

Бу байтда “кўнгил” сўзи “илоҳий нур манбаи” маъносини касб қилади. Байтнинг мазмуни: “Кўнглига дунё қоронғи бўлиб, қайғуга ботганида ғайб оламидан нур етти”.

25/350 Туши чун кирди кўнглига бир-бир,
Қилди аввалги куш сўзин таъбир.

Бу байтда “кўнгил” сўзи “хотира манбаи” маъносини англатиб келган. Байт мазмуни: “Кўрган туши ёдига тушгач, биринчи куш айтган сўзларини таъбир қилди”.

36/1 Эй кўнгул боқмагил жаҳон ишига,
Ким жаҳон қилмади вафо кишига.

Бу байтда “кўнгул” сўзи “ақл-идрок эгаси” маъносини касб қилган. Байт мазмуни: “Эй ақл-идрок эгаси – кўнгил, бу жаҳон ишларига қарама, чунки бу жаҳон ҳеч кимга вафо қилмади”.

Шундай қилиб “Сабъаи сайёр” достонида “кўнгил” сўзининг қуйидаги маъно қирралари ифодаланади: “*завқ манбаи*”, “*жўшқин ҳиссиёт манбаи*”, “*сабр-тоқат манбаи*”, “*мамлакат*”, “*парвоздаги куш*”, “*асир*”, “*жавоҳир манбаи*”, “*ошиқ*”, “*эхтирос манбаи*”, “*безовта юрак*”, “*боғ*”, “*оташгоҳ*”, “*осойишталик манбаи*”, “*азоб-уқубат манбаи*”, “*жонидан тўйган киши*”, “*олов манбаи*”, “*хушёр шахс*”, “*жон озиғи*”, “*орзу-истак манбаи*”, “*яхши ният манбаи*”, “*эс-ҳуш манбаи*”, “*қуйиб-ёниш манбаи*”, “*дард манбаи*”, “*уй-жой, макон*”, “*яхши кайфият манбаи*”, “*билим маҳзани*”, “*тафаккур манбаи*”, “*меҳр-муҳаббат манбаи*”, “*илоҳий нур*”.

манбаи”, “хотира манбаи”, “ақл-идрок манбаи”, жами 32 маънони ифодалаб келган.

Бир мақола доирасида “кўнгил” сўзи учраган барча 169 байтни таҳлил қилиниши, мақола ҳажми кўтармаганлиги учун бу мақолада “кўнгил”нинг энг ёрқин ва ноёб маънолари таҳлилга тортилди. Қолган байтлардаги “кўнгил” маънолари шунга яқин ва ё шу маъноларнинг турли вариантларини ифодалаб келган.

Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати тузилаётганда, қолган байтлар ҳам назарга олиниши керак. Чунки ҳар бир байтдаги очилган янги қирраси ўзбек тилининг янада бойишига сабаб бўлади.

“Сабъаи сайёр”да “ақл”

“Ақл” сўзи “Сабъаи сайёр”да “хуш”, “хирад”, “дониш”, “фикр”, “тафаккур”, “хикмат”, “кўнгил”, “андиша”, “зеҳн”, “онг”, “эс”, “руҳ”, “идрок”, “хотир”, “мағз”, “димоғ” каби вариантларда учрайди. Шундан маълум бўладики, “ақл” инсон мияси фаолиятининг ҳосиласи. “Ақл”нинг вазифалари ички ва ташқи ҳиссиёт таъсирларини идрок қилиш ва уларнинг ижобий ва салбий хусусиятини ажратиш, инсоннинг кўриш, ҳид билиш, там билиш, сезги ва эшитиш орқали касб қилган маълумотлари бўйича фикр юритиш ва шунга мутаносиб қарорга келиш; олинган ички ва ташқи маълумотларни эслаб қолиш; дунёдаги моддий ва ғайбий нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билимларни эгаллаш ва бу билим асосида мушоҳада юргизиш, доно фикр ва амалларни юзага чиқариш.

“Ақл” зотий хусусиятига кўра туғма ва касбий турларига бўлинади. Туғма ақл — бу инсондаги табиий истеъдод ва қобилият. Ҳар бир инсонда бир туғма қобилият мавжуд: турли ҳунарларни ўрганиш қобилияти, турли билимларни эгаллаш қобилияти, одамдаги ҳодиса ва воқеалар юзасидан теран мулоҳаза юритиш қобилияти, турли жисмоний ҳаракатларни бажариш қобилияти ва ҳ.к. Касбий ақл эса — бу ҳаётий тажриба ва ўқиш-ўрганиш орқали эришилган билим даражаси.

Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” дostonида “ақл” сўзи 37 марта қўлланган. Шундан маълум бўладики, бу дostonда “ақл” сўзининг маъно қирралари ўта бой бўлиб, бу маъноларни аниқлаш учун бу сўз учраган ҳар бир байт таҳлил қилинади.

“Ақл” сўзи биринчи марта куйидаги байтда учрайди:

1/33 Лек чун ақл росткиш эрмас,
Иш анга бир далил беш эрмас.

Бу байтда “ақл” истиора санъати воситасида шахс маъносини касб қилган. Бу истиоранинг белгиси “росткиш” сўзи бўлиб, шахс сифатларидандир. “Росткиш” сўзи форсча бўлиб, форс тилида ҳам кам ишлатиладиган “чин ақидали”, “диёнатли” маъносини ифодалайди. Байтнинг мазмуни: “Ақл чин ақидали бўлмагани учун дунё ишларида у фақат далилга таянади”. Бунда “ақл”нинг ижтимоий муносабатлардаги маъносига ишора бор: “ақл илм-фан орқали исботланган далилларнигина ҳақиқат деб тан олади, диний ақидалар эса далил-исботга эмас, ваҳий орқали келган ҳақиқатларга таянади”.

Бу фикр кейинги байтда аниқ-таниқ ифодаланади:

1/35 Ақлнинг бор иши табоҳий ўлуб,
Анда ким ҳикмати илоҳий ўлуб.

Бу байтда “ақл”нинг “таҳлил кудратига эга” маъно белгиси намоён бўлган. Байтнинг мазмуни: “Илоҳий ҳикмат олдида ақлнинг барча ҳаракатлари чиппакка чиқади” деган маъно беради. Бу байтда “ақл”нинг ғайб дунёсини илмий таҳлил қила олиш имконини инкор қилинган.

1/30-33 Адам эрконда айламак мавжуд
Бўлса мавжуд қилмоғинг нобуд
Не учун эрканин киши билмас,

Киши ҳар неки ҳақ иши билмас.
Ақлга гарчи бесабаб кўрунуб,
Ясабон бузмоғи ажаб кўрунуб.

Бу парчанинг мазмуни: “Йўқдан [одамни] бор қилиб, ундан сўнг қайтадан уни йўқ қилиниши бу Оллоҳнинг иши, буни нимага эканлигини ҳеч ким билмайди, гарчи ўзи ясаб яна бузиши ақлга бесабаб кўринади”.

Бу байтда “ақл”нинг “билиш қобилияти” юзага чиққан. “Ақл”нинг касбий жиҳати дунё ҳодиса ва воқеаларининг сабабини излаш орқали қўлга киритилади. Бу ўринда сабаби номаълум бўлгани учун ақл билиш қобилиятидан ожиз.

1/34 Бу иш бўлмоқ қабул ё рад анго,
Ақли бўлган билурки йўқ ҳад анго.

Байтнинг мазмуни: Бу иш ҳақида ақлли одам ҳукм чиқариш қўлидан келмаслигини билади. Бу ўринда “ақли бўлган” бирикмаси “тафаккур эгаси”, яъни “фикр юритишга қодир киши” назарда тутилган.

1/36 Чун кўруб ақл ройи мухталифи,
Кўзини кўр этиб қазо алифи.

Байтнинг мазмуни: Агар ақл Оллоҳнинг ишига ихтилоф, яъни қарши назар билан қараса, “зоти аҳадият” (қазо алифи) унинг кўзини кўр қилади. Бошқача айтганда, Оллоҳнинг ишларига шак келтириш мумкин эмас, демоқчи.

Бу ўринда “ақл”нинг мушоҳада қилаётган нарса ва ҳодисалар юзасидан “ҳукм чиқариш” қобилияти воқелашган.

7/29 Чунки таҳрик топти силсиласи,
Телбалик бўлди ақл масъаласи.

Бу байтда зоҳиран Жомийнинг “Силсилат уз-заҳаб” (“Олтин занжир”) достони ҳақида кетмоқда. Лекин байтда мажозий маъно яширин: “Силсила” (занжир) деб, Оллоҳнинг тажаллийсига ишора бор. Оллоҳнинг нури оламдаги мавжудотларни силсила шаклида бирин-кетин яратган.

Бу байтдаги “ақл”нинг “соғлом тафаккур фаолиятини бой бериш”, яъни “телбалик” хусусияти юзага чиққан.

8/71-73 Етти афсона кўрганин яна,
Дегасен етти турфа афсона.
Ким латофатдин элга жон бергай,
Тан аро рухдин нишон бергай.
Ақл оғзига келтуруб кулгу
Кўзига рухнинг солиб уйку.

Парча мазмуни: Етти сайёҳ етти афсона кўргани ҳақида етти турфа афсона ҳикоя қил, токи ақл шодмон бўлиб, Рух роҳатланиб ухласин”. Бу ўринда “ақл” сўзи “руҳий ҳолат”ни ифодаламоқда. Бунда “ақл”нинг “ҳиссиётларни бошқариш қобилияти” акс этган.

8/128-129 Анга худ ғафлат ўлди даъбу сифат
Уйкусига фасона не ҳожат.
Бўлса ҳам ақл ман қилмасму,
Қисса айтур киши топилмасму?

Байтнинг мазмуни: “[Баҳромшоҳ]нинг одати ғафлат бўлса, уни ухлатиш учун қиссахон [хур кизлар] керакми, бу ақлга сиғмайдиган ҳолатку!” Бу ўринда “ақл” сўзининг “назорат қилиш қобилияти” акс этган.

11/3-4 Ким тугатти чу сунъ меъмори
Тарҳ этиб коинот бозори...
Ақл саррофи бу ғулув ичра,
Очти дўконни чорсу ичра.

Парча мазмуни: “Яратувчи бу коинот бозори (олам)ни яратгач “ақл саррофи” (пул айирбошловчи) чорсуда дўконини очти”. Бу ўринда “ақл” саррофга ўхшатиш. Бунинг мажозий маъноси “дунё ҳодисаларини ақл тарозисига солиб, “ҳақни ботилдан ажратиш”дир. Чунки сарроф соф тилла тангани қалбакисидан ажратади.

12/143 Мени бу суврат айлади шайдо,
Ақл шайдоға бўлмағай пайдо.

Бу байтда “ақл” сўзи “ошиқ”қа ўхшатиш. “Ошиқ” кишида “ақлий фаолият” ўрнини “ҳиссиёт” эгаллайди. Яъни инсон фикр-мулоҳаза қобилиятини бой бериб, фақат ҳиссиёт етакчилигида иш кўради. Шу сабабли бу ўринда “ақл”нинг маъноси “соф ҳиссиёт” деб талқин қилинади.

17/66-67 Ишқ чун разму кин шиор этти
Хайли сабримни тору-мор этти.
Менда бор эди ақл ҳам дин ҳам
Ғамда тоқат балода тамкин ҳам.

Парча мазмуни: “Мен ақл ва шариатга кўра иш қилардимки, ишқ савдосига тушгач, булардан маҳрум бўлдим”. Бу ўринда “ақл” сўзи “сабру тоқат манбаи” маъносини ифодалаган. Бунинг белгиси “ишқ хайли сабримни тор-мор этти”.

18/17 Солди савдо димоғи ичра халал,
Ақлу ҳуши жунунга бўлди бадал.

Байт мазмуни: [Ишқ] савдоси миясига шикаст етказди, ақлу ҳуши ўрнини жиннилик эгаллади. Бу байтда “ақл - телбалик манбаи” маъно белгиси ифодаланган.

19/37-38 Бор эди етти шохда етти пари,
Парда кейнида ақл пардадари.
Ҳар бири ақлу жонга офат бўлиб,
Ақлу жон йўқ, жаҳонга офат ўлуб.

Парча мазмуни: “Етти подшоҳнинг ҳар бири ақлу жоннинггина эмас, жаҳоннинг офати бўлган парда ортида пардани йиртувчи қизлари бор эди”. Бу ўринда “ақл”нинг “гўзаллик шайдоси” маъно белгиси намоён бўлган.

21/331 Деди маҳвашқа к-эй ҳамида хисол,
Кўрмаган ақл сувратингга мисол.

Байт мазмуни: “Эй, яхши хислатли маҳваш ақл сендек чеҳра эгасини кўрмаган”. Яъни “ақл” бу байтда “таққослаш манбаи” маъно белгисини билдирмоқда.

21/355 Ўйла монанд ким соғингай ақл,
Ки Ҳалаб Ҳинд сори қилмиш нақл.

Байт мазмуни: “Ҳалаб шаҳри Ҳиндистонга кўчиб келганга ўхшайди деб ақл гумонга боради”. Бу байтдаги “ақл соғинмоқ” бирикмаси “хаёлга келтириш, гумонсираш” маъносини ифодалаган. Бу ақлий фаолиятнинг “фараз қилиш” қобилияти, яъни кўрган-кечирган нарсалари ҳақида хаёлий ҳукм чиқариш хусусияти очилган.

23/203 Тушти куффор ичинда тўфонлар,
Ақлу дониш кўринг мусулмонлар.

Байтнинг мазмуни: “Мусулмонлар бунчалар тафаккур қудрати ва билимни кўринг, буни кўрган кофирлар устига кучли довул ёпирилгандай бўлди”. Бу ўринда “ақл” – “тафаккур кучи”, “билим кучи” маъносида қўлланилган.

25/116 Яна бир кордони комил ақл,
Ки иккинчи сўз эшитиш эрди нақл.

Байт мазмуни: “Яна бир донишманд ишбилармон киши иккинчи фикрни баён қилди”. Бу байтдаги “комил ақл” инсоннинг сифатларидан бўлиб, “билимдон, донишманд, юксак тафаккур эгаси” маъносини ифодалаган.

25/155 Ҳавасим оқибат ғулув қилди,
Ўзини ақл чоражў билди.

Байт мазмуни: “Натижада [донишманд] ҳаваси ҳаддан ошиб, бу ҳавас чорасини ақл излаб топди”. Бу байтда “ақл” сўзи “тадбир манбаи”, “мушкул муаммоларнинг ечимини топиш манбаи” сифатида намоён бўлган.

27/188 Яна кундузга чекти ул мажлис,
Кўймай ул мажлис элга ақл ила ҳис.

Байт мазмуни: “Бу йиғин (зиёфат) тун бўйи давом этти кундузгача чўзилди, унинг қатнашчилари [мастликдан] ақл-у ҳисдан айрилдилар”. Бу байтда “ақл”, “ҳис”га қарама-қарши кўйилиб, “ўз-ўзини бошқариш қобилияти” юзага чиққан.

27/208 Шаклидин ақлу ҳис бўлуб мабхут
Май анга суву найшакар анга кут.

Байт мазмуни: “Бу [туя] сув ўрнига май, овқат ўрнига шакар қамиш ерди, унинг ташқи кўринишидан ақл-у ҳис ҳангу-манг бўлар эди”. Бу ўринда “ақл”нинг “ҳайрат мабаи” маъно белгиси ифодаланган.

36/51 Деди ул лаҳза ақл ўлуб ожиз,
Гўё Баҳром йўқ эди ҳаргиз.

Байт мазмуни: “Баҳромни [ер ютгач] гўё у аслан бу дунёда бўлмагандай беасар кетганидан ақл тушунолмай хайрон эди”. Яъни “ақл”нинг “идрок қилиш қобилияти” ифодаланган.

21/239 Чун ҳижоб олди ақлдин бода,
Бўлди беихтиёр шаҳзода.

Байт мазмуни: “Бода шаҳзода ақлидан [шарму ҳаё] пардасини кўтаргач, ихтиёрини қўлдан бой берди”. Бу ўринда “ақл”нинг “шарму ҳаё манбаи” маъно белгиси намоён бўлган.

33/252 Ақлдин жаҳл сори қайтибмен
Ул қадар ҳашву ҳарза айтибмен.

Байт мазмуни: “Шу қадар бўлмағур нарсаларни айтиб юбордим, ақлимни йўқотиб жаҳолатга қайтибмен”. Бу ўринда “ақл” “жаҳл”га мутазод шаклида қўлланилиб, “донолик ва жаҳолат манбаи” маъносини касб қилган.

8/49 К-эй ҳумоюнрухи хужаста жамол,
Ақли кул шахсидин юзунг тимсол.

Байтнинг мазмуни: “Эй нуроний чехрали саодатли жамол эгаси, юзинг “ақли кул” тимсолидир”. “Ақли кул” мажозий маъноларидан бири “пайғамбар”ни билдиради. Бу ўринда “ақли кул” “пайғамбар” маъносига тўла мос келади. Бунинг белгиси “юзинг ақли кул шахсидин тимсол”, яъни “юзинг пайғамбар (а) чехрасига ўхшайди”, жумласида яширин.

Юқорида амалга оширилган “ақл”нинг матн бўйича таҳлилидан маълум бўладики, бу рамзий ифода бўлиб, ҳар бир байтда турфа маъно белгиларини ифодалайди. Табиийки, “ақл” учраган ҳамма байтларда янги маъно

қиррасини касб қилмайди. Бу таҳлилда “ақл”нинг фақат янги маъно касб қилган байтлари таҳлилга тортилди.

Натижада “ақл”нинг кўйидаги маъно белгилари кашф қилинди: “чин ақида”, “таҳлил қобилиятига эга”, “билиш қобилияти”, “фикрлаш қобилияти”, “ўз-ўзини бошқариш қобилияти”, “соғлом фикр манбаи”, “руҳий ҳолат манбаи”, “назорат қилиш қобилияти”, “ҳақиқатни англаш қобилияти”, “ошиқ”, “сабру-тоқат манбаи”, “телбалик манбаи”, “гўзаллик шайдоси”, “қиёслаш манбаи”, “фараз қилиш манбаи”, “билим қудрати”, “доншмандлик”, “тадбир манбаи”, “ҳайрат манбаи”, “идрок қилиш қобилияти”, “шарм-ҳаё манбаи”, “донолик ва жаҳолат манбаи”, “пайгамбар” — жами 23 маъно белгисини ифодалагани аниқланди.

“Сабъаи сайёр”да гўзаллик тимсоли

Ўрта аср туркий тил адабиётида, форс адабиёти каби, ғазал жанрида инсон гўзаллиги тасвирида унинг жинси ажратилмайди. Бунинг сабаби нима, деган саволга тадқиқотчилар турлича жавоб беришади. Баъзилар буни шариат аҳкомлари билан боғлаб, мусулмон жамиятида аёлларга номаҳрам эркак нигоҳи тушиши мумкин эмас эди, шунинг учун ғазалиётда аёллар гўзаллиги эмас, умуман инсон гўзаллиги тасвирланган, деб изоҳлашади. Масалан, “Ғаройиб ус-сиғар”дан байт:

Кўнгулни чоку бағирни шикоф истарима,
Анинг қиличи била ханжари эрур боис.
Ҳамиша дайр ичра бўлмоғимга муғбачалар
Карапмасию, фано соғари эрур боис.¹

Бу байтлардан кўриниб турибдики, қилич билан ханжарни аёллар осиб юрмайди, эркак кишилар олиб юради. Иккинчи байтда ундан ҳам аниқроқ белгиси ифодаланган: “муғбача” сўзи “Навоий асарлари учун қисқача луғат”да² “1) оташпараст бола; 2) чиройли бола; 3) май ташувчи бола”, деб изоҳланади. Демак, бу байтда ўғил боланинг карапмаси ҳақида гап кетмоқда.

У ҳолда ошиқ-маъшук каби тушунчаларни қандай талқин қилиш мумкин? Лирик қаҳрамон муғбачанинг карапмасига ошиқми? Бу саволларга Навоий “Сабъи сайёр” достонида шундай аниқлик киритади:

¹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 1-жилд. Т., 2011. 112-б.

² Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. Т., 1993.

1/59 Ул қилиб жилва бу бўлуб шайдо,
Ишқ бўлди жаҳон аро пайдо.
Бўлди ошиқ бири, бири маъшук,
Йўқки ул оташину бу маҳрук.
Ҳам анга ўртамак буюрган ишқ,
Ҳам мунунг жониға ўт урғон ишқ.
Булбулу гул баҳонадур бориси,
Балки сендин фасонадур бориси.
Келди бу икки сарбасар нобуд,
Сенки мавжуд, балки айни вужуд.
Ишқ сенсен дағию ошиқ сен,
Яно маъшуклуққа лойиқсен.
Айни маъшуклуқда жилваи зот,
Ўзини кўргали тилаб миръот
Хуснунга ҳар дам ўзга суврат ўлуб,
Кўзгу такрори ҳам зарурат ўлуб.
Неча хусн ичра жилва зоҳир анга,
Кўзгулук айлабон мазохир анга.
Хуснунг айлаб ўкуш сифат ичра,
Ҳар замон жилва коинот ичра.
... Сенсену сендин ўзга худ нима йўқ,
Гар кўрунса сен ўлгунг ул нима йўқ...¹

Бу сатрлар мазмуни шуки, илоҳий ҳусн ўзини кўргали “миръот”, яъни кўзгуни яратади, ҳусни ҳар лаҳзада ўзгариб тургани учун кўзгуни ҳам такрорлаш зарурати туғилади, ҳусни қанчалик кўп жилва қилса “мазоҳир” – “кўриниш”лар

¹А.Қуронбеков ва б. Алишер Навоийнинг “Сабъан сайёр” достони конкорданси. Т., 2015. Бундан кейинги келтирилган ҳаволалар ҳаммаси шу манбадан.

ҳам шунча хилма хил кўзгулик қилиб, ҳусн жилва қилган сари бу шайдо бўлиб, жаҳонда ишқ пайдо бўлади. Булбулу гул, ошику-маъшук пайдо бўлади, лекин булар бир баҳона, аслида бу ишқ, шайдолик, ошиқ-маъшуклик унинг ўзи. “Ишқ сенсен доғию ошиқсен, яна маъшукликқа лойиқсен”, яъни коинотда яратилган барча мавжудотлар ҳусни, гўзаллиги, жамоли илоҳий, шунинг учун у яратган ер юзидаги мавжудотларнинг ишқи ҳам илоҳий ишқдир.

Шунинг учун у эркак бўладими, аёл бўладими, ёки гул билан булбул бўладими ёки бошқа мавжудот бўладими унинг жамоли илоҳий, унга бўлган ишқ ҳам илоҳий.

Лекин “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” дostonларидаги Ширин, Лайли, Дилором ва бошқа персонажлар аёллар. Алишер Навоий бу асарларда аёлларни илоҳий ҳусн мазҳари бўлган мавжудот сифатида қараб, унга бўлган Фарҳод, Мажнун, Баҳром ва бошқаларнинг ишқини ҳам илоҳий ишқ деб билади. Яъни бу Навоийнинг таъбири билан айтганда “шаръий никоҳ билан тугайдиган бир эркакнинг бир аёлга мубтазил ишқи эмас”.

Шоир “Сабъаи сайёр”да аёлларнинг чиройини “ҳусн”, “жамол”, “зебо” сўзлари билан ифодалайди. Аёлларнинг маънавий қиёфасини қуйидаги ташбиҳлар билан ифодалаган:

27/400 Ким анга етса ҳар нечук рўзий
Они кут айлагай дилафрўзи.

Байт мазмуни: Яъни [Маъсудга] нимаики толеъдан насиб қилса, дилафрўзи [севгилиси] шуни ейди. Бу байтда аёл “дилафрўз” – “дил ўртовчи”га ташбих қилинган.

13/0 “...Дилоромнинг дилоро хусни камолинда сўз сурмак....”

Бу фасл сарлавҳасида Дилоромнинг хусни “дилоро”, яъни “дил қувонтирувчи” тарзида ифодаланган.

6/55 Не савод ул висолнинг шоми,
Балки дилдор зулфининг доми.

Байт мазмуни: “Бу қора ранг висол оқшомининг ранги эмас, балки дилдор зулфининг тузоғи”.

Бу байтда ёрнинг жамоли “дилдор”, яъни “дилни эркаловчи” тарзида ифодаланган.

21/70 Кўзига учрагай дилороми,
Ҳосил ўлгай висолидин коми.

Байт мазмуни: “Дилороми кўзига тушиб, унинг висолидин муроди ҳосил бўлгай”. Бу байтда гўзаллик “дилором” сўзи билан ифодаланган бўлиб, “дилни тинчлантирувчи, осуда, хотиржамлик манбаи” маъносини ифодалаган.

29/139 Юкори дилбару куйи бедил
Бир-биридин вале икав ғофил.

Байт мазмуни: “Юқорида дилбар [қиз] куйида [зиндон] бедил [йигит], лекин иккаласи бир-биридан бежабар”. Бу байтда ёр жамоли “дилбар” сўзи билан ифодаланиб, “дилнинг оромини ўғирловчи” маъносини ифодалаган.

27/192 Базм аро турфа созе келтурди,
Соз ила дилнавозе келтурди.

Байт мазмуни: “Базм хонасига турли-туман соз келтирди, соз билан бирга бир дилнавоз [қиз]ни келтирди”.

Бу байтда қизнинг хусни “дилнавоз” – “дилни эркаловчи” сўзи билан ифодаланган.

29/292 Кўнглини саъй бирла тўхтатти,
Нозанинга бу навъ сўз қотти.

Бу байтда қизнинг жамоли “нозанин”, яъни “ноз-ишвали” сўзи билан ифодаланиб, унинг ҳаракатлари нафислигига ишора қилмоқда.

29/293 К-эй башархилъату фариштасифат,
Берган ўлган танимга тоза ҳаёт.

Байт мазмуни: “Эй ўлган танимга янгидан ҳаёт бағишлаган инсон қиёфасидаги фариштасифат [қиз]”. Бу байтда қизнинг чиройли хислати “фариштасифат”, яъни “фаришта хислати”га ташбиҳ қилинган.

27/195 Ўлтуруб чун бурқаъ очти хур,
Бўлди эл ақлу хушидин маҳжур.

Байт мазмуни: “Хур [қиз] ўтириб юзидин пардасини кўтаргач, бу ердаги барча кишилар ақлдан айрилди”.

Бу байтда қиз чиройи “жаннат хурлари”га ўхшатишган.

31/78 Хожага шаҳват эрди муставли,
Қилмади суд лобагар қавли.

Байт мазмуни: “Хожанинг ҳирси босим келиб, [қиз]нинг ёлвориши фойда бермади”. Бу байтда “лобагар” сўзи “ёлборувчи” маъносини ифодалаган.

20/3 Луъбати ҳиндзоду чинийваш,
Лаъли жонбахшу сунбули дилкаш.

Байт мазмуни: “Ҳинд аҳли Чин гўзалига ўхшаш маъшуқа, лаблари жон бағишлайди, сочлари дил тортувчи”. Бу байтда қизнинг гўзаллиги “луъбат”, яъни “кўғирчоқдай, чизиб қўйгандай” гўзал ва ўйинқароқ эканлиги ифодаланган.

Юқорида келтирилган атамалар қиз боланинг маънавий гўзаллиги, хулқ-атворини ифодаловчи тил birlikлари эди.

“Сабъаи сайёр” достонида қиз боланинг ташқи кифасидаги гўзаллигини ифодаловчи қуйидаги тил birlikлари қўлланилган. Бунда энг кўп тил birlikлари аёлнинг чеҳрасини тавсифига бағишланган.

27/172 Ҳар сори гулъузори гулгунпўш,
Жоми гулранг айлар эрди нўш.

Байт мазмуни: “Ҳамма томонда гулгун либосли гул юзли [қизлар], гулранг қадаҳдан ичишарди”. Бу байтдаги “гулъузор” сўзи форсча “гул”, арабча “узор” (юз) сўзидан ясалган бўлиб, юзнинг қизиллигига ишора. Яна аёл қиёфасининг қизил гул каби гўзал кўриниши “гулчехр”, “гулгун”, “гулнор” (анор гули), “гулранг”, “гулрўй”, “гулрух”, “гулрухсор”, “гулхад” (ёноқлари қизил), “лоларух” ташбиҳлари билан ифодаланган.

Юзнинг қизиллигидан ташқари унинг оқлиги ҳам шоирлар томонидан “моҳ” (ой)га ўхшатиш билан.

2/52 Етти қаср анда барчаси дилкаш,
Етти хур ул қусур аро маҳваш.

Байт мазмуни: “У ерда кўнгил тортадиган етти қаср ва қасрларда етти ой юзли хур”. Бу байтда қизларнинг гўзаллиги ойдай оппоқ юзли хурларга ўхшатиш билан. Бундан ташқари, қизларнинг чехрасининг оқлиги “моҳсиймо”, “моҳчехра”, “моҳрўй”, “моҳрух”, “моҳрухсор” ифодалари билан берилган.

Қиз чехрасининг гўзаллиги афсонавий мавжудотлардан париларга ташбиҳ этилган.

29/360 Ҳар паричехра ки, маҳваш эрур,
Мовий бўлса либоси дилкаш эрур.

Байт мазмуни: “Ой юзли пари чехрали [қизлар] ҳар бири кийими мовий рангли бўлса янада ёқимлидир”. Бу байтда қизнинг чехраси афсонавий парилар чехрасига ташбиҳ қилинган. Шунингдек, дostonда “париталъат” (пари

сиймоли), “париваш” ифодалари ҳам аёл чехрасининг гўзаллигини парилар гўзаллигига ташбиҳ қилган.

Достонда қиз чехрасидаги ҳар бир аъзоси алоҳида таърифланган.

13/57 Юзи ёнида гисуйи мушкин,
Келтуруб корвон нофай чин.

Байт мазмуни: “Юзининг ёнида қора сочлари, бир карвон Хитойдан мушки анбар келтиргандай хушбўй эди”. Бу байтда сочларининг қоралиги ва хушбўйлиги “нофай чин”, яъни Хитой мушкига ташбиҳ қилинган.

13/59 Зулф йўқ лайл ким, очиб ики дом,
Лек ҳар доми лайлдин бир лом.

Байт мазмуни: “Зулф эмас қол-қора зулмат тун, икки тузоқ қўйган, лекин ҳар бир тузоғи “лайл” сўзининг бир “ломи” араб алифбосидаги "ل" га, яъни қармоққа ўхшарди”.

Бу байтда опшоқ чехра икки томонидаги тим қора кокиллар “тун қоронғилиги”га ва кокилнинг шакли тузоққа ташбиҳ қилинган.

33/274 Боғланиб сочининг каманди била,
Ётибон дашт уза бу банди била.

Байт мазмуни: “Сочининг сиртмоғи билан боғланиб, даштда ётарди [Дилором]”. Бу байтда Дилоромнинг сочининг узунлиги игроқ санъати билан “каманд”, яъни

ёввойи ҳайвонлар ва йилқиларни узқдан арқон отиб тутадиган сиртмоққа ўхшатишган.

Қизларни пешонаси гўзаллиги шундай таърифланади.

21/126 Мажлис аҳли гулжабин бори,
Барчасининг либоси гулнорий.

Байт мазмуни: “Мажлис аҳлининг барчаси пешонаси гулдай ярқираган, кийими анор гулдай қип-қизил эди”. Бу байтда қизлар пешонаси “гулжабин”, яъни “пушти ранг гул”га ташбиҳ қилинган.

21/356 Ҳукм бўлдики, моҳи зуҳражабин,
Топсун ўз манзили аро таскин.

Байт мазмуни: “Пешонаси зуҳро юлдузидай чарақлаган ой [юзли] ўз манзилида жойлашсин, деган ҳукм бўлди”. Бу байтда аёлнинг пешонаси “зуҳражабин”, яъни порлаб турган зуҳра юлдузига ташбиҳ қилинган.

Аёлларнинг қошлари қуйидагича тасвирланади:

17/28 Қошининг шавқидин қади ҳам ўлуб,
Заъф ичинда ҳилолдин кам ўлуб,
Танин айлаб ҳилолдек хаста,
Анинг икки ҳилоли пайваста.

Байтлар мазмуни: “Қошининг шавқидан қадди букилиб, заифликда янги чиққан ойдан кам бўлди. Тани ҳам унинг пайваста қошларидан “ҳилол”, янги ойдек хаста бўлди”.

Бу байтларда гўзалнинг қоши ошиқнинг эгилган қаддига ва янги чиққан ойнинг ингичка шаклига ташбиҳ қилинган.

Гўзалларнинг кўзлари шундай тасвирланади:

34/62 Боргаҳ чашма бошида тикилиб

Наргиси гулнинг уйқу майли қилиб.

Байт мазмуни: “Булоқ бошида чодир тикилди, гул [Дилором]нинг кўзлари [наргиси] уйқуга кетди”. Бу байтда кўз наргисга ташбиҳ қилинган. “Наргис” гулбарглари оқ, ўртаси сариқ гул бўлиб, мумтоз адабиётда маъшуқанинг кўзларига ўхшатилади.

13/60 Доми остида лолаю насрин,

Тушуб анда ики ғазолаи чин.

Байт мазмуни: “Сочлари остида қизил юз (лола) ва кўзлар (насрин), икки кўзи (ғазола) бу тузоққа (гажак)ка тушган”. Бу байтда ташбиҳи хафий воситасида кўзларнинг гўзаллиги “лолаю насрин” гулга ва уларнинг қуралайлиги “ғазолаи чин” Чин ғазоласига ўхшатишган.

13/61 Кўзи жайрон, қораси мушки хўтан,

Томизиб холи мушкин ул жайрон.

Байт мазмуни: “Кўзлари жайрон кўзидай, қораси Хўтан охусининг мушкидан томган холдай”. Бу байтда кўзлар жайрон кўзига, қораси Хўтан охусининг мушкини қора рангига ташбиҳ қилинган.

Аёлларнинг лабларига шундай таъриф берилади:

13/63 Юзи гулзору ики лаб анда,
Ики гулбарги булжажаб анда.

Бу байтда аёлнинг [Дилором] юзи “гулзор”га ва лаби гулзордаги гулнинг ажойиб “гулбарги”га ўхшатишган.

13/68 Лаъл ким кўрди дурфишон мундоқ,
Гулда жон шираси ниҳон мундоқ.

Байт мазмуни: “Бундай дур сочувчи (тиш) лабларни (лаъл) ким кўрди, жон шарбати яширин бундай чеҳра (гул)ни ким кўрди”.

Бу байтда лаблар қизиллиги лаълга, тишлар дурга (дурфишон), юз гулга ва лабларнинг ширинлиги жон шарбатига ўхшатишган.

25/234 Лаби лаъли зулоли ҳайвоний,
Хизр янглиғ либоси райҳоний.

Байт мазмуни: “Қизил лаблари тириклик сувидай (мангу ҳаёт манбаи) кийими Хизрникидай кўм-кўк рангли”.

Бу байтда лаб мангу ҳаёт бағишловчи “зулоли ҳайвоний”, яъни “тириклик суви”га ўхшатишган.

Аёлларнинг оғзи қуйидагича таърифланади:

13/66 Лаблари ичра оғзи ўйла нуҳуфт,
Ким дегайсен бу лаъл топмади суфт.

Байт мазмуни: “Лаблари ичида гўё бу лаъл (мунчокқа) тешилмагандай оғзи яширин”. Бу байтда лаблар лаълга, оғиз торлиги “дегайсен топмади суфт”, яъни “(ип ўтказиш учун) тешилмаган лаъл”га ўхшатишган.

17/40 Оғзида зарра айламай маълум,
Кўзга андоқ ки нуқтаи мавҳум.

Байт мазмуни: “Оғзи заррадек маълум эмас, кўзга мавҳум нуқтадек кўринади”.

Бу байтда оғизнинг ниҳоятда торлиги игроқ санъати воситасида “кўзга кўринмас зарра”га қиёсланган.

23/33 Зулфидин сунбул айлабон юз печ,
Оғзидин ғунча айтмай сўз ҳеч.

Байт мазмуни: “Зулфи сунбулга ўхшаб юз буралган, оғзи ҳақида ғунча ҳам сўз очолмайди”.

Бу байтда сочлари “тўлғонган сунбул шодалари”га, оғзи эса “очилмаган ғунча”га ташбиҳ қилинган.

Аёлларнинг энгаги шундай таърифланади:

13/69 Лаълни кўйки жон бўлиб лаб анға,
Жонға нун даври тавқи ғабғаб анға.

Байт мазмуни: “Лабини лаъл дема, жоннинг ўзи, энгаги жон атрофига чизилган нун [Ў] ҳарфининг ҳалқаси”.

Бу байтда оғиз “арабий нуннинг нуқтаси”га энгак “нуннинг ярим думалоқ ҳалқа чизиғи”га ўхшатишмоқда.

Гўзал аёлнинг тишлари шундай таърифланади:

13/67 Турфароқ бу ки сўзга чун очилиб,
Нуқта ўрниға барча дур сочилиб.

Байт мазмуни: “Қизиғи шундаки [лаб] сўзга очилганда, сўз ўрнига тишлар (дур) намоён бўлур эди”. Бу байтда тишлар “маржонга терилган дурлар”га ўхшатишган.

13/72 Тишлари лаъл ичинда рипштаи дур
Ёки ҳайвон суйи аро мўлдур.

Бу байтда мураккаб ташбиҳ воситасида тишларни “Рипштаи дур”, яъни “дур шодаси”га, лабларни “ҳайвон суйи”, яъни “оби ҳаёт”га ва тишларни оби ҳаётга тушган “мўлдур”, яъни “шабнам”га қиёсланган.

Гўзал қизнинг холи шундай таърифланади:

13/62 Нуқтаи холи ранги шои висол,
Юзининг субҳи нуқтаси ул хол.

Байт мазмуни: “Холининг нуқтаси висол оқшоми рангидай, бу хол юзининг тонг нуқтаси”. Бу байтда юзидаги хол бир нуқтага, ранги висол оқшомидай қоронғи кечага ўхшатишган.

Аёл жамолининг яна бир таърифга сазовор аъзоси унинг қадди-қомати бўлиб, бу дostonда шоир уни шундай сатрларда тасвирлайди:

13/40 Қилди алқисса сарви сийминтан,
Шоҳнинг шои ҳажрини равшан.

Байт мазмуни: “Хуллас, сарв қоматли кумуш баданли [Дилором] шоҳнинг ҳажр қоронғи туини ёритди”. Бу

байтда қизнинг қадди-қомати сарв дарахтига, бадани кумушга ўхшатилган.

Дилоромнинг қадди-қомати яна “сарви раъно”, “сарви сиҳий” (адл қомат), “сарви гулрух”, “сарви норпистон” (кўкраги анор сарв қомат), “сарви гулехра”, “сарви сиймандом”, “сарви сабзоранг” (кўк рангли сарв), “сарви бўстоний”, “сарви гулжабин”, “сарви сандалнасим” (сандал ҳидли сарв), “сарви сандалбо” (сандал ҳидли), “сарви сийминсоқ” (оқ билак сарв), “сарви ҳурнажот” (ҳурлар аҳлидан бўлган сарв), “сарви шаккарқанд” (ширин табассумли сарв), “сарви лоларух”, “сарви маҳлиқо” (ой юзли сарв), “сарви ҳурсиришит” (ҳур табиатли), “зодсарв” (озод қоматли), “сарви ноз” (нозли сарв) каби бирикмаларда мужассам бўлган.

Ёрнинг баданига қуйидагича таъриф берилади:

21/435 Оқибат ҳуши топти чун ором,
Муноси бўлди сарви сиймандом.

Байт мазмуни: “Ниҳоят ҳуши жойига келгач, кумуш баданли тик қоматли яқин ҳамдами бўлди”.

Бу байтда ёрнинг бадани “сарви сиймандом”, яъни “кумуш баданли сарв”га ўхшатилган.

13/44 Они ҳам ким хирож қилди қабул,
То суманбар баҳоси топти қабул.

Байт мазмуни: “Ул ҳамки хирожни қабул қилди, ёсуман баданли [Дилором]нинг баҳоси маъкул келди”. Бу байтда

ёрнинг бадани “суманбар”, яъни “оқ сариқ (ёсуман гули) рангли аёл” эканлигига ишора бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ишқий дostonларда қандайдир шахси ва жинси номаълум инсон ҳақида эмас, тўғридан-тўғри аёл кишининг хусни жамоли таърифланади. Гарчи Ўрта аср мусулмон дунёсида аёлларнинг номаҳрам эркакларга кўриниши ва ундан ҳам баттари аёл кишининг аъзойи бадани ва чехрасини очиқдан-очиқ тасвирлаш ман қилинган бўлсада, эпик асарларда аёл кишининг барча гўзалликлари, ҳатто яширин интим аъзолари (кўкраги) рўйи рост кўрсатилган.

“Сабъаи сайёр”да тасвирланган аёлларнинг йиғма сиймосини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, аёлнинг хулқи-атвори “дилафрўз”, “дилоро”, “дилдор”, “дилором”, “дилбар”, “дилнавоз”, “нозанин”, “фариштасифат”, “ҳур”, “лобагар”, “луъбат”, чехраси гулдай қизил ва ойдай оппоқ, сочлари тим қора ва хўшбўй, пешонаси очиқ, қошлари янги чиққан ойдай ингичка ва бир-бирига қўшилган, кўзлари қуралай, оҳунинг кўзидай, лаблари қип-қизил лаълдай, тиллари дур шодасидай оппоқ, огизлари тор, энгаги думалоқ, юзида нуқтадай қора холи бор, қадди сарвадй тик, бадани оппоқ, кўкраги анордай қизил бир аёл кўз олдимизда гавдаланади.

Бу ўта гўзал жонли сиймо бўлиб, Ўрта асрларда шеърятда “ёр” тимсолида фақат ирфоний ёр назарда тутилган, ҳаётий аёл сиймоси эмас, деган тахминларни бутунлай инкор қилади.

Алишер Навоий аёллардаги бу гўзаллик илоҳий гўзаллик эканлигини ва унга ошиқлик ҳам илоҳий ҳикмат эканлигини таъкидлайди. Яъни аёлга бўлган ишқ бу азалий

ва абадий, чунки инсонни ва жами мавжудотни яратган эгам
ўз жамолини кўзгуда кўриш учун яратган деган ғояни
илгари суради.

“Сабъаи Сайёр” достонида “май”

Алишер Навоийнинг “Сабъаи Сайёр” достонида “май” сўзи “бода”, “май”, “раҳиқ”, “роҳ”, “чоғир”, “шароб” шаклларида ифодаланган.

“Май” сўзи 55 марта “май”, “майда”, “майдек”, “майдин”, “майга”, “маи”, “майидек” шаклларида учрайди.

Мисол:

8/127 Тонгдин оқшомга тегру пайдарпай,

Улки ичгай қадах тўла-тҳла май.

30/10 Майда соқий магар қилиб эди ҳал,

Дардисар дафъиға қизил сандал.

27/419 Жоми майдек ичига қон тушти,

Кўзларидан оқарға ёвушти.

14/6 Сарвқад олса эди майдин ком,

Настаранни чу айлабин гулфом.

14/77 Ишқ ҳам майга айласа имдод,

Тонг эмас борса бору йўқ барбод.

15/36 Ичибон йор илгидан маи ноб,

Салтанат фикридин вале хуноб.

“Бода” сўзи достонда 51 марта “бода” (26), “бода-омизий”(1), “бодадин”(7), “бодаға” (1), “боданўш” (1), “бодапараст” (5), “бодаи” (10) шаклларида ишлатилган.

9/49 Силкибон тийра гарди майдонни,

Бода бирла ёрутсанг айвонни.

27/217 Келди-ю қилди суҳбатангезий,

Қилгали гулга бодаомизий.

27/132 Боши чун бўлди бодадин махрур,
Хирад ойивнига етишти футур.

21/229 Яна қўл сунди жоми бодаға ҳам,
Юкунуб тутти шоҳзодаға ҳам.

9/55 Илгидин май боданўш олибон,
Май била ул гулоби хуш олибон.

8/124 Турфа буким чу бўлди бодапараст,
Қилди оқшомға тегру ўзни маст.

14/2 Анга иш ўзга жому руд эрди,
Бодаи ноб ила суруд эрди.

“Раҳиқ” (соф бода) сўзи бир марта ишлатилган:

9/63 Тоб ила ул Суҳайл ранги раҳиқ,
Чеҳра рангин ясаб нечукки ақиқ.

“Роҳ” (хушбўй май) сўзи бир марта ишлатилган:

9/64 Нўш этарда бу роҳи райҳоний,
Юз гул очиб юзунг гулистони.

“Чоғир” (узумдан ясалган ичимлик) бир марта
ишлатилган:

25/329 Саъд чиқти чоғир хаёли била,
Кўнгли дилдорининг висоли била.

“Шароболуд” (шароб юқи) сўзи ҳам бир марта қўл-
ланилган:

8/132 Лаблари қатл учун шароболуд,
Кўзлари ишва бирла хоболуд.

Бу дostonда келтирилган “май” ва унинг мутародиф сўзлари аксар ҳолларда фақат “маст қилувчи ичимлик” маъносини ифодалаб келади.

Шоир бу “маст қилувчи ичимлик”нинг хоссаларидан бири бўлмиш рангини куйидаги сўзлар воситасида ифодалайди.

9/49 Силкибон тийра гарди майдонни,
Бода бирла ёрутсанг айвонни.

Байт мазмуни: “(Жанг) майдонининг қора чангини қоқиб, айвонни май билан ёритсанг” яъни “бода”нинг “нуру манбаи” маъноси воқелашади.

9/80 Не ажаб бўлса бода нуру сафо,
Ким эрур ҳар қадахда истисно

Байт мазмуни: “Ҳар бир қадахдан куч-қувват топиб, бода нуру сафо манбаи бўлса ажабмас”. Бу байтда “бода” сўзи “нуру сафо”, яъни ҳам ёруғлик, ҳам мусаффолик манбаи маъносини ифодалаган.

5/34 Бодадин юзни лаълфом айлаб,
Кўнгул айвонида хиром айлаб.

Байт мазмуни: “Бода ичиб юзни қизартириб, кўнгил оламида кезиб”. Бу байтдаги “лаъл” “қимматбаҳо қизил тошни англатади” лаълфом эса майнинг “қизил ранги”ни ифодалаган.

22/6 Жами зар ичра бодаи асфар

Озар ичра эди яна озар.

Байт мазмуни: “Тилла қадаҳда сарик ранг бода эди, олов ичида яна олов эди”. Бу байтдаги “асфар”(сарик) майнинг сарғиш рангли эканлигини ифодалаган.

26/4 Қасри гулгун сари қилиб оҳанг

Истади ичса бодаи гулранг.

Байт мазмуни: “Қизил гул рангидаги қасрга отланиб, гул рангли (қизил) май ичишни истади”. Бу байтда майнинг ранги қизил гулга ўхшатишган. Бу ранг ҳам қайтарилган “гулфом”, “гулгун”.

14/50 Май бўлур эди худ шарарангиз,

Шавқининг шуъласин қилиб эди тез.

Байт мазмуни: “Майнинг ўзи учкун сачратар ва унинг (Баҳром) шавқининг шуъласини алангалатарди”. Бу байтда “май”нинг ранги оловдан сачраган учкунга ўхшатишган.

26/17 Ўзи илгида арғувоний май

Ити олида хасм қони май.

Байт мазмуни: “Ўзининг кўлида арғувон (қирмизий) рангли май, душманининг қони (қизил май) итига ичимлик”. Бу байтда “май”нинг ранги арғувон гулига ўхшатишган. Арғувон бошдан-оёқ қип-қизил бўлиб

гуллайдиган дарахт. Иккинчи сатрда ҳам “май” қонга ўхшатишган, яъни қондай қизил, демоқчи.

27/419 Жами майдек ичига қон тушди
Кўзларидин оқорға ёвушти.

Байт мазмуни: “Қадаҳдаги майга ўхшаб ичига қон қуюлди, кўзларидан ёши “қон” оқти”. Бу байтда майнинг ранги қирмиз рангли қонга ташбиҳ қилинган.

37/127 Қонидан тиғин айлабон гулранг,
Лолагун майга айламиш оҳанг.

Байт мазмуни: “(Душман) қонидан қиличини гулранг қилиб, лола рангли майга мойиллик билдирди”. Бу байтда “май” лола рангига ўхшатишган.

28/0 ...Жами ферузагун аро кабудон майидек бода солиб нўш қилғони....

Бу сатрлардаги “Кабудон майи” – седана экстракти бўлиб, майнинг “осмоний кўк” рангига ўхшатишган.

28/8 Ичти Баҳром жами нилуфарий,
Тунодекким ясалғай ул сипарий.

Байт мазмуни: “Баҳром нилуфар рангли май ичди, (базм) тунов кунгидек тамомлангай”. Бу байтда “май”нинг ранги нилуфар гули (оқ ранг)га ўхшатишган. Маълум бўладики. “Сабъаи сайёр”да “май”нинг “нур манбаи”, “софлик манбаи”, “лаъл рангли”, “олов рангли”, “тулгун рангли”, “учқун рангли”, “арғувон рангли”, “қон рангли”,

“лола рангли”, “мовий рангли”, “нилуфар рангли” турлари зикр этилган.

“Май”нинг ҳиди эса қуйидаги байтларда таърифланган:

9/64 Нўш этарда бу роҳи райҳоний,
Юз гул очиб юзунг гулистони.

Байт мазмуни: “Бу райҳоний ҳидли майни ичганингда юзинг гулистондаги гуллардай очилади”. Бу байтда ҳам майнинг рангига ҳам ҳидига ишора бор. Яъни “майнинг ҳиди райҳон ҳидидай хушбўй”, демоқчи.

19/56 Қасри мушкин аро тузуб авранг,
Мушкбў майга айламак оҳанг.

Байт мазмуни: “Мушкин (қора) рангли қасрда тахтга чиқиб, мушкин ҳидли май ичмоқ”. Бу байтда “май”нинг ҳиди мушкка, яъни “муаттар ҳиди билан шарқда машхур Хўтан оҳусидан олинадиган мушки анбар”га ташбих қилинган.

30/0 ...Сарви сандалнасим била бодаи сандалшамим ичмак...

Бу матнда “май”нинг ҳиди сандал дарахти ҳидига ўхшатишган. Сандал дарахтининг ёғочи тутатилса хушбўй ҳид таратади. “Май”нинг ҳиди “райҳон”, “мушк”, “сандал” ҳидларига ўхшатишган.

Майнинг тиниқлиги қуйидаги байтларда ифодаланган:

14/2 Анға иш ўзга жому руд эрди,
Бодаи ноб ила суруд эрди.

Байт мазмуни: “(Баҳром)нинг бундан кейинги иши соф бода ичиб, кўшиқ эшитиш эди”. Бу байтда майнинг тоза эканлиги “ноб” сўзи билан ифодаланган.

32/0 (Баҳром) тахти ож узра жоми биллурийдан бодаи кофурмизож ошом қилғони...

“Кофурмизож” – “Оқ рангли”, яъни бодани “кофур”(оқ рангли дори)га ўхшатишган. Майнинг таъми куйидаги биргина байтда эслатиб ўтилган.

27/264 Тунд май чунки зойил этти хирад
Гулшан ичра йиқилдилар беҳад.

Байт мазмуни: “Аччиқ май ақлу хушидан айиргач, гулшан ичида беҳуш йиқилдилар”. Бу ўринда майнинг таъми аччиқлигига ишора бор.

Майнинг сифати куйидаги байтда ифодаланган.

27/124 Базм эрди биҳишти омода,
Ҳури соқийу кавсарий бода.

Байт мазмуни: “Базм тайёр жаннат эди, ҳури соқий, майи жаннатий эди”. Яъни жаннатдаги кавсар ариғида оқадиган майга ўхшатишган. Бундан “покиза”, “олий навли”, “соф” маънолари англашилади. Майнинг кучи шундай байтларда баён қилинади:

26/9 Шоҳ кўзи бодадин қизориб эди,
Кўзидин уйку лек бориб эди.

“Майнинг кучидан шохнинг кўзи қизарган, лекин кўзидан уйқу қочган эди”. Бу ўринда майнинг таъсири кўзларига қон тепиш ҳолатида тасвирланган.

27/132 Боши чун бўлди бодадин маҳрур,
Хирад ойиниға етишти футур.

Байт мазмуни: “Бода таъсирида боши қизигач, ақлу-хуши соғломлигига путур етди”. Бу байтда майнинг таъсирида соғлом фикрини бой берди демоқчи.

27/202 Яна май ичмок эрди гул сочмоқ,
Яна май чехраларда гул очмоқ.

Байт мазмуни: “Яна май ичиб маишат қилмоқ ва майдан чехралари қизармоқда эди”. Бу байтда “май”нинг баданга таъсири чехраларда гуллар очилишига ўхшатишган.

31/162 Қилди май хожанинг димоғин гарм,
Рафъ бўлди ҳижобу пардаи шарм.

Байт мазмуни: “Май хожанинг миясини қизитди, май шарм-ҳаё пардасини кўтарди. Юқоридаги байтларда майнинг инсон баданига таъсир кучи ифодаланган. Майнинг мастлик, айш-ишрат манбаи эканлиги қуйидаги байтларда ифодаланган.

12/31 Шаҳни май ул бисоти хуррам аро,
Солибон ҳар дам ўзга олам аро.

Байт мазмуни: “Ул хурсандчилик кайфияти шоҳни ҳар лаҳза ўзга оламга соларди”. Яъни май ўта кучли таъсирга эга эди.

15/82 Шомким бодадин хароб ўлди,
Масти май, балки масти хоб ўлди.

Байт мазмуни: “(Баҳром) май ичиб маст бўлгач оқшом пайти маст ҳолда уйкуга кетди”. Яъни майнинг кучи оёқдан йиқитди.

27/184 Шоҳ май андин ичар эди хушдил,
Анго тегруки бўлди лойаъқил.

Байт мазмуни: “Шоҳ ақлдан айрилгунча хурсандчилик билан май ичди”. Яъни майнинг таъсир кучи ақл-хушдан айирарди.

Майнинг маст қилувчи ичимлик эканлиги қуйидаги бандларда ифодаланган.

25/325 Ичибон май кўнгил муроди била,
Санамии моҳчеҳра ёди била.

27/178 Ўнг сари давр топса пайдарпай,
Бўлмағай кам киши ичардин май.

27/407 Жуна гулшан аро ичар эди май,
Базмда лаҳни уду нолаи май.

27/409 Ёдидин беқарор йиғлар эди,
Май ичиб зор-зор йиғлар эди.

“Май” сўзи кичик жанрлардан фарқли ўлароқ, фақат бир ўринда мажозий маънода учради:

7/45 Майи хуш аҳли жонфизойи ҳам,
Жомидин баҳравар Навоий ҳам.

Бу байтда “май” сўзи Жомийга тааллуқли бўлиб мажозий маънода “жонларга роҳат бағишловчи теран маъноли сўзлари, билими, донишмандлиги”ни ифодаламоқда, бунинг белгиси иккинчи сатрда бўлиб, “жомидин баҳравар Навоий ҳам” сўзлари билан, яъни “Жомийнинг ақлу донишидан Навоий ҳам баҳраманд, деб эътироф этмоқда. Қолган ўринларда “май” хушбўй ҳидли, ўткир тамли, қизил, сариқ, мовий ва бошқа рангли, яхши сифатли маст қилувчи ичимлик, подшоҳлар ва уларнинг атрофидаги аёнларининг айп-ишрат манбаи эканлиги баён қилинган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “май” сўзи эпик асарда асосан номинатив маънода ишлатилиб, табиий ичимлик маъносини ифодалаб келади. Ҳазал, рубоий ва бошқа кичик жанрларда мажозий ва ирфоний маъноларни ифодалаб келади. Эпик жанрда эса қаҳрамоннинг маънавий қиёфасини тасвирлаш учун фақатгина тасвир воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, “Сабъаи сайёр”даги “май”, “бода”, “чоғир”, “раҳиқ”, “роҳ”, “шароб” бу маст қилувчи ичимлик номлари, унинг мажозий маънолари эса ҳар бир байтда майнинг ранги, таъми, қуввати, ҳиди каби хусусиятларини ифодалаб келган.

“Садди Искандарий” – нажот қалъаси

Алишер Навоий ижодини ҳозирги замон ўлчовлари билан баҳолаш унча жоиз бўлмаса керак. Худди шунингдек, Алишер Навоий ижодига ўтмиш ҳукмрон мафкура қолипига солиб баҳо берилган ишларни ҳам уни ўтмиш етук алломалари айтгани учунгина мутлақ ҳақиқат деб қабул қилиш керакмас.

“Садди Искандарий” асарларида Искандар тимсолига берилган таърифда шундай сўзлар ёзилган: *“Моҳият эътибори билан Алишер Навоий орзу қилган социал муҳит, бу – ҳар қандай зулмдан хориж бўлган социал муҳит бўлиб, бундай муҳит ва жамиятнинг юзага келишини у илмий тушуниб ета олмади”*.

“...Алишер Навоий Искандар образини романтик бадиий принциплар асосида яратади ва бу асарда ҳам у, проф. В.Й.Зоҳидов тўғри таъкидлаб ўтгандек, “социал муҳитни яхшилашни субъектив факторлар тарбия, илм-фан, ақл, ахлоқий таъсирга боғлиқ деб қарайди”.

Алишер Навоий шахсининг ролини идеаллаштиради, бу эса шоирнинг муҳитни ўзгартиришига нисбатан идеалистик позициядан ёндошганини кўрсатади”¹.

Алишер Навоий ижодига бундай ёндошув мустабид тузум мафкурасининг маҳсули. Аслида бу олимлар Навоий ижодини теран англаб етган бўлиши керак, лекин фикрларини замон талабига мос баён қилишга мажбур эди.

Алишер Навоий “Садди Искандарий” асарини ёзишга киришишдан аввал бир муддат салафлари ёзган асарларни ўрганади.

¹Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Т. 1970 й. 27 б.

Сабаби иккита эди: биринчиси, давр анъанасига кўра мавзу доирасидан чикмаслик керак эди, иккинчидан, ўша “Хамса” мавзуси доирасида янги, ўз сўзини ва кўзқарашини баён эта олиши керак эди.

Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонини ёзишдан олдин, ўз олдига улуғ мақсадлар қўйган эди. Буни шундай баён қилади¹:

Ки, чун ҳақдин ўлди иноят манга
Карам айлади бениҳоят манга.
Улуғ комлардин эдим бахтиёр,
Ки йўқ эрди анда манга ихтиёр.
Нетонг бўлса кўпдин-кўп ар қайғулук
Тамаъ бўлса кимга улуғдин-улук.
Ва лекин не ғам тенгри айлаб карам,
Улуғ муддао берса мақсуд ҳам.

Шоир айтадики, *“буюк мақсадлар менга Оллоҳ томонидан иноят қилинган эди. Мақсад улуз бўлса ташвиши ҳам катта бўлади, лекин бу тақдир-немона, буни бажармай иложим йўқ”*, дейди.

“Садди Искандарий”ни ёзишдан мақсад, Искандарнинг саргузаштларини олдинги “Хамса” асарларида ёзилган сюжетини қайта такрорлаш эмас, балки ўша мавзу доирасида бутунлай янги бир асар яратиш эди.

“Садди Искандарий” асари мажозий маънога эга. Бу қалъа дунёни жабру зулмдан, адолатсизликлардан, қонхўрликлардан, қирғин барот урушлардан ва бошқа

¹Мисоллар “Алишер Навоий” мукаммал асарлар тўплами. 11 т. 1993 й. дан олинди.

арозий ва самовий хавф-хатарлардан асрагувчи нажот қалъаси тимсолини яратади.

Бу инсониятнинг нажот қалъасини яратиш шартларини асар давомида бир-бир баён қилиб боради.

Бу асарнинг бош қаҳрамони Искандар шоҳ. Бу сиймо тарихий Александр Мақдунийга нисбат берилади. Бу тўғри ҳам, нотўғри ҳам. Албатта бу асарнинг прототипи ўша македониялик Александр, лекин унинг адабий тимсоли тўқима тимсол. Бу қаҳрамоннинг адабий тимсоли Шарқ ва Ғарб адабиётида сайёр тимсол сифатида кўшгина асарларда ўз аксини тошган.

Искандарни бош қаҳрамон сифатида танлаш бир томондан адабий анъана бўлса, иккинчи томондан шоирлар шу мавзуда ўз дунёқарашларини баён қилиш учун бир восита.

Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида Искандар тимсоли орқали дунё ижтимоий тузумининг ислоҳ қилиш йўллари излайди. Бу йўлдаги биринчи замона анъаналарига зид қадам Искандарнинг дунёга келиши:

Бу вайрона ичра шоҳи бахтиёр,
Сабо сайрини тузди беихтиёр.
Кўрарким, қўюб ҳам бир ҳомила,
Қарин қолмайин руҳ анга жисм ила
Ётиб олида тифли зору забун,
Чекиб гаҳ-гаҳе йиғлагон янглиғ ун.
...Солиб чун аларга назар Файлақус,
Дегил тушти кўнглига нори мажус.
Буюрдики, маҳрамваш эл еттилар

Ўлукни ҳамул ерда дафн эттилар.
Ўзи тифлни олди эъзоз ила
Қилур эрди парварда юз ноз ила.
Секандар атаб ўғли билди ани,
Ўларда валиаҳд қилди ани.

Мазмуни шуки, Файлакус подшоҳ овдан қайтаётиб, бир вайрона ичида бола туғиб ўлган аёлни кўради ва унинг ўғлини асраб олиб, отини Искандар деб атайди ва ўлаётганда ўзига валиаҳд қилиб тайинлайди. Бунда рамзий маъно яширин эди.

Ўрта аср шароитида Шарқда қоидага мувофиқ фақат подшоҳлар сулоласидан бўлган шахсгина подшоҳлик тахтини эгаллашга лойиқ ҳисобланарди. Искандар эса қоидага хилоф равишда ота-бобоси номаълум, асранди бола эди.

Шоир бу билан подшоҳ бўлиш учун у, албатта шоҳлар авлодидан бўлиши шарт эмас, шоҳликка лаёқатли одам бўлса бўлгани, деган фикрни илгари суради. Бу ҳақда шундай сатрларни битади:

Накумоҳис олинда дастур эди
Ки ҳикматқа оламда машҳур эди.
Сипехр авжиға фикри суръатнамой,
Фалак сайридин ройи мушқилкушой.
Назар чобукин чун қилиб тезбин,
Бўлуб нозири важҳи айнул яқин.
Киши йўқ билик ичра монанд анга,
Арастуйи фарзона фарзанд анга.
Чу тадбир ила дафъи офтоб этиб,

Анинг ройидин шоҳ мубоҳот этиб.
Бори илм аро ўйла соҳибкамол,
Ки комил анингдек топилмоқ маҳол.
Секандарни доноға топшурди чуст,
Ки донишнинг авроқин этгай дуруст.

Яъни Искандарни замонанинг етук билимдон кишилари кўлига илм олишга беришади. Бошқача айтганда, юрт бошқаришнинг иккинчи шарти, у ўз замонасининг билимларини чуқур эгаллаган шахс бўлиши керак эди. Мамлакатнинг раҳбарлигини ўз бўйнига олаётган шахс ўз шахсий манфаатларидан воз кечипи ва халқ манфаатини ўйлаб иш тутипи керак. Бу ҳақиқатни шоир шундай ифодалайди.

Ки чун Файлакус ўртадин чекти рахт,
Секандарға таслим этиб тожу тахт.
Секандарки донойи офоқ эди,
Билик ичра офоқ аро тоқ эди.
Анга тож ила тахт тупмай қабул,
Бу андешадин беҳад эрди малул.
Ки шахлиғда ҳаддин кўп офот эзур,
Не қилса фалақдин мукофот эзур.

Алишер Навоий ўз давлат арбоби сифатидаги тажрибасидан давлатни бошқариш қанчалар машаққатли иш эканлигини ўта теран ҳис қилар эди. Шунинг учун Искандар тимсолида, доно киши бу вазифани қабул қилишдан олдин халқ билан кенгашади. Агар халқ уни шу

ишга лозим кўрсагина у мамлакатни бошқаришга рози бўлади, деган фикрни ўртага ташлайди.

Бу фикр ўз замонаси учун ўта илғор фикр эди. Чунки ўрта аср шароитида қайси подшоҳ халқнинг манфаатини ўйлаб, мамлакатни бошқаришга халқнинг иродасига қараб рози бўлар эди. Бу шоирнинг мамлакат раҳбарлиги қандай йўл билан амалга ошиши керак, деган муаммога тавсия қилинаётган ечим эди.

Кўп ошуфта қилғоч ани бу миҳан,
Улусни йиғиб тузди бир анжуман...
Атомни агар лутф айлаб илоҳ,
Бу кишвар уза айлади подшоҳ...
Вале мен эрурмен бағоят ҳақир,
Доғи салтанат амри беҳад хатир.
Бу ишга керактур тавоно киши,
Эмас мен киби нотавоно иши.

Искандар халқни йиғиб уларни олдида шоҳликка ўзини муносиб эмаслигини, чунки салтанат иши ниҳоятда хатарли иш эканлигини айтиб, подшоҳлик қилишга рози эмаслигини эълон қилади. Лекин халқ унинг билим-истеъдодини ва юртни бошқариш қобилиятини назарга олиб, уни ўзларига бош бўлишга илтимос қилишади.

Сен ўлгунча бу эл бошидин йироқ,
Йироқ бўлсалар жондин яхшироқ...
Бўлиб хотири ҳаддин ортиқ малул,
Улус илтимосини қилди қабул...

Бу сатрлардан кузатилган асл мақсад мамлакат раҳбарлигига ҳар қандай подшоҳ ёки хон авлодидан бўлган шахс эмас, балки шу ишга иқтидори ва тайёргарлиги етарли бўлган шахс халқ томонидан сайланиши керак деган ғояни илгари сурган. Шоирнинг наздида фақат худодан кўрққан, бировнинг ҳаққини ейишдан ва бировга сабабсиз озор етказишдан кўрққан подшоҳгина юртда адолат ўрната олади. Агар у халқ томонидан берилган ҳокимиятдан фойдаланиб, фақат ўз манфаатини ўйлаб халқнинг аҳволи билан қизиқмаса адолат ўрната олмайди.

Бўлуб уйқу чун улча матлуб ўлуб,
Ярим кеча ҳам сажда марғуб ўлуб.
Ибодат учун шоҳи яздонпараст,
Ўзин хас киби қилди туфрокқа паст.
Иши йиғлою узри мофот эди,
Анга тонгғача буйла авқот эди...
Йиғилғоч улус шаҳ қилиб ибтидо,
Халойиққа сўз мундоқ этти адо:
“Ки берди манга додгарлик илоҳ
Бор эрса халойиқ аро додхоҳ,
Келиб олима арзи қол айласун,
Ўз аҳволини қийлу қол айласун.
Қошимда сўзин арз айлар замон,
Мени бир ўзи янглиғ этсун гумон.

Искандар Рум аҳлига адолат ўрнатди, сабаби у халқ томонидан сайланган подшоҳ эди. Бу сўзларда буюк башорат яширин эди. Алишер Навоий фақат *халқ томонидан сайланган раҳбаргина малакатда адолат*

Ўрната олишини бундан беш юз эллик йил олдин башорат этди ва бу фақат бизнинг замонамизга келиб амалга ошди.

Шоирнинг фикрича, мамлакат тепасида турган шахс халқ манфаатини таъминлаш мақсадида ўзининг ҳар бир қадамини, ҳар бир амалга оширмақчи бўлган режасини замонасининг буюк уламо ва донишмандлари билан маслаҳатлашган ҳолатда бажариши лозим.

Бу ҳикматлар асар давомида бир-бир баён қилиб борилади. Искандар шоҳлик тахтига ўтиргандан кейин Арастудан “Мақсадга қайси мақом яқинроқ ва бу мақомга қандай етишмоқ керак?” деб савол қўяди. Арасту бунга жавобан “Йўқлик мақоми” деб жавоб беради ва буни шундай шарҳлайди:

Биров шоҳ васлига қать этса йўл,
Керак воқиф ўлса қароқчидин ул.
Қароқчиға бўлғон киши муттафик,
Қачон шоҳ базмигадур мустаҳиқ?
Вале улки рафъ этти буду набуд,
Гумон қилмади ҳақдин ўзга вужуд.
Ўзин чунки мақсуд аро қилди йўқ,
Ўзи қолмайин, қолди мақсуди-ўқ.
Гумон қилма мундин бийикроқ мақом,
Киши анда чун етти бўлди тамом.

Бу сатрларнинг шарҳи шундай: бирон кимса шоҳга яқинлашишга аҳд қилса, у қароқчидан нари бўлиши керак. Агар қароқчи билан бирга бўлса, қандай қилиб у шоҳга яқин киши бўла олади, мақсадга эришмоқчи бўлган одам

ўзлигидан кечиши керак. Шундагина у ўз олдига қўйган мақсадига ета олади. Бундай инсоннинг мақоми энг юксак мақом!

Навоий бу ўринда инсоният учун буюк ҳақиқатни кашф қилади, яъни ҳаётда бирон-бир эзгу мақсадга эришмоқчи бўлган одам фақат хузур-ҳаловатидан, роҳат-фароғатидан воз кечиб, кечаси-кундузи демай мақсад сари интилсагина у мақсадга эришади. Бундай инсон ўз халқи ва умумбашарият олдида буюк мақомга эришади.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти бунинг ёрқин намунаси!

Инсоният жамиятини ҳалокатдан асрагувчи яна бир шарт – бу адолатдур.

Шоир бу ҳақда шундай баён қилади:
Шаҳким қилур хайли инсонга амр,
Ҳақ этмиш анга адлу эҳсонға амр.
Агар зулм қилса эрур неча ҳол,
Ки жониғадур борча онинг вубол.
Бировким ҳақ амриға осий бўлур,
Неким қилса журму маосий бўлур.
Яна бир буким айлаб сафих,
Ҳақ ахлоқиға хулқи қолмас шабиҳ.
Яна буки элга солиб изтироб,
Қилур зулми ободларни хароб.
Яна улки чун зулме мавжуд ўлур,
Бори халқ кўнглига мардуд ўлур.
Не мардудлуғким бўлур эл иши-
Туну кун анинг жонининг қарғиши.

Мазмуни шуки, Оллоҳ шоҳларга адлу эҳсон қилишини буюрган, агар у худони айтганини қилмаса ва элга изтироб солиб ободликларни хароб қилса, бундай киши халқ томонидан рад қилинади. Халқ кимни рад қилса ўша кимсани тун-у кун қарғайди. Эл қарғишига учраган одам ҳеч замонда тинч хотиржам яшай олмайди. Энг муҳими бундай мамлакат харобага айланади.

Шоир айтган бу ҳақиқат тарихда неча бор исботга етган.

Мамлакат тинчлиги ва халқнинг осуда фаровон турмушининг боиси – бу ватан мустақиллиги. Агар мамлакат кимгадир тобе бўлса, бу тобелик жабрини халқ тортади. Чунки халқ меҳнат тери билан яратган бойлигининг бир қисми бегона юрт хазинасига тушади. Шунинг учун Файлақус оламдан ўтгач, Искандар Дорога тўланадиган уч йиллик божни адо этишдан бош тортади. Келишувга биноан у йилига “минг байза” (тухум) олтин бож тўлаши керак эди. Бу олтинларни тўплаш, албатта халқнинг зиммасига тушарди. Искандар нафақат билимдон, адолатли, балки қудратли, жасур ҳукмрон эди. Доронинг элчилари уч йиллик бож, яъни уч минг тилла тухум сўраб келганида Искандар элчиларга шундай жавоб беради:

Деди: “Айт Дороға мендин салом,

Салом айтқач буйла еткур паём.

Ки шахлиқки, йўқтур бақоси анинг,

Эмас жуз фано интиҳоси анинг.

Бугун тонглалиғ умр учун кўрма ранж,

Ки кўйғайсен албатта ганж узра ганж.

Ҳазойинки йиғдинг ададдин фузун,

Санга ранж текурди ҳаддин фузун.

Буким йиғдинг, аввал топ андин асиғ,
Қачон топсанг андин асиғ ўзга йиғ.
Ишеким зарар нафъидин бўлса кўп,
Эмас қилмоғи ақл олинда жўб.
Санга нафъ йўқ бизга андин алам,
Ўзунгга етурма алам бизга ҳам.”

Яъни, Дорога бож оламан деб овора бўлма, фойдаси йўқ, бож тўланмайди, аввал йиққан хазинангдан фойдали ишларга сарфла, ундан сўнг керак бўлса яна йиғ, агар бу иш зарарари фойдасидан кўп бўлса, бундай бождан кимга фойда, деган жавоб беради.

Шуни айтиш керакки, Доро ўша даврда Марказий Осиё ва Яқин шарқ мамлакатларини ўзига қарам қилган йирик империянинг подшоҳи эди. Унга бундай рад жавобини бериш учун Искандарда етарли куч-қудрат ва бунданда муҳимроғи ўз ватани озодлиги учун ватанпарвар бўлиши керак эди.

Бу терс жавобни эшитган Доро Искандарга бир идиш кунжут билан чавгон-у гўй юборади. Бу рамзий ишора эди. Яъни, менинг кўшимим чериклари кунжутдай сон-саноксиз, бошингни гўй (копток)дай узиб, чавгон (от миниб ўйналадиган копток ўйини) ўйнатаман, деган маъно ётарди.

Искандар кунжутни товукларга бериб, гўйни (ер курраси) эса Доро менга дунё ҳукумронлигини ўз кўли билан берибди, деб таъбир қилади. Бунинг маъноси шу эдики, сенинг сон-саноксиз черикларинг менинг кўшимимга ем бўлади, сенинг дунёга ҳукумронлигинг менга ўтади, деган фикрни билдиради.

Натижада, Доро сон-саноксиз кўпин билан бостириб келади, лекин у адолатсиз, золим подшоҳ бўлгани учун ўз саркардалари томонидан суиқасдга учраб, қатл этилади. Ўлимидан олдин бор мол-мулкани Искандарга мерос қолдириб, қизи Равшанакни никоҳига олишни васият қилади.

Доро билан Искандар орасидаги низолашув асносида “мухолифат” мавзуси юзасидан баҳс юритади. Шоир ўзи яшаётган муҳитдаги одамларнинг доимо ўзаро мухолифатда яшаётганини кўриб, бу бир-бирини кўролмаслик мамлакат вайронагарчилигига, халқнинг ҳоли ҳароблигига олиб келишини таъкидлайди.

Адоватқа боғлаб камар икки шоҳ,
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ.
Бори тортибон қатл учун тиғи тез,
Қилиб тиғи тез ўлтурурга ситез.
Ато бир тараф гар эрур филмасал,
Яна жониб ўлса ўғулға маҳал.
...Яқин билким ул кундур офат куни,
Не офат кунким, қиёмат куни.

Мазмуни шуки, икки одам бир-бири билан адоват қилса иккита оиланинг нотинчлигига сабаб бўлади. Тасаввур қилинг икки шоҳ бир-бири билан жанг майдонига кирса, унда бу қиёмат кунига айланади.

Аслида бу Алишер Навоий замонидаги айни воқеликка ишора эди. Темурий подшоҳлар ўзаро бир бири билан, ота бола билан, болалар бир бири билан тахт-тож таллашиб

қирғинбарот урушлар олиб боришар, бу урушларнинг асосий залвори халқ бошига тушар эди.

Шунинг учун шоир одамларни ўзаро тинч-тотув яшашга чорлайди:

Хушо икки озодаи номурод
Ки бир-бирига зоҳир қилиб иттиҳод.
Не ул айласа бу мадоро қилиб,
Анга ҳам бу рифқ ошкоро қилиб,
Анинг коми бу бирга мақсуд ўлуб
Мунунг радди ул бирга мардуд ўлуб,
Рафиқ икки дарвеш беиштибоҳ
Эрур яхшироқки адув икки шоҳ!

Яъни икки муродига етолмаган озод киши бирлашса ва у истаган нарсага буниси мадоро қилса, буниси ҳам унга дўстлик муносабатини ошкор қилса, сўзсиз бундай икки дўст дарвиш икки бир-бирига душман подшоҳдан афзал, демоқчи.

Алишер Навоийнинг бу башорати бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ!

У даврдан олти аср ўтганига қарамай инсонларнинг заррача ақли кирмаган, деб ўйлайсан киши. Чунки дунёнинг у ёки бу чеккасида қирғинбарот урушлар ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда!

Искандар Арастудан муҳолифат ва низони ҳал қилишнинг мақбул йўли борми, деб савол қилади. Арасту бунинг жавобида айтадики, кимдир кўнгилга ёқмайдиган иш қилса, бу ишни қилма, деб ман қилиши керак, агар

шунда ҳам кўнмаса унда низо чиқиши шубҳасиз, бундай ҳолатда ҳал қилиш йўли шундай:

Бўлур чун низоъ ичра нуқсону суд,
Керак анда бир шарт тутса вужуд.
Ки буким низоъ ичра тузди асос
Ўзин айласа ҳаси бирла қиёс.
Агар ғолиб ўлмоғлигин чоғласа
Низоъига ул лаҳза бел боғласа.
Ва гар қувватин англаса байн-байн,
Арода падида этмаса шўру-шайн.
Ва гар худ ўзин билса мағлубдур,
Насихат билан иктифо хўбдур.
Керак ул насихат доғи нармрўй
Ки то мустамий бўлмағай тунджўй.
Ки тунд ўлса кўп ваҳшат имкони бор,
Ки носихқа ҳам бийм нуқсони бор.
Низоъ ичра мундоқ маротибни бил,
Қила олмоғинг чун яқин ўлди қил.
Яқин бўлмаса ғолиби зан керак,
Киши барча ишда хирадфан керак.
Бировким хираддур анга раҳнамун,
Бу ишларда қўймас бўлурға забун.

Мазмуни шуки, агар низо чиқиши сўзсиз бўлса, у ҳолда ақл-у тадбир билан иш тутиш керак: агар кучи етса низога ҳеч иккиланмай киришсин, кучи тенг бўлса кирмагани маъкул ва агар ўзини заиф билса, у ҳолда насихат билан кифояланмоғи мақсадга мувофиқ.

Ўрта аср шароитида одамлар ўртасидаги ва давлатлар орасидаги рақобат кучли эди. Ҳар бир давлат раҳбари бу муаммога дуч келиши аниқ эди. Навоий бу муаммони юқорида зикр этилган тарзда ҳал этишни тавсия қилади. Аммо воқеликда кўпинча бунинг акси кузатиларди. Кўпинча бир хонлик иккинчи хонлик билан, ота бола билан болалар ўзаро тахт-тож таллашиб уруш қилар ва бунда юзлаб-минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлар эди.

Бу муаммо нимадан пайдо бўлади? Ўйламай иш қилишданми? Агар ўйлаб иш тутилса бундай кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлмасмиди.

Шоир бу саволларга жавобан Искандар билан Арасту орасидаги суҳбатни келтиради:

Яна қатла Доройи гардуншукух,
Деди: К-ей ҳақими Филотуншукух!
Кишида не феълеки мавжуд эрур
Ки андин зиёнбуд ё суд эрур
Чу феълиға боқса тааққул била.
Билурким тамаъ айлар элни залил,
Қаноатқа иззу шарафдур далил.
Эрур шоҳ ишига доғи бу қиёс
Ки чун бўлди беҳбудиға раҳшунос.
Ки мақсад топар эл ризоси била,
Турар кўп халойиқ дуоси била.
Тилар воқеан ишда ўз судини,
Қилур орзу кому беҳбудини.
Недин бас қилиб тарки ройи сабаб,
Қилур нохуш аҳволни иртиқоб?
Ки андин етиб шавкатиға шикаст

Бўлур зери дастига ул зердаст?

Искандар Арастудан савол қиладики, ҳар бир киши ўйлаб кўрса ўз феълидан нимаси зиён, нима фойда эканини биладику, нима учун билиб туриб ўз зиёнига иш қилади?

Тамагир бўлса, бундай кишилар ўзини хор қилади, қаноат иззат-шараф келтиради. Шоҳларнинг иши ҳам шунга қиёс: эл дуосини олса мақсадга эришади, агар ёқимсиз феълига бўйин эгса, ўз кўл остидагиларига қарам бўлади!

Бу саволга Арасту шундай жавоб беради:

Агар киши ақл билан иш тутса, қайси иш фойдали эканини билади, лекин нафси учун бу ишни бажариш оғир туюлади, нафс ҳар доим осон йўлини қидиради, натижада кўп нафдан маҳрум бўлади, дейди.

Иккинчидан, табиатан шундай хислатга эга бўладики, қайси иш тўғри йўл эканлигини билади, аммо унинг табиати тўғри ишни танлашга йўл қўймайди.

Учинчи бир шахс ҳар бир ишда юлдузларга таяниб қолади.

Ва охирида хулоса қиладики, у қанча ўйлаб, қанча тўғри иш тутмасин, агар тақдир бўлмаса қўйган мақсадига етолмайди, дейди.

Алишер Навоий яшаган давргача, ундан кейин ҳам жаҳонга қанча қудратли подшоҳ ёки лашкарбоши келса, у албатта бутун жаҳонни эгаллашни ўзига мақсад қилиб қўйган. Искандар ҳам бу удумдан мустасно эмас эди. Искандар ҳам Эрон заминини, Европа ва Африқонинг бир неча мамлакатларини эгаллаганидан кейин қолган дунё мамлакатларига нома ёзиб, барчасидан ўз ҳукмдорлигини тан олишни талаб қилади. Кўпчилик подшоҳ ва хонлар

унинг талабини қабул қилади ҳамда божу хирож туҳфаларини олиб, Искандарнинг олдига келишади. Фақат Кашмир подшоҳи Маллу, Ҳинд ройи ва Чин хоқони рад жавобини беришади.

Алишер Навоий Искандарнинг бу ниятини оқламайди, чунки бутун дунёни эгаллагани билан уни ўзи билан у дунёга олиб кетолмайди. Лекин ҳақиқат, воқелик шу эди. Искандардан кейин ҳам ҳар бир ўзига ишонган подшоҳ ёки лашкарбоши бу ниятни амалга оширишга уриниб кўрди.

Шоир гўё кейинги авлодларга эскартма бермоқчи бўладики, эй ожиз банда, кўзингни оч, қанча уринма дунёга устун бўлолмайсан! Бу фоний дунё! Бир кун келиб бу дунёдан кетасан! Шунинг учун тинч тотув яшашни ўзинга энг тўғри йўл деб бил, демоқчи бўлади. Искандар Эронни забт қилгач Хуросон ва Мовароуннаҳрга лашкар тортади, Ҳирот ва Самарқанд шаҳрини барпо этади. Сўнг Кашмирга юриш қилиб, Маллунинг тилисmlарини бузуб мағлуб этади ва мамлакатини Маллунинг ўғли Ферузга тақдим этади.

Шу ўринда шоир сафарнинг фойдали жиҳатлари ҳақида фикр юритади. Фақат сафар машаққатини бўйнига олиб, йўлга чиққан кишигина мақсадга эришади, ўрнидан кўзғолмаган киши қандай қилиб бирон нарсага эришади, деган фикрни ўртага ташлайди:

Сафар ичра ҳар ишта аҳли рашод,
Бу янглиғ кушод узра топиб кушод.
Санга доғи бўлса кушоде ҳавас,
Бу оламда топмоқ муроде ҳавас.
Талаб йўлида қил шитобандалиқ

Ки жўяндага келди ёбандалиқ.

Бу билан Искандарнинг етти иқлимнинг шоҳи бўлишига сабаб унинг саъйи ҳаракати натижаси, агар у сафарга отланмаганида бундай ютуқларга эришмаган бўлар эди, дейди. Бунда мажозий маъно бор. Шоир, инсонларни эзгу мақсад сари бор куч-ғайратини сарфлаб интилишга чақиради. Бу даъват Ўрта аср шароитида айш-ишратга берилиб, мамлакат ривожига, халқ фаровонлигига йўлида заррача қайғурмайдиган, халқнинг илму маърифатига, фан ва саноат тараққиётига аҳамият бермайдиган атрофдаги бир тўда давлат аёнларига қаратилган эди. Искандар бу ҳақда Арастудан, нима учун сафар инсонларга ранжу-озор берса ҳам ҳикмат аҳли сафар қилиш жоиз, деб рухсат берган, деб сўрайди. Жавобида Арасту учта далил келтиради: биринчидан инсон пишйди, иккинчидан соғлиққа фойда, учинчидан ҳаво алмашади, дейди.

Сафар ўтини айлаган ихтиёр,
Вужуд олтунин қилди комил иёр.
...Яна андин ўлди сафар рухсати
Ки элнинг эрур мужиби сихҳати.
...Нишотиға такрор ҳойил бўлур,
Табиат тажаддудга мойил бўлур
...Сафарда бу ҳолат муяссардурур,
Ки суву ҳаво номукаррардурур. (263 б.)

Искандар яна Арастудан, нега ёмонликка ёмонлик яхшилиқка яхшилиқ қайтади, деб сўрайди. Бу кўринишдан жуда оддий саволга ўхшаб кўринади. Лекин аслида ундай

эмас. Бу саволнинг замирида ёмонликка ёмонлик қайтишини ҳамма биладику, нима учун шуни билиб туриб бу ишга қўл уришади? деган маъно ётади. Бунга жавобан:

Вале чун яратти эл афъолини,
Яшурди анга дона аҳволини.
Ки деҳқон неким дона мазруъ этар,
Ани-ўқ ўрар, чунки вақти етар.

Шоир бу ўринда бутунлай янги фикрни ўртага ташлайди: ҳар кимда бир яширин феъл бор, шу феъли донга яширин хоссага ўхшайди. Яъни буғдой донаси бўлса ундан буғдой унади. Арпа эккан киши буғдой ҳосил олмайди, дейди. Демак, унинг табиатида зотий ёмонлик яширин бўлса ундан яхшилиқ чиқмайди, демоқчи.

Искандар кўшинининг шон-шавкатидан кўрққан Ҳинд Ройи ва Чин хоқони унга таслим бўлади. Искандар Чиндан чиқиб Мағриб заминга юриш қилади. Мағрибда кўхпайкар ўн кун ухлаб ўн кун ишлари билан банд бўладиган халқни таслим этгач ватанига йўл олади. Йўл устида Қирвонга етиб келади. Қирвон аҳли яъжуж-маъжуж аҳлининг талон-тарожидан азобда эканлигини айтиб, Искандардан нажот беришини илтимос қилади.

Бу ҳикоятда рамзий маъно бор эди. Яъжуж-маъжуж – бу ўз ҳаётини бошқалар меҳнат тери билан, топган мол-мулкани босқинчилик йўли билан талаб, беғуноҳ одамларни қирғинбарот қилиб кун кечирадиган ёввойи ваҳший қабилалар тимсоли эди. Шоир бу ўринда бирон-бир халқ булар тимсолида ўзига ўхшаш жиҳатларини топиб, шоирдан домангир бўлмасликлари учун бу маҳлуқотга афсонавий тус

беради. Навоийдан олдин ва Навоий даврида ҳам водийларда зироат ва бунёдкорлик ишлари билан машғул тинч аҳоли саҳродан келиб уларнинг бор мол-мулкини тортиб олиб, бешикдаги боласигача омон қўймайдиган босқинчи қабилалар дастидан азобда эди.

Искандар эса илму маърифат, маънавиятда камолга етган буюк саркарда тимсоли эди. У водий аҳолисининг илтимосига биноан уларни ёвдан сақлайдиган девор қурдиради. Бу девор рамзий маънога эга бўлиб, ёвдан қутулиш учун инсоният борлиқ илму-хунарини ва куч-қудратини, ақл-идрокини ишга солиб нажот қаъсани барпо қилиши керак, деган хулоса касб этади.

Алишер Навоийнинг бу рамзий ишораси ҳозирги авлод учун энг мақбул чорадек жаранглайди. Афғонистондаги ва Яқин шарқдаги қирғин барот урушлар, хонумонидан айрилиб, ватанини ташлаб ўзга юртларга мухожир бўлиб кетаётган юз минглаб кишилар, аёллар ва болалар нима гуноҳ қилган эди. Шоир бу ҳодисаларни олти аср аввал башорат қилгандек, дунё ақлини ақл-идрокни ишга солиб, бор куч-қудратидан фойдаланиб, бу халқларни азоб-кулфатдан қутқаришга чорлайди.

Шоир ватандан жудо бўлиш қанчалар оғир эканлигини таъкидлаб ёзади:

Ватан таркини бир нафас айлама
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.
Сафар меҳнати жовидонийдурур
Нединким сақардин нишонийдурур.

Искандар яъжуж-маъжуж хавф-хатаридан Қирво
аҳлини халос этгач, кўнгли хотиржамлик билан ватанга
қайтади.

Лекин Искандар табиатан айш-ишратга ружуъ кўйиб,
умрни бекорга зоеъ кетказадиган ғафлат босган
подпоҳлардан эмас эди. У қуруқликдаги рубъи маскунни
олгач, дилида денгиз ва океанлардаги ороллар ва океан
қаърида мавжуд махлуқотларни кўриш ҳаваси пайдо
бўлади.

Шоир буни шундай ифодалайди:
Бу шакли мудавварки дерлар жаҳон
Ки бор аксари сув ичинда ниҳон.
Қуруқлик ери ўндин эрмасдурур,
Билур эл нишон буйла бермасдурур.
Эрур офариниш аро онча печ
Ки жанбидадур тўқуз афлок ҳеч.
Фалакларки ҳеч ўлди ул печдин,
Қошида жаҳон камдурур ҳечдин.
Ҳисоб ичра бу ҳечдин доғи кам
Киши кўрмамиш бўлса ушрини ҳам
Недур мунча лофи жаҳонгардлик,
Эрур бу сифат лофи дамсардлик?
Чу афлоку анжумға етмас илик
Ки моҳияти элга бўлғай билик.
Билиб биз ҳисобини боғлаб расад,
Ҳақиқатларин фаҳм қилмас хирад.
Аларғаки қодир эмастур киши,
Билинмас сукуни била гардиши.
Жаҳонким бўлубтур мусаххар манга,

Анга ҳукумронлиқ муяссар манга.
Ани мулк этиб ҳақ, мени мулкдор,
Манга барча ишга бериб иқтидор.
Агар улча мулкумдадур билмасам,
Чу билмай билур фикрини қилмасам,
Менинг била сойир эл ичра не фарқ
Ки бўлғай алар баҳри ғафлатда ғарқ?
Керак ҳар недур фарши ғабро аро,
Қуруклук аро, йўқса дарё аро.
Агар айласа бахт ҳамроҳлик.
Юруб борчадин топсам огоҳлик. (478 б)

Искандарнинг уммонга сафарга чиқиб, ер куррасини атрофини айланиб чиқишида рамзий маъно бор эди. Инсон оламга келар экан умри давомида имкони борича билим орттиришга интилиши керак. Шоир бу билан токи тирик экан билим олишга чорлайди. Чунки инсоният бу дунёда нимага эришган бўлса, илму-маърифат, ижтимоий тараққиётда нимага эришган бўлса – бу ўтмиш алломалари, фидоий инсонлар хизмати эвазига эришилган эди. Шоир бу сатрлар орқали инсониятни огоҳликка, ғафлат уйқусидан уйғонишга чорлайди.

Искандар уч минг кема ясаб баҳри муҳитдаги 12000 оролни эгаллайди. Ундан сўнг океаннинг ўртасига бориб, сув остига сафар қилади ва денгиз сайридан қайтгач, фоний дунёдан боқий дунё сари сафар этади.

Шоир Искандар аҳволидан ибрат олишга, жаҳонни эгаллайман деб чиранмасликка чорлайди, чунки бу дунёдан ҳеч ким мол-мулкни орқалаб кетган эмас.

Қаю шоҳки олди жаҳон кишварин,
Тасарруф қилиб баҳру кон зеварин.
Ҳам они жаҳон дарднок айлади,
Не бергонни олиб ҳалок айлади.
Кишиким бу маъниға даъвоси бор,
Йироқ ерга бормоқ не маъноси бор?

Искандар етти иқлимни, баҳри муҳитни олди, лекин бу дунёдан қўли очиқ кетди.

Бу ибрат на фақат шоир яшаган даврга, балки ҳозирги даврда дунёни эгаллашга интилаётган давлат раҳбарларига ҳам тааллуқли эди.

Искандар ўлими олдидан васият қилиб шу сўзларни айтади:

Вале қилсангиз наъш аро устувор,
Ҳамул лаҳза зинҳору юз зинҳор,
Чиқоринг бир илгимни тобутдин,
Ҳамул навъким ришта ёқутдин.
Ки эл солиб ул сори ҳайрат кўзи,
Не ҳайрат кўзи, балки ибрат кўзи:
“Бу панжаки, бармоғлари чекти саф,
Жаҳони жаҳон аҳлидин урди каф.
Кафи ичра олди жаҳон кишварин,
Бару баҳрнинг лаъл ила гавҳарин.
Чу урди ажал илги табли раҳил,
Бақо бўйниға солди ҳабли раҳил.
Жаҳондин шал илги мисоли борур,
Нечукким чинор, илги холи борур.
Анга ким мададкор бўлғой билик,

Жаҳон шуғлидин боре чеккай илик”.

Бу сатрлардан чиқадиган маъно шуки, ҳеч бир жаҳонгир жаҳонга устун бўлолмайди, бир кун келиб жаҳонни тарк этади, худди шунингдек жаҳон аҳлига жабр-у истибдод ҳам ўткинчи, бир кун келиб бу ҳам тугайди. Ҳаёт давом этади. Бу жаҳонда фақат яхши ишлар, эзгу ниятлар доимо барҳаёт.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Алишер Навоий асарларини, хоҳ бир кичик шеърӣ парча бўлсин, хоҳ йирик эпик асар унинг юзаки луғавий маъносига қараб ҳукм чиқариш керакмас. Шоирнинг асарларининг маъноси кўп қатламли бўлиб, унда ижтимоӣ, фалсафӣ, мажозӣ, ирфонӣ, тарихӣ ва автобиографик маънолар мужассам.

“Садди Искандарӣ” асарида шоир юқорида зикр этилган турли масалалар устида баҳс юритган. Бу мақолада шоир баҳс юритган баъзи бир фалсафӣ-дидактик муаммолар ва рамзӣ тимсолларнинг мажозӣ маъноларини очиб беришга ҳаракат қилинди.

Эҳтимол бу мақолада билдирилган талқинлар айнан шоир кўзда тутган маънолар эмасдур, балки бундан-да теранроқ мавзулардир. Лекин шу нарса аниқки, шоир “Садди Искандарӣ”ни ва “Хамса”нинг бошқа дostonларини фақат афсоналарни қайта сўзлаб бериш учун ёзган эмас.

Шоир ҳар бир асарда ўзидан аввалги салафларининг ёзган “Хамса”ларини диққат билан ўрганиб чиққан ва улардаги яширин мажозӣ маъноларини мағзини чаққан ва шу мавзуда ўз кўзқарашини, ўз дил қаъридаги эъозлаб юрган фикр-мулоҳазаларини, келажак авлодларга

ўғитларини баён қилиш ниятида бу асарларини дунёга келтирган.

Алишер Навоий “Хамса”ни икки йилда, агар босим ўтириб ёзган даврини ҳисобласа олти ойда ёзиб тугатган. Агар кўнглида пишириб юрган, уни айтмаса ҳоли-жонига қўймайдиган гавҳар фикрлар бўлмаса бешта дostonда нимани ҳам ёзиш мумкин. Бу dostonлардаги ҳар бир сатр қуйма сатрлар бўлиб, бирон ҳарфини орттириб ва камайтириш имкони йўқ.

Алишер Навоий назмида Наврӯз

“Наврӯз” сўзи ва тушунчаси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғат ит-турк” асарида учрамайди. Бу луғатда “Ўғлоқ ой” бирикмаси бўлиб, С.Муталибов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган “Девони луғат ит-турк”¹ асарида бу бирикмани “Наврӯздан кейинги фасл, аввал баҳор” деб изоҳлайди.

Дабир Сиёғий нашрга тайёрлаган нусхада “Чодирда ўтирувчилар ва кофирлардан жаҳолат аҳли тўрт фаслни ойлар номи билан атаганлар ва йил айланишини билганлар. Чунончи наврӯздан кейинги баҳорнинг бошланишига “Ўғлоқ ой”, яъни “Улоқ ойи”, ундан кейингисини “Улуғ ўғлоқ ой”, яъни “Катта улоқ ойи” деб номлашган, чунки иккинчи ойда улоқ катта бўлади”². “Девони луғат ит-турк”да “базрам” “байрам” сўзи учрайди. “Базрам” сўзини Дабир Сиёғий нусхасида шундай шарҳлайди: “Ғуз тилида, ийд ва жашн ва гумонимча “базрам”нинг ўзгарган шакли бўлса керак. Халқнинг тилида сурур, шодлик, поклик, ҳайит куни маъносини ифодалайди. Сурур ва шодлик куни бўлиб, жоҳилия даврида ийд (байрам) бўлмаган, шунинг учун унинг номи бўлмаган. Агар ийд бўлганида, ҳамма турклар уни билган бўлардилар ва ундан хабардор бўлардилар. Турклар у билан таниш эмас. Ғузлар ўз тиллари хусусиятига кўра “базрам”даги “зол” ҳарфини “йо” ҳарфига айлантирган бўлишлари керак”³. Доктор Ҳусайн Муҳаммадзода Сидик таржима қилиб чоп эттирган нусхада⁴ “базрам” сўзини

¹ Девони луғат ит-турк. Индекс. М. 1967

² M.1996 ديوان لغات الترك. ترجمه و تنظيم و ترتيب الفبايى دكتور سيد محمد دبیر سبائی.

³ Ш.к. 3136.

⁴ صديق. ح.م. ديوان لغات الترك. نشر اختر 2005/۱۳۸۵ ص. ۲۷۸

шундай шарҳлайди: “*вежрет*”: халқ ичидаги шодлик, сурур ва кулги. Гул ва чечаклар билан безалган ерга “*вежрет уер*” дейишади, бунинг маъноси “сўлим ер”дир. Мен бу сўзнинг илдизини (ўзаги) билмайман, чунки уни форслардан эшитганман. Ўғузлар ҳам шодлик ва хурсандчилик кунини “байрам” дейишади. Ўғузлар “зол” ҳарфини “йо” ҳарфига алмаштиришган. Шунинг учун бу сўз алоҳида сўзга айланиб қолган.

Бу уччала нусхада йилнинг бошланишини ифодаловчи фасл “баҳор”, “кўклам” ва шу фасл билан боғлиқ бўлган байрам “наврўз” сўзлари учрамайди.

Маҳмуд Кошғарий бу сўзларни форсча бўлганлиги учун киритмаган ёки туркий қабилаларда бу байрамни нишонлаш одат бўлмаган.

Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” асарида йилнинг бу фасли билан боғлиқ бўлган “баҳор” сўзини ва бу фаслда халқ шодиёналари билан боғлиқ бўлган “байрам”, “наврўз”, “ийд” сўзларини ишлатади. Бу Навоий даврида Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи халқлар, уларнинг қайси миллат ва элатга қарашли эканидан қатъий назар янги йил бошланишини, яъни Наврўз байрамини, баҳор байрамини нишонлашганини кўрсатади.

Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонида “баҳор” сўзи ва у билан боғлиқ йил фаслининг бошланиши ҳар тўрт жилда кузатилади. Масалан:

“Эй навбаҳор оразинг субҳиға жонпарвар ҳаво,
Андин гулу булбул топиб юз барг бирла минг наво”¹.

¹ Алишер Навои. Мукаммал асарлар тўплами. Бадоеъ ул-васат. 5 т. 76.

Бу байт ғазалнинг матласи бўлиб, “навбахор” сўзи “йилнинг бошланиш фасли ва сафолик даври” маъносида қўлланган. Шунинг учун “ораз”, яъни “чехра”га ўхшатиляпти.

Шу девоннинг 86 ғазалида “бахор” сўзи куйидаги байтда учрайди:

“Баҳор эл гулга мойил, бағрима юз хор соат,
Етиб ҳар хоридин кўнгулга минг озор ҳар соат”¹.

Бу байтда “бахор” гул ва чечаклар очиладиган давр экани, одамлар гул сайрига мойил бўлиши таъкидланмоқда. Шу китобдаги кейинги байт шундай:

“Ғар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси,
Келур ул райҳон ила гулдин менга ҳижрон иси”².

Бу байтда ҳам “бахор” айни гулу райҳонлар очиладиган янгиланиш фасли эканлиги уқтирилмоқда.

“Фавойид ул-кибар”да ҳам асосан баҳор васф қилинади:

“Уйғотур субҳи баҳор элни фиғон бирла саҳоб,
Ким сабуҳий чоғидур маст бўлунг, эй асҳоб”³.

Бу байтда “бахор” чақмоқ чақиб, осмон гулдираб ёмғир қуядиган фасл эканлиги эслатилмоқда. Бу байтдаги “сабуҳий” сўзи эрталаб хумор бости учун ичиладиган май

¹Ш.к. 67 б.

²Ш.к. 421 б.

³Алишер Навои. Мукаммал асарлар тўплами. 6-жилд 1990й. 33 б.

бўлиб, бу ўринда албатта мажозий маънода қўлланилмоқда. “Май” рамз сифатида бадий санъатда “яхши кайфият”, “хурсандчилик” маъносида тушунилади. Навоий даврида бу рамз тасаввуфий маънода: солиқ қалбига илоҳий нур тажаллийсидан вужудга келадиган ҳол маъносида талқин қилинган.

Навоий шеърятининг, умуман классик шеърятнинг афзаллиги шундаки, шеърнинг маъносини ҳам табиий ҳаёт билан боғлиқ, ҳам бадий санъат сифатида ташбих, киноя, мажозий маънода талқин қилса бўлади.

Шоирнинг мақсади ҳам шу бўлган Навоий бу ҳақда дейди:

“Мажозий ишқдин муроди ҳақиқат эканларнинг моний-ларига моний бўлмоқ ва носихларига носих”:

Кўрмаса хусни мажозий ичра жуз ҳақ сунъини
Ошике ким бўлса ишқ атвори ичра покбоз.
Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гар сен идрок айласанг айни ҳақиқатдур мажоз¹.

Бу китъада шоир айтмоқчики, инсоннинг Ҳақ таоло яратган (сунъ) нарсаларига пок кўнгил билан ишқ боғлаш бу айнан ўша яратганга ишқ қўйиш билан баробар, шунинг учун ошиқни маломат қилма деган маънони ифодалаган.

“Баҳор” хурсандчилик, айш-ишрат, гул сайри мажозий маъноларида яна қуйидаги ғазаллар матласида учрайди:

¹ Ш.к. 6 ж. 512 б.

Баҳору боғ сайридин не гул не сарвдур комим,
Будур комимки, шояд учрағай гуландомим¹:
Баҳори васлида ўртанди рашқдин жоним,
Хаёл қилки не бўлғай хазони ҳижроним².
Баҳору боғдин ортар малолату дардим,
Ки йўқ чаман аро гулбарги нозпарвардим³.

Ғазалларда “байрам”, “ийдгоҳ” сўзлари қуйидаги ғазалда учрайди.

“Ҳар киши байрам сабоҳи шоду мен ғамнокмен,
Ийдгоҳ ичра аёғ остидағи хошокмен”⁴.
“Байрам” сўзи яна шу ғазалда учрайди:
Бу байрамда қани шўхеки, жоним бўлса қурбони,
Ки тутса бода ранги ўйлаким қурбонийлар қони⁵.

“Наврўз” сўзи Навоий ғазалларида биринчи марта
“Бадоеъ ул-васат” девонида қуйидаги ғазалда учрайди.⁶

Эй юзунг боғи насимида ҳавойи наврўз,
Лаъли тожинг бўлуб ул боғда бўстонафрўз.
Зулфу руҳсор ила комимға мени еткурсанг,
Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсун наврўз.
Кўнглум ул луббат илигида гирифтор ўлмиш,
Кўшни ул навъики лаъб аҳли қилур дастомуз.

¹ Ш.к. 6 ж. 275 б.

² Ш.к. 6 ж. 276 б.

³ Ш.к. 6 ж. 284 б.

⁴ Ш.к. 6 ж. 319 б.

⁵ Ш.к. 6 ж. 394 б.

⁶ Ш.к. 5 ж. 157 б.

Дарди ҳажрингда куяр кўнглуму ўз ҳолимға
Кишисизлиқдин ўзумдурмен ўзумга дилсўз.
Даҳр золиға кўнгул бермаки, Рустамларни
Мақр ила айлади ожиз бу ситамгора ажуз.
Кўк жафосидин ўлур хобғаҳинг бўз туфроғ,
Бўлса остингда сипехр ашҳаби янглиғ кўк бўз.
Эй Навоий, сену Хусрав била жомий таври
Санъату рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз.

Бу ғазалдаги “*Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсун наврўз*” ҳозирги кунда Ўзбекистонда Наврўз байрамининг шиорига айланган. Чунки бу сўзларда теран маъно жо бўлган: қадр туни мусулмон дунёсида “ҳар қандай эзгу тилаклар мустажоб бўладиган тун” деган ақида мавжуд. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқига “ҳамма эзгу ниятлари амалга ошсин, тинчлик бўлсин, тинчлик неъматини жамият ҳаётининг ҳар кунини байрамга айлантиради”, деган маъно ётади.

Наврўз ҳақида энг гўзал ва дурри шаҳвор байтлар “Фавойид ул-кибар” девонидаги қуйидаги ғазалда¹ мужассам:

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшли хилъат, менинг сарви равоним ҳам.
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб
жавлон,
Анинг шайдоси бир дехқон, мунга шайдо бари олам.
Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлиб дилбар,

¹Ш.к. 6 ж. 286 б.

Ани ел айлабон музтар, бу елдин секретиб адҳам.
Кўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин гулгул,
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.
Қилиб оҳим сари парво, буён майл этмадинг қатъо,
Сабодин, эй қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.
Бу боғ ичра май, эй соқийки, бормен асру муштоқи
Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.
Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддиға бўл мойил
Ки, боғ этмас сени хушдил, гулу сарв айламас хуррам.

Бу ғазалнинг руҳи ҳақиқатдан байрамона. Наврўз байрами янги йил, янги ҳаётнинг бошланиши эканлиги, бу фаслда табиат қайта жонланиши, боғу-роғлар, тоғу-тошлар кўкаламзорга айланиб, инсонларга келажакка умид ва бу айёмни шоду хуррамлик ва сурур билан ўтказиш лозимлигига ишора ётади.

Агар Навоий замонидан ҳозиргача камида 600 йил ўтганлигини назарга олсак ўзбек халқи бу байрамни Навоий давридан ҳам анча қадимдан нишонлашларига амин бўламиз.

Бу байрам бизга аҳо-аждоқларимиздан қолган буюк мерос ва ўта қадрли анъана. Бу байрам қандай аталишидан қатъий назар, табиатда кун билан тун баробар келиб, шу кундан бошлаб янги давр, янгиланиш-табиатда ва жамиятда жонланиш даври эканлигини унутмаслигимиз керак ва буни юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик, хур ва фаровон ҳаётимиз рамзи сифатида ардоқлашимиз керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғот ит-турк” асари 1074-1075 йилда тугалланганлигини ҳисобга олсак бу асарда янги йил

бошланиш . фаслини “Ўғлоқ ой”, яъни “улоқ ойи” дейилишини ва ўша даврда ўтказиладиган шодиёналар “базрам” ўғуз тилида эса “байрам” дейилиши маълум бўлади.

Бу луғатда “баҳор”, “наврўз”, “янги йил” тушунчалари учрамайди, демакки бу даврда туркий халқлар орасида бу байрам бўлмаган. Наврўз байрамининг туркий халқлар ҳаётига кириб келиши бундан кейинги даврларда расм бўлган.

Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” девонларида “баҳор”, “ийдгоҳ”, “байрам” ва “наврўз” сўзларининг қўлланадиган бу тушунчаларни Навоий давридан анча олдинроқ туркий халқлар удумига кириб келганидан дарак беради.

Мустақиллик туфайли бу қадрият Ўзбекистон ва бир қатор қўшни мамлакатларда қайтадан тикланди ва элимизнинг энг сеvimли байрамларидан бирига айланди.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
Алишер Навоий асарларини ўрганишда янги босқич.....	20
“Ҳайрат ул-аброр” да “ишқ”.....	32
“Ҳайрат ул-аброр” да “инсон”.....	40
“Ҳайрат ул-аброр” да “илм”.....	67
Фарҳод ишқи.....	76
“Фарҳод ва Ширин” да “Ширин” тимсоли.....	90
“Фарҳод ва Ширин” да “эл” тимсоли.....	104
“Лайли ва Мажнун” да “дард-у ғам”.....	119
“Лайли ва Мажнун” асаридаги арабий ўзлашмалар.....	128
“Дил” ҳақойиқ жилвагоҳи.....	134
“Сабъаи сайёр” да “кўнгул”.....	144
“Сабъаи сайёр” да “ақл”.....	156
“Сабъаи сайёр” да гўзаллик тимсоли.....	166
“Сабъаи сайёр” достонида “май.”.....	182
“Садди Искандарий” – нажот қалъаси.....	192
Алишер Навоий назмида Наврўз.....	217

А. ҚУРОНБЕКОВ

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ХАМСА”
ДОСТОНЛАРИДА РАМЗ
ВА ТИМСОЛЛАР**

Техник муҳаррир:

О.Алимов

Компьютер вёрсткаси:

Ш.Ганпова

Босишга рухсат этилди 15.12.2015.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 14,5. Нашр босма табағи 14,25.

Тиражи 50. Буюртма № 242.